2002. N 1-4
R G17
2002 1-4

# O'ZBEKISTON TARIXI



1
2003

2002

O`z DK

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

# O'ZBEKISTON TARIXI

*Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi*
*Bir yilda to'rt marta chiqadi*

1
2002

Toshkent
O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
«Fan» nashriyoti

*Таҳрир ҳайъати:*

Дилором АЛИМОВА *(бош муҳаррир)*, Азамат ЗИЁ, Бўривой АҲМЕДОВ, Шоира АСАДОВА *(масъул котиб)*, Омонулла БЎРИЕВ, Валерия ГЕНТШКЕ, Доно ЗИЁЕВА, Неъматилла ИБРОҲИМОВ, Зиёвиддин ИСЛОМОВ, Ўткир ИСЛОМОВ, Мирсодиқ ИСҲОҚОВ, Элёр ҚАРИМОВ, Розия МУҚМИНОВА, Эдвард РТВЕЛАДЗЕ, Рустам СУЛАЙМОНОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Темур ШИРИНОВ, Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Асомиддин ЎРИНБОЕВ.

*Манзилимиз:*

*700170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.*
*Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73.*

**© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2002 йил**

Муҳаррирлар: *М. Саидова, Ҳ. Раупова*
Техмуҳаррир: *Л. П. Тюрина*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00208. Теришга берилди 26. 03. 2002. Босишга рухсат этилди 7. 05. 2002. Қоғоз бичими 70×100 1/16. Адабий гарнитура. Юқори босма. Офсет қоғози. Шартли босма 6,77 т. Ҳисоб-нашриёти 5,61 т. 847 нусха. 12-буюртма.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Яҳё Ғуломов кўчаси, 70.
ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 79.

*Тарихга янги нигоҳ*

*Б. Матбобоев*

# ҚАДИМГИ ФАРҒОНАДА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК ИЛДИЗЛАРИ

Фарғона водийсининг жойлашишига уни харитасидан назар солсангиз, у деярли тўрт тарафи тоғлар билан ўралган ва қўшниллардан бир қадар ажралиб турганга ўхшаб кетади. Инчинун Ўрта Осиёдаги кўплаб суронли воқеаларда бошқалардан бир оз айри тургандай бўлади. Бунга бир неча сабаблар хам бордай туюлади... Яъни Фарғона водийси милоддан аввалги VI—IV асрларда Ўрта Осиёни кўплаб ҳудудларида бўлган Эрон ахамонийларига ҳам бўйсунмаган. Сўнгра Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) қўшинлари ҳам ҳозирги Хўжандгача бостириб кирганлар холос. Салавкийларни, кушонларни водийда бўлгани ҳақида бирорта маълумот йўқ. Лекин келтирилган маълумотларга қарамай, Фарғона водийси Ўрта Осиё тарихини ривожланиш босқичларини у ёки бу даражада, ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бошдан кечирган. Қолаверса, водий инсоният тарихини ибтидосидаёқ энг қадимги одамлар маконларидан бири бўлган. Академик Ў. Исломовнинг кўп йиллик қазув ишлари натижасида аниқланган топилмаларга асосан эълон қилинган салоҳиятли хулосаларига кўра, Жанубий Фарғонадан қўлга киритилган тош қуроллар ва айрим суяк топилмалари ёши бир миллион йилдан ортиқдир[1]. Хўш, шунчалик кўҳна тарихга эга бўлган Фарғона водийсида илк шахарлар ва давлатчилик қачон пайдо бўлган ва у қандай кечган? Бу кўпчиликни қизиқтириши табиий. Сабаб, мустақилликдан олдинги ва кейинги чиққан адабиётларда Фарғона водийсидаги илк шаҳарсозлик ва давлатчилик масалалари ҳақида деярли маълумотлар учрамайди.

## Дастлабки шаҳарлар ва илк давлатчилик

Инсоният тарихининг сўнгги 5—6 минг йиллик даврини шаҳарларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қолаверса, давлатчиликни илк босқичлари ҳам биринчи шаҳарлар билан чамбарчас боғланган. Яъни давлатчиликни илк кўриниши энг қадимги шаҳарлар замирида пайдо бўлади. Бунга мисол этиб Месопотамиядаги Лагаш, Ур, Урук каби шаҳар-давлатларни келтириб ўтиш мумкин[2].

[1] Исламов У. И., Крахмаль К. А. Палеоэкология и следы древнейшего человека Центральной Азии. Ташкент, 1995.

[2] История древнего Востока. Зарождение древнейших классовых обществ и первые очаги рабовладельческой цивилизации. Ч. I. Месопотамия. М., 1983. С. 132—174; Яна қаранг: Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е. В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. Ташкент, 2000. С. 46—47.

Шаҳарлар маълум ҳудудларда сиёсий, иқтисодий, маданий марказлар сифатида пайдо бўлганлар. Шаҳарларни пайдо бўлиши яъни шаҳарсозлик маданиятини ўз ривожланиш қонуниятлари ва босқичлари мавжуд. Ана шу хусусиятлар турли ҳудудларда ҳар хил кечган ва шаҳарсозлик жараёнлари бир даврда бўлмаган. Масалан, энг дастлабки шаҳарлар Шумер, Элам, Ҳиндистонда милоддан аввалги 4—3 минг йил олдин, Хитойда милоддан аввалги 3—2 минг йил олдин пайдо бўлган бўлса, Шимолий Европада бу жараён анча кеч, милоддан аввалги бир мингинчи йилларини ўрталарида кечган[3].

Албатта, шаҳар мақомини олиш учун маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак. Булар қаторига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омиллар кириб, улар шаҳарларни пайдо бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу билан бирга жуғрофий омиллар: фойдали қазилма бойликлар, шаҳарни жойлашган ўрни, сув билан таъминлангани, ташқи дунё билан боғлангани (савдо йўллари бўйидаги) ҳам катта аҳамиятга эга. Демак, шаҳар маълум ҳудудда одамларни уюшиб яшаши учун керак бўлган дунёвий, диний, иқтисодий, ташкилотларни бир бутун организми вужудга келган жой. Шаҳарлар жойлашишига кўра 3 га бўлинади: йўқ бўлиб, харобага айланган, олдинги шаҳарлар ўрнида бунёд этилган ва ҳозирги шаҳарлар. Булар ичида харобага айланган, ўлик-археологик шаҳарлар масаласи тарих фанида муҳимдир. Чунки уларни шаҳарлар қаторига қўшиш археологияда энг долзарб муаммолардан биридир. Бу борада кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Ушбу тадқиқотларда қазиб ўрганилган қадимги шаҳарлар учун маълум белгилар силсиласига таклиф этилади. Айниқса, бу белгилар Шарқ мамлакатлари шаҳарлари, хусусан биздаги илк шаҳарлар учун академиклар А. А. Асқаров, Э. В. Ртвеладзе ва проф. Т. Ш. Шириновлар томонидан мукаммал ишлаб чиқилган[4]. Бу белгиларни умумлаштириб олганда асосан археологик ёдгорликлар майдони, мудофаа деворлари бўлиши, шаҳар тузилиши (қисмларга бўлиниши), маҳобатли бинолар борлиги, ҳунармандчилик ривожлангани ва бошқаларни қамраб олади. Албатта, ҳар бир даврни ёки худудни археологик ёдгорликларига шаҳар мақомини беришда умумий белгилар билан бирга ўзига хос хусусиятлар ҳам бўлади. Чунончи, ўрта асрлар шаҳарларига қўйилган талабларни илк шаҳарларга қўллаб бўлмайди[5]. Ўзбекистон ҳудудидаги илк шаҳарларни ривожланиш босқичларини умумлаштирсак, энг қадимги ва қадимги шаҳарлар гуруҳи яққол кўринади. Номлари зикр этилган олимлар хулосасига кўра, шаҳар мақомини кўплаб белгиларини ўзида мужассам этган ва Ўзбекистон, қолаверса, Ўрта Осиёдаги классик шаҳар бу Жарқўтон ёдгорлигидир. Жарқўтон шаҳар харобаси Сурхондарё вилоятини Шеробод туманида

---

[3] Аскаров А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993. С. 10.

[4] Ўша жойда.

[5] Ширинов Т. Ш. Теоретические проблемы урбанизации в среднеазиатской археологии//Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Самарқанд, 1995. 114—116-бетлар.

жойлашган, 100 гектар ҳудудни эгаллаган. Жарқўтонни даврий жиҳатдан милоддан аввалги XVII—XI асрлар билан белгиланишини хисобга олсак, Ўзбекистонда шаҳар маданияти тарихи 3,5 минг йилдан ортади.

Кейинги иккинчи гуруҳ сирасида 20 дан ортиқ шаҳар мақомини олиши мумкин бўлган археологик ёдгорликлар мавжуд бўлиб Хоразм, Сўғд, Бақтрия, Чоч (Шаш) каби тарихий минтақаларда аниқланган. Улар майдони 10 гектардан 100 гектаргача боради, даврий жиҳатдан ҳозирдан ҳисоблаганда 2300—2800 йиллик тарихга эга.

Ана шу иккинчи гурух шахарсозлик маданияти занжирига Фарғона водийси хам киради. Водийдаги археологик ёдгорликларга шаҳар мақомини бериш учун керак бўлган белгиларни (катта майдон, мукаммал мудофаа системаси, алохида арк, деҳқончилик воҳаси ва ҳунармандчилик маркази) 1973 йилдаёқ проф. Ю. А. Заднепровский томонидан тўлиқ ишлаб чиқилган эди[6]. Ҳақиқат нуқтаи назаридан айтиш керакки, айрим ишлар эълон этилишига қарамай, бу фикрлар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ[7].

Таъкид этиш жоизки, водийдаги илк шаҳарсозлик маданияти кўҳна илдизларга эга. Шаҳарсозлик маданияти элементлари қадимги деҳқончилик маданияти заминида кўринади. Археологик манбалар водийда қадимги деҳқончилик маданиятини милоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг охирги чорагидан бошланганига гувоҳлик бермоқда. Бу давр фанда биринчи топиб ўрганилган жой номи билан «Чуст маданияти ёдгорликлари» деб номланиб, асосан деҳқончилик билан шуғулланган қадимги аҳолига тааллуқлидир. Даврий жиҳатдан Чуст маданияти ёдгорликлари иккига бўлинади ва биринчи илк босқич милоддан аввалги XII—IX асрлар, иккинчи босқич милоддан аввалги VIII—VII асрлар билан саналади[8].

Қадимги Фарғона деҳқонлари сув манбалари жойлашишига қараб ўз маконларини бунёд этишган кўринади. Ерни ҳайдаб деҳқончилик қилингани ҳақида археологик далиллар бор. Хусусан, Фарғона тоғ тизмаларидаги Саймалитошдаги ва Сўх яқинидаги Янгиариқсойдаги тошга битилган суратларда қўш ҳайдаётган киши тасвири аниқланган[9]. Бу тасвирлар айнан шу вақтга тўғри келади. Қадимги деҳқонлар нафақат табиий сув бўйларида, балки обиҳаёт чиқариш осон бўлган дарё ва сой бўйларидан кичкина каналлар ҳам чиқариб хўжалик юритганлар. Бунинг исботи сифатида Андижон вилоятида жойлашган Далварзинтепа ва Ашқолтепанинг йирик сув манбаси Қора-

[6] Заднепровский Ю. А. Типология и динамика развития городских поселений древней Ферганы//Древний город Средней Азии. Тезисы докладов. Л., 1973. С. 17—20. Яна шу муаллиф: Древние города и этапы урбанизации Средней Азии// Зоны и этапы урбанизации (Теоретические аспекты проблемы «Город и процесс урбанизации в Средней Азии»). Тезисы докладов. Ташкент, 1989. С. 51—53.

[7] Анарбаев А. А. О раннем городе Фергане//Ош и Фергана в исторической перспективе. Вып. 3. Бишкек. 2000. С. 70—71.

[8] Матбабаев Б. Х. Некоторые итоги сравнительного изучения расписной керамики Чустской культуры//ИМКУ. Вып. 30. Самарканд, 1999. С. 54.

[9] Ташбаев К. И. Новые исследования Саймалы-таша//Новое о древнем и средневековом Кыргызстане. Вып. 2. Бишкек, 1999. С. 72—75, рис. 1; Хужаназаров М. Изображение пахоты из Янгиарыксая//ОНУ. 1989. № 3. С. 50—51.

дарё ҳавзасида (3—4 км масофада) жойлашганини келтирамиз. Чуст ёдгорлиги эса кичкина сой яқинида ва ёши минг йилликларга тенг бўлган булоқ бўйида жойлашган. Буларга истисно сифатида Ўш шаҳри қоқ марказидаги Сулаймон тоғи бағрида жойлашган бу давр ёдгорлигини келтириш мумкин. Чунки у сув манбаларидан йирокда ва анча баландда жойлашган. Ўш манзилгоҳини сув билан қандай таъмин этилгани номаълум бўлиб қолмоқда. Келтирилган нуқта (воха)ларда Чуст маданиятининг 80 дан ортиқ ёдгорликлари аниқланган. Улар майдонига кўра учга бўлинадилар: йирик ёдгорликлар (Далварзинтепа—25 гектар, Ашқолтепа — 13 гектар), ўртача катталикдаги (Чуст (Буонамозор) — 4 га, Деҳқонтепа — 5 га, Ўш — 2 га, Хўжамбоғ — 4 га) ва майда ёдгорликлар[10].

Демак, водийдаги қадимги бободеҳқонларимизнинг маконлари сув бўйидаги унумдор ерларни ўзлаштирилишига қараб, алоҳида воха ёки гуруҳ тарзида (икки ва ундан ортиқ ёдгорлик) жойлашган. Буни исботи сифатида кейинги 50 йил ичида водийда ўрганилган Чуст маданияти ёдгорликларининг жойлашиш тизимини келтириб ўтиш лозим. Воҳалар ёки йирик ёдгорликлар орасидаги масофа 20—30 км. га борган, бу оралиқ отни бир юришига ёки туяда бир кунда босиб ўтадиган йўлга тенг бўлган. Ана шундай воҳалар Фарғона водийсининг 15 та географик районида топиб ўрганилган. Кайд этилган воҳалар водийнинг асосий сув «артериялар» бўйида ёки улар сув ҳавзаларида ўрнашганлар. Булар Ғовасой, Косонсой, Қорадарё, Аравонсой, Чортоқсой, Мойлису, Оқбурасой, Куршобсой ва бошқалар. Қадимги деҳқончилик воҳаларини ҳар биридаги ёдгорликлар майдонлари ва жойлашишига кўра маълум меъёр ва тамойилларига эга бўлгани тадқиқотчилар томонидан аникланган[11]. Мисол учун яхши ўрганилган Қорасув вохасини келтириб ўтамиз. Воха Таллиқсу ва унинг ирмоқларидаги сув манбалари билан узвий боғланган. Унинг ҳудуди 300 кв. км. ни ташкил этиб 24 та Чуст маданияти ёдгорликлари рўйхатга олинган. Улар ичида майдони (4 гектар) билан ажралиб турувчи Хўжамбоғ ўша даврда Қорасув вохасининг маркази вазифасини бажарган бўлса керак. Ёдгорликлар жойлашишидаги шундай ҳолатни бошқа воҳаларда ҳам кузатиш мумкин. Яъни Қорадарё воҳасида марказ вазифасини Деҳконтепа ёдгорлиги, Ғовасой ва Косонсой воҳасида марказ Чуст ва бошқалар. Демак, ҳар бир деҳқончилик воҳасида бир неча майда (майдони бир неча кв. м. дан 1 гектаргача) ёдгорликлар ва биттадан ўртача катталикдаги (6 гектаргача) ёдгорлик бўлгани аниқланган. Ана шулар ўртача катталикдаги ёдгорликлар, яъни юқорида тилга олинган Чуст, Деҳқон, Хўжамбоғ деҳқончилик воҳаларини иқтисодий, маданий ва ҳунармандчилик марказлари эдилар. Олимлар бу воҳаларда келиб чиқиши жиҳатидан қариндошлиги бор оилалардан иборат аҳоли гуруҳлари яшаганлар

---

[10] Заднепровский Ю. А. Динамика развития оседлоземледельческой культуры Ферганы//Аральский кризис: историко-географическая ретроспектива. М., 1991. С. 186—198.

[11] Заднепровский Ю. А. К истории оазисного расселения в первобытной Средней Азии//КСИА. Вып. 167, М., 1981. С. 23—28.

деган фикрни билдирадилар. Улар ўзига хос деҳқон жамоаларини ташкил этганлар. Ҳар бир воҳа ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва улар бирлашувидан деҳқончилик марказлари пайдо бўлган.

Профессор Ю. А. Заднепровский маълумотлари бўйича қадимги Фарғона деҳқончилик маркази билан бир вақтда Ўрта Осиёнинг 10 та жойида ҳам ана шундай марказлар пайдо бўлади[12]. Буларга Ёз, Яшилли (Туркманистон), Кучуктепа, Чироқчи, Бурғулик (Ўзбекистон), Чуст (Ўзбекистон, Қирғизистон), Шаҳристон (Тожикистон) ва бошқа деҳқончилик марказлари киради, ҳамда милоддан аввалги VIII—VII асрларга тўғри келадилар. Ушбу бир-бирига ўхшайдиган деҳқончилик марказлари ичида Чуст маданияти ёдгорликлари даврий жиҳатдан энг кўҳнаси ҳисобланади. Кейинги маълумотларга кўра, Шарқий Туркистонни (Хитой) Тарим воҳасида ҳам шундай қадимги деҳқончилик маркази аниқланган. Деҳқончилик марказларида аниқланган ана шу археологик ёдгорликлар билан боғлиқ бир муҳим маълумотни таъкидлаб ўтиш зарур. Чунки бу гуруҳ ёдгорликларини ўрганиш аҳамияти икки жиҳати билан эътиборга лойиқ. Биринчидан, бу даврда Ўрта Осиёда илк давлатлар пайдо бўла бошлаган эди. Иккинчидан, зардуштийлик дини асосчиси, пайғамбар Заратуштра (Зардушт) яшаган ва унинг таълимоти шаклланган вақт ҳам айнан ушбу ёдгорликлар санаси билан бир даврга тўғри келади.

Милоддан аввалги VIII—VII асрларда шаҳар мақомини олиш учун энг зарур белгилар ушбу даврни ҳамма катта ёдгорликларида ҳам мавжуд эмас. Жумладан, Яз-депада (16 га) алоҳида арк маълум, лекин мудофаа деворлари йўқ. Ерқўрғон, Кўктепа, Қизилтепаларда милоддан аввалги VIII—VII асрларга оид маданий қатлам аниқланган холос, мудофаа деворлари билан алоҳида ажратилган шаҳар қисмлари ҳозирча топилгани йўқ. Ҳолбуки, айнан катта майдонни мураккаб мудофаа деворлари билан ўраб олиниши ва унинг таркибий қисмларга (албатта арк билан) бўлиниши шаҳарни энг зарур ва муҳим белгилари ҳисобланади. Яъни Чуст маданиятининг асосий, катта ёдгорликлари Далварзинтепа, Чуст (Буонамозор), Ашқолтепалар шаҳарсозлик илк босқичлари тарихи учун муҳимдир. Айнан Далварзинтепа ва Чуст атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган ҳукмдор яшайдиган арк ажралиб туради.

Кўп йиллик илмий қидирув ишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, Далварзинтепада яшаган аҳоли уни уч қисмда иборат қилиб қурган. Ҳар бир қисм алоҳида мудофаа девори билан ўралган ва уларни ўз вазифаси бўлган. Далварзинтепани 18 гектари яшаш жойи, 5 гектари атроф аҳолини хавф туғилганда жон сақлайдиган қисм, 2 гектари эса махсус ажратилган қисм (арк) бўлиб, ҳукмдорлар яшаганлар. Далварзинтепа арки нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ҳам энг кўҳна арк ҳисобланади. Далварзинтепанинг деворлари пахса ва ғиштлар билан тикланган. Фақат деворларни таъ-

---

[12] Заднепровский Ю. А. Основные земледельческие области Средней Азии в эпоху поздней бронзы-раннего железа//Природа и человек. М., 1988. С. 120—133; рис. 1.

мирлашда ва кенгайтиришда ўзимизнинг оддий гувалалардан фойдаланилган. Айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги гувала намуналари Далварзинтепада қайд этилган. Сейсмик жиҳатдан мустаҳкамлигини ошириш учун деворни қуйи қисми юқорисидан кенгроқ қилинган бўлиб, уни эни 4—6 метрга боради, баландлиги 2,5 метрда сақланган. Қурилишда қатнашган усталар ўзлари тайёрлаган ғиштларга махсус белгиларни қўйган, бундай белгилар 20 дан зиёд.

Демак, Далварзинтепа пухта ўйланган режа асосида қурилган йирик аҳоли пункти эди. Шаҳар белгиларини кўплари бу ерда мавжуд[13]. Биринчидан, унинг майдони катта эди, яъни 25 гектар, бу ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижаси ҳисобланади[14]. Ҳолбуки Т. Ш. Ширинов маълумотларига кўра Яқин Шарқда 6 гектарли, Марказий Осиёда 3—6 гектарли шаҳарлар бўлган[15]. Иккинчидан мураккаб тузилган ва учга бўлинган таркибий қисм ҳамда арк мавжуд эди. Учинчидан, мукаммал мудофаа системаси бўлиб, шаҳарнинг ҳар бир қисми алоҳида ҳимояланган эди. Булар ичида аркка катта эътибор берилиб, у анча пухта ўйланган режа билан мудофаа этилган. Тўртинчидан, ҳунармандчилик ҳам Далварзинтепада яхши ривожланган эди. Бронза (жез)дан керакли асбоб-анжомларни қуйиш учун қумтошдан бир неча қолиплар топилиши металлсозлик маҳсулотларини узоқ ва яқин ҳудудлар учун мўлжалланганини кўрсатади. Кулолчилик, шох ва суякни ишлаш, тоштарошлик, уйсозлик ҳам ривож топган эди. Бу ҳақда етарли далилий ашёлар топилган. Биз келтириб ўтган белгилар Далварзинтепани илк шаҳар мақомидаги ёдгорлик эди деб айтиш учун етарлидир[16]. Бу шаҳар сўнгги бронза ва илк темир даврида камида 300—400 йил Фарғонани маданий, ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлиб хизмат қилган эди. Чуст маданиятининг қолган катта ёдгорликлари ҳақида гап кетганда, Ашқолтепа, Чуст (Буонамозор), Деҳқонтепа, Хўжамбоғ кабиларни ҳам шаҳар типидаги (шаҳармонанд) мақомга эга эди деб айтиш мумкин.

Фарғона водийсининг икки ёдгорлиги (Далварзин, Чуст)да алоҳида аркни пайдо бўлиши, катта ишчи кучи ва маблағ сарфланган мудофаа деворлари қурилиши жамиятдаги ижтимоий табақаланиш жараёнидан дарак беради. Жумладан, Далварзинтепадаги мудофаа деворларини оладиган бўлсак, уларнинг қурилишида бутун ён атрофдаги аҳоли қатнашган. Сабаб, палеоэкономик изланишлар кўрсатишича, Далварзинтепани аҳолиси жами 1800—2000 кишига борган, албатта бундан ишга яроқлиси унча кўп бўлмаган. Шундай қилиб,

---

[13] Zadneprovsky Y. A. Early urban developments in Central Asia//Iran/XXXIII. 1995. P. 155—159.

[14] Задненровский Ю. А. Типы поселений и жилищ Ферганы бронзового века//Реконструкция древних общественных отношений по археологическим материалам жилищ и поселений//Тезисы докладов. Л., 1974. С. 32—35.

[15] Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. По материалам городища Джаркутан. Автореф. докт. дисс. М., 1993. С. 38.

[16] Ушбу фикрни бошқа ҳудудларда иш олиб бораётган олимлар ҳам қўллаб-қувватлайдилар (*Қаранг:* Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда). Тошкент, 1996. 103-бет.

тарихий манбалар ва этнографик маълумотларга таяниб ишлаб чиқилган ҳисоб-китобларга кўра деворлар 2—3 йилда, агар қурилиш чўзилган бўлса беш йилда битказилган.

Демак, Фарғонада бундан 2700—2900 йил олдин Далварзинтепа каби шаҳар, Чуст, Деҳқонтепа, Хўжамбоғ, Ашқолтепага ўхшаш шаҳармонанд маконлар бор эди. Бу нарса Фарғона водийсида шаҳарсозлик (урбанизация) жараёнлари бошқа ҳудудлардан кўра кечроқ кечган эди дегувчилар фикрларини асоссизлигини кўрсатади.

Албатта, илк давлатчилик илдизларини тадқиқ этишда дастлабки шаҳарлар аҳамияти каттадир. Чунки, илк шаҳарлар тўғрисида гапириб, юқорида келтириб ўтган белгилар фанда дастлабки давлатчилик куртаклари сифатида қаралади. Яъни Фарғонада йирик шаҳар ва шаҳармонанд маконлар борлиги, илк ирригация иншоотлари мавжудлиги[17] ва ҳунармандчиликни ривожлангани синфий муносабатларни ва бу ўз навбатида илк давлатчилик белгиларидан дарак берарди. Келтирилган бунёдкорлик ишларини йўлга қўйиш фақат давлат мақомидаги ташкилот амалга ошириши мумкин эди. Табиий савол туғилади: бу ҳақда археологик маълумотлар бор экан, ёзма манбалар нима дейди? Уларда Ўрта Осиёдаги, хусусан Фарғона водийсидаги илк давлат бирлашмалари ҳақида маълумотлар йўқ ҳисоби. Тўғри, «Авесто»да илк давлат тузилмалари ҳақида (дахьюсасти) сўз боради. Бир оз сўнгроқ, яъни аҳамоний Кир II ни Ўрта Осиёга юриши арафасида (милоддан авв. 530 йили) бу ҳудудда учта йирик давлат бўлгани ҳақида тарихий маълумотлар бор. Булар Қадимги Бақтрия подшолиги, Катта Хоразм ва кўчманчи сак қабилаларининг йирик конфедератив давлати эди. Албатта хорасмий (хоразмий), бохтар (бақтрий) ва кўчманчи саклардан ташқари фарғоналиклар, суғдийлар, парфянлар, марғиёналиклар ҳам бўлганлар. Лекин Фарғонада қандай давлат ёки сиёсий тузилма бўлгани ҳақида бирор хабар йўқ. Шунинг учун Фарғонани милоддан аввалги бир минг йилликни биринчи чорагидаги сиёсий тузилмаси ҳақида сўз кетганда одатда «чифдом типидаги давлатмонандчилик (протогосударство) бўлган» дейилади, холос.

Ушбулардан келиб чиқиб бизлар Фарғонадаги юқорида келтирилган археологик комплексларга асосланиб ва уларни Хоразм ва Бақтрияга солиштириб ўрганиб, бу ерда илк давлатчилик бўлгани ҳақида дадил фикр айтишимиз мумкин. Айнан милоддан аввалги VIII—VI асрларда Ўрта Осиёда майда воҳа давлатчалари асосида уларга нисбатан йирикроқ давлат бирлашмалари пайдо бўла бошлаган эди[18]. Айнан шу жараённи Фарғона водийсида ҳам кузатиш мум-

---

[17] Тўғри, Чуст маданияти даврида суғорма деҳқончиликни илк шакллари бўлиб, сув иншоотлари кичик ва содда бўлган. Йирик каналлар бир оз сўнг милоддан авв. VII—IV асрларда пайдо бўлади. Булар Узган-арық, Андижонсой (Заднепровский Ю. А. Динамика развития оседлоземледельческой культуры Ферганы//Аральский кризис: историко-географическая ретроспектива. С. 192, 195—196.

[18] Массон В. М. Средняя Азия в эпоху раннего железа: культурная и социально-экономическая динамика//Раннежелезный век Средней Азии и Индии. Ашхабад, 1984. С. 9.

кин. Бунга мисол тариқасида ўша милоддан аввалги XII—VII асрларга оид қадимги Чуст маданиятининг деҳқончилик воҳалари, шаҳар ва шаҳармонанд (протогород) маконлар мавжудлиги ҳамда нисбатан аҳоли зичлиги кабиларни келтириб ўтиш керак. Шунинг учун биз милоддан аввалги VIII—VII асрларда Фарғонада воҳа давлатчилиги бўлган деган фикрни олға сурамиз[19]. Бу давлат тузилмаси хусусиятлари тўғрисида бирон фикр айтиш ҳозирча мушкул. Нима сабабдан шу вақтгача водийдаги илк урбанизация (шаҳарсозлик) ва давлатчилик масалалари тўғрисида фикрлар айтилмайди? Чунки узоқ вақт Фарғона водийси Чуст маданияти ёдгорликларига бошқача қаралди ва улар чекка бир «периферия» деб ҳисобланди. Водийдаги 2700—2900 йил олдинги мавжуд мудофаа системаси, арк бўлганини очиқ инкор қилинди. Бу билан Фарғона водийсидаги илк шаҳарлар маданияти[20], қолаверса, давлатчилик бўлганига шубҳа билан қаралди. Аслида эса Фарғонадаги Далварзинтепа, Ашқолтепа (Андижон вилояти), Чуст (Наманган вилояти) ёдгорликлари моддий маданият намуналари билан Бақтрия, Сўғд, Хоразм ёдгорликларидан қолишмайди. Милоддан аввалги VIII—VII асрлардаги ўзгаришлар кейинги даврлар учун туртки бўлди. Бундан 2500—2600 йил олдин тарих саҳнасига энди Фарғона водийсидаги Эйлатон ва Нуртепа каби шаҳарлар чиқадилар. Кейинроқ, яъни милоддан аввалги V—VI асрларда қадимги Фарғона (Хитой манбаларида Давань) давлати пайдо бўлади. Бу давлат ҳақида маълумотлар баъзилари бизгача етиб келган. Фарғонанинг милоддан аввалги VIII—VII асрлардан кейинги тарихи ҳақида навбатдаги тадқиқотларимизда алоҳида тўхталамиз.

Демак, Фарғонада илк шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилик қарийб 2700—2900 йиллик тарихга эга.

---

[19] Фарғона водийсидаги бронза ва илк темир даври археологик ёдгорликларини воҳа-воҳа бўлиб жойлашишини биринчи марта Ю. А. Заднепровский аниқлаган эди. (Заднепровский Ю. А. К истории оазисного расселения в первобытной Средней Азии. С. 23—28). Кейинги пайтларда Т. Ш. Ширинов бу йўналишни яъни воҳа давлатчилиги муаммосини бутун Ўрта Осиё учун ишлаб чиқди. Агар дастлаб «чифдом», «нома» типидаги майда давлатлар тўғрисида фикр юритилган бўлса, кейинги пайтларда қадимги деҳқончилик марказларида (Бақтрия, Хоразм, Сўғд, Фарғона) воҳа давлатчилиги ғояси илгари сурилмоқда (Аскаров А. А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. С. 143). Бу муаммони жуда мураккаб бўлишига қарамай, ҳозирги кун материаллари асосидаги энг мақбул ечим деб ҳисоблаймиз.

[20] Сарианиди В. И., Кошеленко Г. А. Средняя Азия в раннежелезном веке. Заключение//Археология СССР: Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М., 1985. С. 202—203. Яна *қаранг:* Анарбаев А. А. Города Северной Ферганы в древности и раннем средневековье//ОНУ. 1994. № 1—2. С. 48.

---

*Б. Матбабаев*

## *РАННИЕ СЛЕДЫ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ В ДРЕВНЕЙ ФЕРГАНЕ*

*Ранние следы государственности на территории Ферганской долины обнаружены в памятниках древнеземледельческой культуры, названной по первому открытому памятнику чустской (XII—VII вв. до н. э.). В настоящее время зафиксировано более*

*80 памятников этой культуры, среди которых выделяются Дальверзин (25 га), Чуст (4 га), Ашкалтепа (13 га) и др. В Дальверзине и Чусте выявлены оборонительные сооружения, а также цитадель (арк). Следует отметить, что Дальверзин (Джалалкудукский район Андижанской области) считается самым древним памятником в Фергане, отвечающим критериям для определения статуса города (большая площадь, развитая фортификационная система, отдельный арк-цитадель, центр земледельческого округа, ремесел и т. д.).*

*Сравнивая археологические комплексы второго этапа чустской культуры (IX—VII вв. до н. э.) с аналогичными материалами Бактрии и Маргианы, можно допустить существование в Фергане оазисной государственности.*

*B. Matbabaev*

*THE BEGINNING OF STATE FORMING IN THE FERGHANA VALLEY*

*Early traces of state on the territory of the Ferghana valley were discovered on monuments of ancient farmer's culture which was named ofter first discovered monument Chust (XII—VII cent. of BC). Today, more than 80 monuments of the culture were fixed and among them Dalvarzin (25 h). Chust (4 h), Ashkaltepa (13 h) and others are more outstanding. The defensive constructions and aiso citadel (ark) were digged oit in Dalvarzin and Chust. We must note that Dalvarzin (Jalalkuduk district, Andijon region) is considered as oie of the most ancient monuments in the Ferghana valley, which suits to criterion for difining the status of town (large area, developed defensive system, arc-citadel, the center of agricultural region, handicraft and ete).*

*We can adopt the version about existence of Ferghana oasis state comparing archaeological complexes of the second period (IX—VII c. of BC) of Chust culture with analogous of Bactriya and Margiana.*

*В. Киселев*

# ДЕМОГРАФИЧЕСКАЯ СТАТИСТИКА В КОЛОНИАЛЬНОМ ТУРКЕСТАНЕ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВЕКА

По мере развития национальной государственности в Республике Узбекистан и связанных с ней системно-институциональных изменений во всех сферах общественной жизни как никогда актуальной становится задача всестороннего и объективного изучения того исторического пути, который был пройден многострадальным народом нашей страны в годы колониального господства царской России, когда, как известно, был нарушен естественный ход социально-культурной эволюции общества и произошли трагические деформации в развитии края. Некоторые из них до сих пор оказывают свое негативное влияние на процесс демократических преобразований современности. Значительная часть этих деформаций проявилась не только в общественно-политической, экономической и культурной жизни коренных народов Туркестана, но и сказалась на этно-демографических характеристиках населения всего региона. Этому, в частности, способствовала «целенаправленная миграционная политика царской России, затем Советского государства»[1]. Исходя из этого, комплексное исследование социально-экономической, политической и культурной жизни наро-

[1] Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Ташкент: Узбекистон, 1997. С. 73.

дов края немыслимо без восстановления объективной картины демографического и этнического развития среднеазиатского общества, что, в свою очередь, предполагает проведение системного анализа данных демографической статистики, их классификацию, определение особенностей и характерных черт ее развития в колониальном Туркестане. При этом объективное и полноценное исследование демографических данных, собранных в указанный нами исторический период, возможно лишь в контексте изучения тех методов, которые тогда применялись для сбора статистических сведений о населении.

Однако, несмотря на очевидную актуальность данной проблематики, история становления и развития демографического учета населения на территории современного Узбекистана в колониальный период, особенно в 60—90-е годы XIX в., до настоящего времени остается довольно слабо изученной. Так, нет ни одной специальной работы, посвященной этому аспекту исторического прошлого нашего государства.

В колониальный период методы сбора статистических данных о населении рассматривались в ряде работ краеведческого, медицинского и географического характера, но лишь поверхностно в общем контексте их тематики[2]. В советской же историографии лишь в монографии Ф. Азадаева «Ташкент во второй половине XIX века»[3] были проанализированы те методы сбора данных о численности и составе населения, которые применялись в старой части города Ташкента. Однако в целом вся система демографического учета населения на территории современного Узбекистана в 60—90-е годы XIX в. так и осталась вне зоны исследования. Между тем статистические данные о населении Туркестана в колониальный период весьма часто используются в различных исторических трудах, но, как правило, без проведения их источниковедческого анализа.

В большинстве случаев авторы безоговорочно доверяют статистическим сведениям, собранным колониальными властями до проведения переписи 1897 г. и не пытаются критически осмыслить степень их полноты и достоверности. Подобное отношение к статистическим источникам связано, по-видимому, с отсутствием четкого представления о том, каким образом собирались сведения о населении Туркестана в 60—90-е годы XIX в. Для того, чтобы восполнить этот пробел в рамках данной статьи, нами была предпринята попытка проанализировать те методы сбора статистических данных о населении, которые применялись на территории Туркестанского края, а также оценить полноту и достоверность собранных статистических сведений.

---

[2] Смирнов Е. Сырдарьинская область. Описание, составленное по официальным источникам. Спб: Тип. М. М. Стасюлевича, 1887; Лыкошин Н. С. Население и смертность в туземной части города Ташкента//Сб. материалов для статистики Сырдарьинской области/Под ред. И. И. Гейра. Т. II. Ташкент: Изд-во Сырдарьинского областного статистического комитета. Типо-литография наследников С. И. Лахтина. 1892. С. 397—423; Аверьянов П. Статистический обзор с 1868 по 1887 год по Сырдарьинской области//Труды Сырдарьинского областного статистического комитета в 1887—1888 гг. Ташкент, 1888.

[3] Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX века. Ташкент, 1959.

При этом, в связи с отсутствием аналогичных работ в отечественной историографии, автору пришлось обратиться к теоретико-методологическим разработкам зарубежных исследователей по данной проблематике[4]. Кроме того, отдельные аспекты затронутой темы отчасти уже были рассмотрены в статье автора «Перепись 1897 года и особенности ее проведения в Туркестане»[5].

Географически автор ограничился пределами Сырдарьинской, Самаркандской и Ферганской областей. Это связано с тем, что в 60—90-е годы XIX в. учет населения охватывал только ту часть современного Узбекистана, которая была захвачена царскими войсками и включена в состав Туркестанского генерал-губернаторства.

В то же время на территории Бухарского эмирата и Хивинского ханства систематического и полного учета населения в XIX в. не проводилось.

Систематический сбор статистических данных о населении Туркестана начался в 1867 г. после образования Туркестанского генерал-губернаторства.

Организуя учет населения, колониальные власти прежде всего преследовали свои колонизаторские цели. Так, сведения о населении были необходимы для организации системы управления, административно-территориального размежевания, налоговой эксплуатации местного населения, а также для выработки и осуществления планов колонизации края.

Система учета населения, созданная в Туркестане царскими властями, имела свои особенности. Однако в целом она развивалась в рамках той системы учета населения, которая сложилась в то время в России.

Специфика учета населения на территории Российской империи в 60—90-е годы XIX в. была связана с отменой крепостного права и серией реформ, когда в результате возникновения новых социальных реалий потребности государства перестала удовлетворять старая система учета, основанная на списках податного населения — «ревизских сказках», проверявшихся в ходе ревизий. Этому сугубо фискальному способу учета населения было присуще множество серьезных недостатков, негативно отражавшихся на результатах ревизий. В силу этого они не смогли дать точных данных о населении, и потому после завершения последней десятой ревизии в 1858 г. на повестку дня

---

[4] См., например: Брук С. И., Кабузан В. М. Динамика численности населения России в XVIII — начале XX века. Источники и историография//Историческая демография: проблемы, изучение, задачи. М.: Наука, 1989. С. 120—132; Брук С. И., Кабузан В. М. Об источниках по исторической демографии Европы XVIII—XX вв.// Историческая демография: проблемы, изучение, задачи. С. 150—162; Бекмаханова Н. Е. Многонациональное население Казахстана и Киргизии в эпоху капитализма (60-е годы XIX — 1917 г.). М.: Наука, 1986; Кабузан В. М. О достоверности учета населения России. 1858—1917//Источниковедение отечественной истории. М., 1982.

[5] Киселев В. Г. Перепись 1897 года и особенности ее проведения в Туркестане//Узбекистон халқлари тарихининг долзарб муаммолари тўғрисида/Сб. статей научной конференции, проведенной кафедрой истории народов Узбекистана исторического факультета. Ташкент: Университет, 1995. С. 34—46.

встал вопрос о проведении всеобщей научно-методической переписи населения, но из-за русско-турецкой войны и традиционной бюрократической волокиты перепись была проведена лишь в 1897 г.

В связи с этим правительство было вынуждено обратиться к другим источникам получения статистических данных о населении, к числу которых относились: текущий административно-полицейский учет, локальные переписи и церковный учет естественного движения населения, фиксировавшийся в метрических книгах.

Основным источником данных о численности населения и его составе в период с 1858 по 1897 г. стал административно-полицейский учет. До 1897 г. на территории Российской империи было проведено шесть административно-полицейских исчислений — по состоянию на 1 января 1859, 1864, 1868, 1871, 1886 и 1896 гг.[6], в ходе которых полиция подсчитывала население страны, опираясь на данные текущих списков населения. Эти списки были крайне разнородными. Так, существовали отдельные списки дворян, духовенства, мещан и крестьян, которые велись в различных инстанциях[7]. В частности, списки дворян имелись у уездного предводителя дворянства, а списки крестьян велись в волостных управлениях[8]. В остальные годы численность населения определялась по состоянию на 1 января, исходя из естественного прироста населения.

На территории Туркестанского края административно-полицейский учет, выполнявший, главным образом, фискальные задачи, имел свои особенности, обусловленные существовавшей в колониальный период налоговой системой, для которой, в отличие от европейской России, было характерно не подушное, а подворное налогообложение коренного населения. Вот почему администрация вела не списки населения, а списки владельцев домов и юрт (кибиток). Их первый систематический подсчет был осуществлен организационными комиссиями, в задачу которых входили организация системы местного самоуправления на волостном и аульном уровнях, а также установление налогообложения коренного населения[9].

С декабря 1867 по март 1869 г. организационные комиссии проводили свою работу в уездах Сырдарьинской области, в ходе которой ее члены объезжали кишлаки и стоянки кочевников[10]. В 1872 г. они действовали в Зарафшанском округе, а в 1876—1877 гг.— в Ферганской области и Амударьинском отделе[11].

В дальнейшем подсчет домов юрт (кибиток) проводился в ходе так называемых поземельных переписей населения — у оседлого и покибиточных — у кочевого, которые осуществлялись каждые три го-

---

[6] Кабузан В. М. О достоверности учета населения России. 1858—1917//Источниковедение отечественой истории. С. 100.

[7] Пландовский В. Народная перепись. Спб., 1898. С. 307.

[8] Там же. С. 307.

[9] Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К. П. фон Кауфмана. Спб., 1885. С. 47.

[10] Там же. С. 48—52.

[11] Там же. С. 60—71.

да и приурочивались к выборам глав низовой администрации. В ходе этих исчислений проверялись и дополнялись списки владельцев домохозяйств. Затем сведения о числе домов и юрт (кибиток) умножались на цифру «5» — предполагаемое среднее число членов отдельного домохозяйства и, таким образом, определялась численность населения Туркестанского генерал-губернаторства[12].

В промежутках между этими исчислениями администрация с помощью должностных лиц местного самоуправления пыталась вносить поправки в списки домохозяйств. Однако это не смогло обеспечить сбора точных и достоверных сведений о численности населения по Туркестанскому краю. Так, в частности, перепись от 28 января 1897 г. зарегистрировала в Ферганской области 1 572 214[13] человек, тогда как по состоянию на 1 января того же года администрацией было зафиксировано лишь 1 184 700[14] человек, из чего следует, что недоучет составил 387 514 человек, или 24,6%.

Аналогичная картина наблюдалась и по двум другим областям «коренного» Туркестана: в Сырдарьинской области перепись в 1897 г. зафиксировала 1 478 398[15] человек, а администрация по состоянию на 1 января 1897 г. лишь 1 243 584[16] человека, т. е. на 234 584 человека, или на 15,9%, меньше данных переписи; в свою очередь в Самаркандской области перепись определила численность наличного населения в 860 021[17] человек, а администрация по состоянию на 1 января того же года — 720 982[18], из чего следует, что недоучет составил 139 039 человек, или 16,6%.

Этно-конфессиональный состав населения также определялся на основе данных поземельных и покибиточных исчислений, и потому сведения о численности коренных народов Туркестана в 60—90-е годы XIX в. также носили приблизительный характер.

Учет естественного движения в царской России был делом церковных организаций, который осуществлялся отдельно по разным конфессиям. Основной недостаток метрической регистрации естественного движения населения в Туркестане заключался в том, что

---

[12] Обзор Сырдарьинской области за 1886 год. Ташкент: Изд-во Сырдарьинского областного статистического комитета. Типо-литография С. И. Лахтина, 1887. С. 148; ЦГА РУз, ф. и. 269, оп. 1, д. 3, л. 26 об., 31.

[13] Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года. Т. XXXIX/Под ред. Н. А. Тройницкого. Ферганская область Спб.: Изд-во ЦСК МВД. «Центральная» типо-литография М. Я. Минкова, 1904. С. 1.

[14] Обзор Ферганской области за 1896 год, Н. Маргилан: Изд-во Ферганского областного статистического комитета. Тип. Ферганского областного управления, 1898. С. 2.

[15] Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года. Т. XXXVI. Сырдарьинская область/Под ред. Н. А. Тройницкого. Спб.: Изд-во ЦСК МВД. Тип. товарищества «Народная польза», 1905. С. 1.

[16] ЦГА РУз, ф. и. 269, оп. 1, д. 109, л. 2.

[17] Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года. Т. LXXXIII. Самаркандская область/Под ред. Н. А. Тройницкого. Спб.: Изд-во ЦСК МВД «Пушкинская скоропечатня», 1905. С. 1.

[18] Бекмаханова Н. Е. Многонациональное население Казахстана и Киргизии в эпоху капитализма (60-е годы XIX — 1917 г.). М.: Наука, 1986.

она преимущественно охватывала пришлое население, причем главным образом православного вероисповедания, поскольку у коренного населения, исповедавшего ислам, метрическая регистрация родившихся, умерших и сочетавшихся браком в колониальный период не была налажена[19].

Администрация неоднократно пыталась ввести метрическую регистрацию у коренного населения, но все эти попытки оканчивались безрезультатно. Например, такие попытки предпринимались в 1873—1876 гг. в Зарафшанском округе[20]. Затем, начиная с 1888 по 1890 г., Самаркандский областной статистический комитет рассылал на места метрические книги, выполненные по существовавшей тогда в России форме с переводом заголовков каждой из глав книги на местные языки всем имамам, раввинам и казиям.

Но после того, как выяснилось, что большая часть книг ведется крайне небрежно, а собранные в них сведения далеки от действительности, статистический комитет решил, начиная с 1891 года, прекратить рассылку метрических книг[21]. В связи с отсутствием метрических записей у коренного населения администрации пришлось собирать сведения о естественном движении путем письменного опроса волостных управителей, которые должны были присылать соответствующие донесения начальнику уезда[22].

Однако волостные управители и подчиненные им аульные старшины не занимались такой регистрацией и потому не знали точного числа родившихся, умерших и вступивших в брак. Кроме того, анализ архивных материалов, содержащих сведения о естественном движении населения по Сырдарьинской области за 80—90-е годы XIX в., показал, что администрации почти ежегодно не удавалось собрать сведения по нескольким уездам одновременно. По-видимому, это можно сбъяснить тем, что большинство волостных управителей этих уездов вообще не присылало донесений, а если и присылало, то не вовремя, хотя справедливости ради следует отметить, что в Сырдарьинской области, где значительное число жителей вело полукочевой образ жизни, регистрировать население и его естественное движение было затруднительно по объективным причинам. В итоге данные, полученные с помощью опроса, были столь нереальными и разрозненными, что статистические органы колониальной администрации их почти не публиковали.

Еще одним видом учета населения, широко практиковавшимся на территории царской России в дореформенный период, были ло-

---

[19] Обзор Сырдарьинской области за 1886 год. Ташкент: Изд-во Сырдарьинского областного статистического комитета. Типо-литография С. И. Лахтина, 1887. С. 153; Обзор Ферганской области за 1891 год. Н. Маргилан: Изд-во Ферганского обл. стат. комитета. Типография Ферганского обл. правления, 1893. С. 26; Обзор Ферганской области за 1892 год. Н. Маргилан: Тип. Ферганского областного правления, 1894. С. 30; Обзор Самаркандской области за 1887 год. Самарканд: Тип. А. Г. Сунгурова, 1888. С. 12.

[20] ЦГА РУз, ф. и. 1, оп. 11, д. 696, л. 38 об.

[21] Там же, л. 38.

[22] Там же, л. 39.

кальные переписи. Так, только за период с 1869 по 1889 г. было проведено 79 локальных переписей[23].

На территории коренного Туркестана локальные переписи чаще всего проводились в Ташкенте, что объяснялось его статусом административного центра генерал-губернаторства.

Главной особенностью, отличавшей локальные переписи города Ташкента от аналогичных переписей на остальной территории Российской империи, было то, что они проводились отдельно в новой и старой частях города. Так, в 1871—1874, 1887, 1890 гг. переписи проводились в старой части города, а в 1871, 1875, 1881 и 1893 гг. были предприняты попытки провести однодневную перепись в новой. С 1871 по 1874 г. проводилась первая перепись населения в старой части города, в ходе которой чиновники администрации регистрировали жителей, их имущество и род занятий[24].

Перепись проводилась в течение двух лет и зарегистрировала в старой части города всего лишь 41 805[25] человек. С учетом населения новой части в городе должно было проживать 44 830[26] человек. Однако, согласно данным 1870 г., в Ташкенте проживал 78 971[27] человек.

В 1887 г. по приказу начальника города участковыми аксакалами была проведена первая поименная перепись населения в старой части города. Ее мужское население было собрано в мечетях в каждом квартале, где аксакалы вели опрос у собравшихся об их именах и членах семьи, а полученные сведения записывали в специальные тетради[28].

Но и в этом случае часть населения старого города не была учтена, поскольку перепись зарегистрировала лишь 81 504[29] человека, тогда как по административно-полицейскому исчислению 1885 г. ее численность составляла 121 470[30] человек.

Неточные сведения о численности населения в старой части Ташкента дала и перепись 1890 г., зафиксировавшая только 96 541[31] человек.

Между тем в новой части Ташкента администрация четырежды предпринимала попытки провести однодневную перепись (в 1871, 1875, 1881 и 1893 гг.). Однако однодневной была лишь перепись 1893 г.[32] Первые две переписи — 1871 и 1875 гг., проводились на протяжении

---

[23] Там же, д. 616, л. 3 об.

[24] Киселева Г. П., Кваша А. Н. О чем рассказывают переписи населения. М.: Финансы и статистика, 1983. С. 25.

[25] Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX века. Ташкент: Изд-во АН Уз, 1959. С. 129.

[26] ЦГА РУз, ф. и. 36, оп. 1, д. 963, л. 14—15.

[27] Там же, ф. и. 1, оп. 16, д. 515, л. 78.

[28] Лыкошин Н. С. Население и смертность в туземной части города Ташкента//Сб. материалов для статистики Сырдарьинской области Т. 2. Ташкент: Изд-во Сырд. обл. стат. комитета. Типо-литогр. наследников С. И. Лахтина, 1892. С. 400.

[29] Там же. С. 400.

[30] Статистика Российской империи//Сборник сведений по России за 1884—1885 гг. Спб.: Изд-во ЦСК МВД, 1887. С. 24.

[31] ЦГА РУз, ф. и. 269, оп. 1, д. 19, л. 309 об., 310, 348, 349.

[32] Там же, д. 48, л. 3, 6.

нескольких дней и настойчивые попытки провести однодневную перепись 28 октября 1881 г. потерпели неудачу: большинство домовладельцев представило столь неполные и неточные сведения, что их пришлось уточнять в течение нескольких дней[33]. Но, несмотря на это, данные, полученные по переписи в новой части города, являются наиболее полными и достоверными.

28 ноября 1892 г. была проведена однодневная перепись населения в новой части города Самарканда, которая также дала разнообразные статистические данные[34].

В заключение можно констатировать, что все виды учета, применявшиеся на территории Сырдарьинской, Самаркандской и Ферганской областей Туркестанского края в 60—90-е годы XIX столетия, за исключением локальных переписей в европейских кварталах Ташкента и Самарканда, не смогли дать точных и достоверных статистических данных о численности, составе и естественном движении населения. Это было прямым следствием отсутствия поголовной регистрации и метрических записей у коренного населения, а также плохой организации локальных переписей в старой части Ташкента.

При этом следует отметить, что колониальная администрация, нуждавшаяся в точных и разнообразных статистических сведениях о населении, прежде всего для совершенствования системы колониального управления, организации всеохватного налогообложения коренного населения и разработки планов по дальнейшей колонизации края, сознавала все недостатки применявшихся методов сбора данных о численности, составе и движении коренного населения и неоднократно пыталась повысить качество регистрации населения и его движение. Однако для этого необходимы были кардинальные меры, а именно введение поименного учета и метрической регистрации, но этого не было сделано. Вот почему вплоть до проведения переписи 1897 г. администрация не сумела собрать точных и достоверных сведений о населении коренного Туркестана.

В этой связи статистические материалы, собранные царскими властями в Туркестане, могут, на наш взгляд, служить только основой для специальных исследований, посвященных реконструкции демографической ситуации на территории Узбекистана в колониальный период.

---

[33] Там же, ф. и. 36, оп. 1, д. 1313, л. 36.

[34] Справочная книжка Самаркандской области за 1893 год. Вып. 1. Самарканд. Изд-во Самаркандского обл. стат. комитета, 1983. С. 88.

*В. Қиселев*

*XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА КОЛОНИАЛ ТУРКИСТОНДАГИ ДЕМОГРАФИК СТАТИСТИКА*

*Мақолада демографик статистика масаласининг қўйилиши, унинг мустамлакачи маъмурият томонидан XIX аср охирида амалий қўлланиши, хусусиятлари ва усуллари тадқиқ этилган.*

*V. Kiselev*

*STATISTICS ON THE POPULATION IN COLONIAL TURKESTAN IN THE SECOND HAIF OF XIX CENTURY*

*The article investejstes the question of demografic statistics organization in Turkestan; its peculiazities and methods of the practical use by colonial administration in the of XIX century.*

*С. Тиллабоев*

# МУСТАМЛАКАЧИЛАРГА ҚАРШИ ДАРВИШХОН БОШЧИЛИГИДАГИ ҚЎЗҒОЛОН

Ўрта Осиёга Россия тажовузининг бошланиши билан ерли аҳолининг мустамлакачиларга қарши миллий озодлик курашлари ҳам бошланиб, унинг ўлкадаги ҳукмронлигининг барҳам топиши, яъни мустақилликка эришган кунгача турли кўринишларда давом этган. Булардан бири Фарғона водийсида мустамлакачилик зулмига қарши курашган Дарвишхон раҳбарлигидаги 1885 йилги халқ қўзғолонидир. Собиқ совет тузуми даврида чоп этилган асарларда Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолонга нотўғри баҳо берилган. Мавжуд манба ва архив ҳужжатларини ўрганиш жараёнида Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон Россия мустамлакачилигига қарши ерли аҳоли томонидан олиб борилган миллий озодлик ҳаракатларининг дастлабкиларидан бири эканлигига амин бўлдик.

Дарвишхон Эшонхон Тўра Андижон уезди Қўрғонтепа волостига қарашли Чекатўра қишлоғи фуқароси, у қўзғолонга раҳбарлик қилган пайтда 45 ёшда бўлиб, анча катта ҳажмдаги ер мулкка эга бўлган. Архив маълумотларига кўра Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолондан аввал, яъни 1885 йилнинг ёз ойларида Фарғона водийсининг турли жойларида мустамлакачи ҳукуматга қарши умумхалқ қўзғолонига тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисидаги гаплар аҳоли ўртасида кенг тарқалган. Бу бежиз бўлмаган эди, чунки водийнинг айрим жойларида умумхалқ қўзғолонига тайёргарлик кўриш масалалари яширин йиғилишларда муҳокама қилинган. Бундан мустамлакачи ҳукумат вакиллари ҳам хабардор бўлган[1]. Мустамлакачи ҳукумат тайёрланаётган қўзғолоннинг олдини олиш учун ерли аҳоли устидан назоратни кучайтирган, ҳар қандай шубҳали шахслар қамоққа олинган, одамларнинг яширин йиғилишларини аниқлаш ва аҳолининг оммавий тарзда тўпланишларига йўл қўймаслик учун шу каби турли хил чора-тадбирларни амалга оширган[2].

Юқорида кўрсатилган мазмундаги йиғилишлардан бири 1885 йилнинг 16 август Асака қишлоғида Муллахўжа Назирмирза уйида бўлиб ўтади. Бу йиғилишда водийнинг турли жойларидан келган 20 дан ортиқ нуфузли кишилар қатнашган. Улар она-Ватанларини

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 9-иш, 12-варақ.

[2] Ўша жойда, 32-рўйхат, 3-иш, 12-варақ.

босқинчилардан озод қилиш, миллий давлатни қайта тиклаш учун барча кучларни бир жойга жамлаб, бир ёқадан бош чиқариб, мустамлакачиларга қарши кураш олиб боришни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўядилар. Бу йиғилишда қўзғолоннинг бошланиш вақти ва унинг режаси, қўзғолонга кимнинг раҳбарлик қилиши каби масалалар ҳал қилинади. Бунга кўра улар йиғилишдан чиқиб аҳолига қўзғолон бошлаш кераклиги тўғрисидаги хабарни етказиш учун жойларга тарқалиб, кучларни бирлаштириб ҳаракат олиб боришлари керак эди. Қўзғолонга раҳбарлик қилишга Дарвишхон Эшон Тўра кўрсатилади[3]. Айтиб ўтиш лозимки, бу вақтда Дарвишхон водий бўйича бўлиб ўтаётган норозилик ҳаракатларда фаол қатнашиб эл-юртга ватанпарвар киши сифатида танилган эди. Унинг Андижон ва Қўқон уездларида катта ер мулки бўлган[4]. Дарвишхон шахсий ҳаётида иқтисодий томондан етарли даражада таъминланган бўлишига қарамасдан, шахсий манфаатларини ўз Ватани, халқ манфаатларидан устун қўя олмаган ватанпарвар сифатида миллий озодлик кураш саҳнасига чиқди.

Дарвишхон ва унинг сафдошлари ўз олдиларига қўйган мақсадларини амалга ошириш учун Асака қишлоғидан Қизилоёқ қишлоғига, Хушвақт бошчилигидаги ўндан ортиқ кишилар эса Асака волости бошлиғи уйи томон йўлга чиқадилар. Хушвақт бошчилигидаги кишилар Асака волости бошлиғи уйи ёнида Марғилон уезди бошлиғи ёрдамчиси капитан Иванов бошчилигидаги ҳарбий кучлар билан тўқнаш келиб, Дарвишхон бошчилигидаги одамлар сафига қайта қўшилиш учун орқага қайтишга мажбур бўладилар. Бу воқеа тўғрисида капитан Иванов ёзган рапортида «...50 га яқин одамлар милтиқларидан бир неча бор осмонга қарата ўқ отиб, орқаларига қайтиб кетишди. Улар бу ерда ҳеч қандай талончилик қилмадилар»[5] деб губернаторга хабар беради. Бу маълумотда қўзғолончиларнинг мақсадлари баъзи бир асарларда кўрсатилганидек талончилик, ўғрилик, қотиллик билан шуғулланиш бўлмаганлигини ва уларнинг сони жуда ҳам тез кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Дарвишхон қисқа вақт ичида Асака атрофида йиғилган 100 дан ортиқ кишилар билан бирга Ўш уездининг Тутлик қишлоғи орқали Шаҳрихонсой бўйлаб Жалолқудуқ қишлоғи томон йўл олади. Бу вақтда вилоятнинг кўп жойларида қўзғолонга хайрихоҳ кишилар Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолонга қўшилиш учун йўлга чиқа бошлаганлар. Буларга ўз атрофига бир неча юзлаб кишиларни йиғиб фаол ҳаракат олиб борган Новқат волостида Нурмуҳаммад Ҳасанов, Қўрғонтепа волостида Мўмин Понсат, Бозор Ботиров ва Қатортол қишлоғида 90 ёшли Ҳалиқул Парвоначи каби кишиларни кўрсатишимиз мумкин. Улар мустамлакачиларга қарши биргаликда кураш олиб боришга ва босқинчиларни ўз она-Ватанлари ҳудудидан қувиб чиқармагунларича курашни давом эттиришга аҳд қилганлик-

---

[3] Ўша жойда, 31-рўйхат, 3-иш, 59-варақ.
[4] Ўша жойда, 12-варақ.
[5] Ўша жойда, 3-варақ.

ларини айтиб, Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолончилар қаторига қўшиладилар. Вилоятнинг турли жойларидан келган бундай қўзғолонга хайрихоҳ кишилар ҳисобига қўзғолончиларнинг сафлари тез суръатларда кўпайиб борган. Дарвишхон аҳолини мустамлакачиларга қарши қўзғолонга биргаликда ҳаракат олиб боришга чақиради ва ўз одамларини водийнинг бир қанча жойларига қўзғолонга даъват этиш учун юборади. Жумладан, Мўмин Понсат бошчилигидаги 50 га яқин кишини Ўш уездига юбориб[6], ўзи эса қолган одамлар билан бирга Қорасув қишлоғи орқали Султонобод қишлоғи томон йўл олади. Улар бу жойларда ҳам қўзғолонга хайрихоҳ кишиларни ўз сафларига қўшиб, кейин Дардақ қишлоғига ўтадилар. Бу ерда Ченгир қишлоқда учрашишга келишиб Бола Понсатни бир қанча одамлари билан бирга Ойим қишлоққа юборади. Узи қолган одамлар билан бирга Бўритоғ қишлоғи орқали Ченгир қишлоққа йўл олади. Улар йўлда Янгибоғ қишлоғи яқинида тунаш учун тўхтайдилар.

Бу вақтда Фарғона вилоятининг турли жойларида ерли аҳоли томонидан бошланган норозилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабар мустамлакачи ҳукуматга етиб борган. Архив ҳужжатларида кўрсатилишича қўзғолон тўғрисидаги дастлабки маълумот, 16 август куни кечқурун Янги Марғилон шаҳри (ҳозирги Фарғона шаҳри)ни 13 чақирим узоқликдаги жойда Андижон билан боғловчи алоқа симлари, 12 чақирим узоқликдаги жойда эса Қўқон билан боғловчи алоқа симлари узилганлиги тўғрисидаги маълумот бўлган[7]. Мустамлакачи ҳукуматнинг вилоят марказини бошқа жойлар билан алоқасини узиб қўйиш мақсадида амалга оширилган бу иш ким томонидан амалга оширилгани тўғрисидаги тўлиқ маълумотни аниқлай олмадик. Лекин бу ишни айнан Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолончилар томонидан амалга оширилган деб ўйлаймиз. Чунки бу ҳодиса айнан Дарвишхон бошчилигидаги кишиларнинг Асака қишлоғида йиғилиш ўтказиб қўзғолон бошлаган кунга тўғри келади. Қўзғолончилар алоқа симларини узиб, кейин қўзғолон бошлаган бўлишлари керак. Бу ҳодиса тўғрисида кейинчалик мустамлакачи ҳукумат вакилларидан бири «бу ҳодиса қўзғолон бўлиши муқаррар эканлигини кўрсатган эди»[8] деб хотирлайди.

Қўзғолон тўғрисидаги кейинги хабарларда эса 17 август куни кундузи Ўшдан Сўфи қишлоққа 500 га яқин одамлар келишганлиги, Асакада, Сўфи қишлоқ ва Олтинкўл қишлоқларида кўплаб қуролли одамларнинг пайдо бўлганлиги, Ўш уездининг Оқбўйра волости Қўрғошиндала деган жойда 100 га яқин одам йиғилганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади[9].

Мустамлакачи ҳукумат вилоятнинг турли жойларига, жумладан Андижон, Ўш ва Марғилон уездларига қўшимча ҳарбий кучларни юборади[10]. Вилоят бўйлаб тобора кучайиб бораётган Дарвишхон

---

[6] Ўша жойда, 9-иш, 15-варақ.
[7] Ўша жойда, 12-варақ.
[8] Ўша жойда, 13-варақ.
[9] Ўша жойда, 32-рўйхат, 3-иш, 13-варақ.
[10] Ўша жойда.

бошчилигидаги қўзғолонни зудлик билан бостириш ва унинг раҳбарларини қўлга олиш вазифаси Андижон уезди бошлиғи капитан Бряновга топширилади. Унинг ихтиёрига қўшимча ҳарбий кучлар, яъни Ўш уездининг бошлиғи подполковник Дейбнер, унинг ёрдамчиси капитан Глишановскийлар бошчилигидаги ҳарбий кучлар юборилади. У қўшимча ҳарбий кучлар етиб келиши билан дарҳол қўзғолончиларнинг асосий қисми, яъни Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолончиларни бартараф этиш мақсадида, олинган маълумотлар бўйича қўзғолончиларнинг ҳаракат йўналишларини аниқлаб, қўзғолончилар орқасидан тушади. Қапитан Брянов бошчилигидаги мустамлакачи ҳукумат ҳарбий кучлари билан Дарвишхон бошчилигидаги кишилар 17 август куни кечқурун, яъни Ченгир қишлоққа кетаётиб Янгибоғ ва Дардақ қишлоғи яқинида тунаш учун тўхтаган жойда тўқнаш келадилар. Қоронғи тунда кутилмаганда қилинган ҳужумдан Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолончилар хар томонга чекинишга мажбур бўладилар. Бу тўқнашувдан кейин Дарвишхон ва унинг сафдошлари мустамлакачиларга қарши курашни вилоятнинг турли жойларида давом эттирганлар. Дарвишхоннинг ўзи эса Наманган тоғлари томонда ўз атрофига 800 га яқин одам тўплашга эришган[11].

Қапитан Брянов бошчилигидаги ҳарбий кучлар томонидан Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолончиларнинг асосий қисми тарқатиб юборилгандан кейин мустамлакачи хукумат қўзғолон қайтадан кўтарилишини олдини олиш мақсадида Дарвишхон сафдошлари, қўзғолон иштирокчилари, қўзғолонга хайрихоҳ кишиларни ушлаш, жазолаш ва қамоққа олиш ишларини олиб боради. Вилоят бошқармасига Дарвишхон ва унинг сафдошларини ушлаш ишлари, жойлардаги аҳвол, аҳоли кайфияти тўғрисида узлуксиз равишда маълумотлар келиб турган. Мустамлакачи хукумат томонидан қанчалик чоралар кўрилишига қарамасдан, Дарвишхон ва унинг сафдошлари Фарғона вилоятининг турли жойларида мустамлакачиларга қарши ўз фаолиятларини давом эттирганлар. Фарғона вилоятининг турли жойларида 1885—1886 йилларда бўлиб ўтган қўзғолонларнинг аксарият қисми Дарвишхон ва унинг сафдошлари томонидан амалга оширилган.

Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон тўғрисида Туркистон генерал-губернатори О. Розенбах Россия ҳарбий вазири П. С. Ванновскийга ёзган хатида «қўзғолон вилоятнинг турли жойларида бир вақтда бошланиши ва қўзғолончиларнинг ўғрилик ва талончилик қилмасдан, барча аҳолини бу ҳаракатга чақирилиши, бу ҳаракатнинг тўлиқ маънода амалдаги ҳукуматга қарши қаратилганлигини кўрсатади, ...улар ёмон қуролланган, оз сонли бўлишларига қарамасдан жиддий тартибсизликларни келтириб чиқаришлари ва ўлкадаги ҳукмронлигимизга зарар етказишлари мумкин..., айниқса солиқлар тўпланишига салбий таъсир кўрсатади»[12] деган фикрларни баён қилади. Розенбахнинг бу маълумотидан Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон мустам-

---

[11] Ўша жойда, 31-рўйхат, 9-иш, 18-варақ.
[12] Ўша жойда, 3-иш, 16-варақ.

лакачи ҳукумат вакилларини қаттиқ саросимага солиб қўйганлигини кўришимиз мумкин.

Розенбах вилоятдаги бу «қўзғолон ҳаракатларини бутунлай тугатиш ва аҳолини тинчлантириш учун биринчи навбатда қўзғолон уюштирувчиларини ва раҳбарларини ушлаш керак» — дейди. Чунки юқорида кўрсатилганидек, Дарвишхон ва унинг сафдошлари янги умумқўзғолонига ҳам тайёргарлик кўриб, вилоятнинг турли жойларида мустамлакачиларга қарши қўзғолонни давом эттираётган эдилар. Жумладан, 2 сентябр куни Марғилон уезди Ичқалъа волостида бир гуруҳ кишилар, 4 сентябр куни Кўкжар ва Мингтепа қишлоқлари яқинида эса 300 га яқин норозилик кайфиятидаги кишилар йиғилган[13]. Мустамлакачиларга қарши қўзғолон кўтаришга ҳаракат қилган аҳоли ҳарбий кучлар ёрдамида тарқатиб юборилади.

Андижон уездининг Норин волостида Мулла Ҳожиназар ва Мўминбой Жабборқуловлар бошчилигида кўп сонли ерли аҳоли вакиллари йиғилган[14]. Дарвишхоннинг яқин кишиси бўлган Мўминбой Андижонда ўз атрофидаги кишилар билан бирга мустамлакачиларга қарши қўзғолон кўтаришга ҳаракат қиладилар. Мўминбой бошчилигидаги қўзғолончилар чор ҳукуматининг кўп сонли замонавий қуроллар билан қуролланган ҳарбий кучлари ёрдамида бостирилади. Тўқнашув вақтида қўзғолончилардан бир неча киши отиб ўлдирилади, кўпчилик ярадор қилинади. Кўплаб кишилар асирга олинади[15]. Булар ичида Мўминбой ҳам асирга олиниб, дорга осилади[16].

Избосган яқинида мустамлакачиларга қарши қўзғолон кўтаришга ҳаракат қилган бир гуруҳ кишилар ҳам мустамлакачи ҳукумат ҳарбий кучлари томонидан бостирилади. Бунда қўзғолончилардан 3 киши ўлдирилади, 12 киши асир олинади[17]. Мустамлакачи ҳукумат кўтарилаётган қўзғолонларни тўхтатиш мақсадида қўзғолонга хайрихоҳ кишиларни қамоққа олиш, жазолаш, қидирув ишларини кенг кўламда олиб боради. Н. О. Розенбахнинг ҳарбий вазир П. С. Ванновскийга ёзган хатида қўзғолон уюштирувчилари ва раҳбарларини қидирувида қатнашган кишиларни мукофотлаш учун ҳатто алоҳида маблағ ҳам ажратилганлигини маълум қилади[18]. Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон қатнашчилари шунчалик даражада кўп қамоққа олинадики, ҳатто уларни қамаш учун жой масаласи муаммо бўлиб қолади. Бу тўғрисида Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал-губернаторга ёзган хатида жуда кўпчилик одамнинг қамоққа олинганлиги, қамоқхона етишмаслигидан ҳарбий гаупвахталарда сақланаёт-

---

[13] Ўша жойда, 9-иш, 18-варақ.
[14] Ўша жойда.
[15] Ўша жойда, 3-иш, 25-варақ.
[16] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида (Тузувчи: Ҳ. Содиқов, Р. Шамсуддинов, П. Равшанов ва б. қ.). Тошкент: Шарқ. 2000. 344-бет.
[17] ЎзР МДА, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 3-иш, 25-варақ.
[18] Ўша жойда.

ганлиги, қамоққа олинганлар кўплигидан хонадон уйлари қамоқхона ўрнида фойдаланилаётганлигини маълум қилинади[19].

Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолонда юқори табақа вакиллари ҳам қатнашган. Вилоятнинг жуда кўп жойларида қўзғолончилар сафларида волост бошлиқлари, оқсоқоллар каби маҳаллий бошқарув вакиллари, турли ҳажмдаги мол-мулк эгалари иштирок этган. Улар қўзғолончиларга очиқчасига ёки яширин равишда ёрдам бериб, қўзғолончиларни мустамлакачилардан яширганлар. Чунончи, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Н. А. Ивановнинг генерал-губернатори Н. О. Розенбахга ёзган рапортида «...волост бошлиқлари бўлиб ўтган тартибсизликларда фаол иштирок этганлар, жойларда волост бошлиқлари айбдорларни ушлаб бериш ўрнига уларни ўзлари яширмоқдалар»[20] дейилади.

Дарвишхон Тўра бошчилигидаги қўзғолонда Новқат ва Бозорқўрғон волостларидаги маҳаллий бошқарув вакиллари фаол иштирок этганлиги учун қўзғолондан кейин Новқат волости бошлиғи Содиқ Қулматов, Бозорқўрғон волости бошлиғи Мулла Камол Отонаев ва бошқа бир қанча маҳаллий бошқарув вакиллари ўз лавозимларидан олинади[21]. Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, яъни яқин кунларгача тарихчиларимиз томонидан маҳаллий бошқарув вакиллари тўғрисидаги «ўз халқига қаттиқ жабр-зулм ўтказганлар», «мустамлакачиларга хизмат қилганлар» деган айрим фикрлар уларнинг ҳаммасига ҳам тегишли эмаслигини тасдиқлайди. Уларнинг кўпчилиги қўзғолончилар томонида турганлар, «...уларнинг айрим вакиллари 80-йиллари мустақилликни тиклаш учун курашаётган гуруҳларнинг қатнашчиларига меҳрибонлик кўрсатганлар»[22]. Улар етарли даражада моддий жиҳатдан таъминланганликлари, лавозимга эга бўлишларига қарамасдан, биринчи навбатда Ватан мустақиллиги, халқ озодлиги зарур деб билганлар.

Мустамлакачи ҳукумат томонидан Дарвишхон бошчилигидаги маҳаллий қўзғолончиларни ушлаш учун қидирув ишлари бутун ўлка бўйлаб олиб борилган. Дарвишхон тўғрисидаги олинган маълумотларда у ўз атрофидаги одамлар билан бирга Қоратегинда, Зарафшонда, Наманган тоғларида юрганлиги тўғрисидаги турли хабарлар мавжуд. Олиб борилган қидирув ишлари натижасида 1886 йил 22 февралда Самарқанд вилоятининг Сутхона қишлоғи яқинида Дарвишхон қўлга олинади . Лекин Жиззах яқинида Дарвишхон уларнинг қўлидан қочиб кетади[23]. Бундан кейинги олиб борилган қидирув ишлари ҳеч қандай натижа бермайди. Дарвишхон тўғрисидаги маълумотларда уни Самарқанд вилояти ҳудудида бирмунча вақт юриб кейин Кўлобга, у ердан Қоратегин томонга ўтиб кетганлиги

---

[19] Ўша жойда, 18-варақ.
[20] Ўша жойда.
[21] Ўша жойда, 10-варақ.
[22] Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Тошкент: Шарқ. 1998. 386-бет.
[23] ЎзР МДА 1-жамғарма. 31-рўйхат, 9-иш, 27-варақ.

кўрсатилади[24]. Дарвишхоннинг кейинги тақдири тўғрисида турли мазмундаги маълумотлар мавжуд бўлиб, улардан бирида, яъни Дарвишхоннинг Қўқон уездида яшовчи Искандар исмли акасининг берган маълумотида, Дарвишхон 1889 йил Афғонистонда вафот этганлиги кўрсатилади[25]. Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолонда фаол иштирок этган кишиларни ушлаш ишлари тўхтовсиз давом этган. Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолончиларнинг бир қисми Қоракўл яқинида эканлиги тўғрисида Россиянинг Қашғардаги консули хабар беради[26]. У ерга зудлик билан Ўш уезди бошлиғи ёрдамчиси капитан Глишановский бошчилигидаги ҳарбий кучлар юборилади. Улар 1886 йил 12 июнда Қоракўл яқинидаги ўтовларда Марғилон уезди Кулон волости Бешкапа қишлоғининг собиқ оқсоқоли Дўстмат Ҳалиқул, Кулин волости Қорақўрғон қишлоғидан бўлган Отабек Понсат Ҳамдамбеков, Ўш уезди Оқбўйра волостида бўлган Тоир Мулла, овул эгаси Хидир Туятопган ва унинг ўғли Қулматларни отиб ўлдирадилар. Улар бу ерда Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолоннинг асосий уюштирувчилардан бири бўлган, Ўш уезди Жалолқудуқ волости бошлиғи ёрдамчиси Мавлонқул Йўлдошбоев ва яна икки кишини асирга оладилар[27].

Мустамлакачи ҳукумат томонидан 1890 йил апрел ойида қамоққа олинган Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон қатнашчиларидан 6 киши муддатсиз, 13 киши 18 йилга ҳар қандай ҳуқуқлардан маҳрум этилган ҳолда каторгага юборишга ҳукм қилинади.

Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон билан боғлиқ воқеа ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар ўша давр кишиларининг хотираларида, расмий ҳужжатларда кўплаб учрайди. Улар ўлкада мустамлакачи ҳукуматнинг эришган ютуқлари ва камчиликлари, ўлкада ўз ҳукмронлигини қандай йўллар билан мустаҳкамлаш ва қўзғолонларни қандай қилиб олдини олиш мумкинлиги тўғрисида ҳам ўз фикрларини ёзиб қолдирганлар. Масалан, полковник Камилевский бу қўзғолон ҳақида шундай дейди, «ерли аҳолини озодликка эришиши учун ҳали умидлари катта эди, рўй берган воқеалардан кўриниб турибдики, ҳали ўлкани тўлиқ бўйсундирганимиз йўқ»[28]. Дарвишхон бошчилигидаги ерли аҳолининг қўзғолон кўтаришидан мақсади мустақиллик, озодлик эканлиги мустамлакачи ҳукумат вакилларига аён бўлган. Улар бу қўзғолон очиқдан-очиқ ўлкадаги Россия ҳукмронлигига қарши қаратилганлигини тан олганлар. Фарғона ҳарбий губернатори Иванов эса «Фарғонадаги каби тартибсизликлар такрорланмаслиги учун жойларда ҳарбий кучларни кўпайтириш керак, шундагина тинчликка эришишимиз мумкин»[29] дейди. Генерал-губернатор Н. О. Розенбах эса ўлкада Чор Россияси ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлик учун қўзғолон муносабати билан олиб келин-

[24] Ўша жойда, 3-иш, 56-варақ.
[25] Ўша жойда, 9-иш, 24-варақ.
[26] Ўша жойда, 3-иш, 76-варақ.
[27] Ўша жойда, 77-варақ.
[28] Ўша жойда, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 31137-иш, 51 варақ.
[29] Ўша жойда, 1-жамғарма, 31-рўйхат, 3-иш, 19-варақ.

ган вилоятнинг тўрт жойидаги ҳарбий кучлар қишда ҳам қолдирилишини маълум қилади[30]. Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон кучайиб кетмаслиги учун Фарғона вилоятига Еттисув казак қўшинлари юборилади[31].

Хулоса қилиб айтганда, Дарвишхон бошчилигидаги ерли аҳолининг Туркистон ўлкасидаги чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига қарши дастлабки қўзғолонлардан бири бўлиб, ўзидан кейин бўлган миллий озодлик ҳаракатларига замин тайёрлади десак нотўғри бўлмайди.

Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолоннинг асосий мақсади ўлкамизни босқинчилардан озод қилиш, ўлкадаги мустамлакачиларни ҳайдаб чиқариш, миллий давлатчилигимизни қайта тиклаш бўлган. Қўзғолончилар босқинчиларни ҳайдаб чиқармасдан туриб халқни жабр зулмдан, юртни обод ва озод қилиш тўғрисида ўйлашни ўринсиз деб билганлар. Бу қўзғолоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири, бунда аҳолининг турли табақа вакиллари иштирок этганлигидир.

Мустамлакачи ҳукумат Туркистонда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш йўлида қанчалик даражада чора-тадбирларни амалга оширмасин, бу нарса ўлкада истиқлол учун курашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эрксевар халқни озодлик, мустақиллик курашидан қайтара олмади, ўлка бўйлаб мустамлакачиларга қарши кураш турли хил кўринишларда давом эта берди.

---

[30] Ўша жойда, 31-рўйхат, 3-иш, 26-варақ.
[31] Ўша жойда, 32-рўйхат, 3-иш, 17-варақ.

*С. Тиллабаев*

## ВОССТАНИЕ ПРОТИВ КОЛОНИЗАТОРОВ ВО ГЛАВЕ С ДАРВЕШХАНОМ

*В статье освещается восстание 1885 г. в Ферганской долине во главе с Дарвешханом, что являлось одним из проявлений национально-освободительной борьбы узбекского народа против колониальной политики Российской империи в Средней Азии. Основной целью восставших было освобождение родины от завоевателей и восстановление независимого государства. Восстание было подавлено с помощью оружия, а его участники жестоко наказаны, но, несмотря на это, в различных местностях Ферганской области народные волнения продолжались еще долгое время. Впоследствие на основе полученного урока население Ферганы принимало активное участие в национально-освободительном движении конца XIX — начала XX века.*

*S. Tillaboew*

## OF THE ARTICLE UPRISING AGAINST COLONIZATION RULE UNDER HE LEADERSHIP DARVISH KHAN

*The article Uprising against colonization rule nuder he leadership Darvish Khan deals with the uprising under Darvish Khan in Fargona valley in 1885. It was one of many actions oj national freedom struggle against Russia colonial rule in Central Asia. The rebels aimed to sweep away the hatred Russian rule and restore their independent state. Among rebels there are a lot of clarks. That uprising was brought down with arms and its participant were executed. But the struggle did not stop in different places of Fargona. That uprising was a political lesson for people that would teak parts in latter struggle for their national independents.*

*О. Суюнова*

# ЧОР РОССИЯСИНИНГ ТУРКИСТОННИ БОШҚАРИШ ҲАҚИДАГИ 1886 ЙИЛ НИЗОМИНИНГ АГРАР БАНДЛАРИ ҲАҚИДА

Россия империяси Туркистонни босиб олгандан кейин, бу ўлкада ўз манфаатларини тўлиқ юзага чиқариш учун биринчи галда Туркистонда мустамлака бошқаруви тизимини яратишга киришди. Туркистон вилоятлар, округлар, уезд ва волостлар (бўлис)га тақсимланди. Бир сўз билан айтганда, Россия империяси Туркистонга тарихан бегона маъмурий тизимни киритди. Анъанавий бошқарув тизимига оид баъзи элементларни номигагина сақлаб қолиб, гўё маҳаллий халқ билан ҳисоблашгандек кўрингани билан аслида бутун сиёсат энг аввало империя, метрополия манфаатларини таъминлашга қаратилди.

1865—1886 йиллар орасида аграр соҳада олиб борилган ишлар 1886 йилда бу соҳани бошқарувини ташкил этишда асос бўлди ва умумлаштирилди. Бунинг натижаси 1886 йилдаги Чор Россия ҳукумати Туркистонни бошқариш тўғрисидаги Низомда ўз аксини топди. Низомнинг қатор бандлари аграр масалага бағишланди.

Мазкур масалани татбиқ ва таҳлил этишга доир қимматли маълумотлар Ўзбекистон Давлат Марказий архиви фондларида сақланиб қолган бўлиб, уларнинг кўпчилиги илмий истеъмолга киритилмаган. Мазкур материаллар таҳлилидан маълум бўлишича, Туркистонда олиб борилган аграр сиёсат бугунги кунда қайтадан, янгича ёндашув ва холисона кўриб чиқилиши керак. Зеро, мустақилликка қадар Туркистонда Россия мустамлакачилиги даври тарихини ўрганиш масаласига бўлган услубий ва ғоявий ёндашувлар холисона бўлмаган, аксинча бир ёқлама бўлган. Чунончи, Россия империяси ҳукмронлиги даврида яратилган тадқиқотларда ўлканинг иқтисодий салоҳиятини тобора чуқур ўрганиш етакчи мақсад бўлса, советлар даврида мустамлакачилик даврининг асл моҳиятини хас-пўшлаш, унинг маданияти ва тараққиёт ташувчи омили сифатида кўрсатишга алоҳида урғу берилди. Шу муносабат билан Туркистондаги аграр сиёсат моҳиятини Туркистон ўлкасини бошқаруви ҳақидаги Низомнинг 1886—1900 йиллар орасидаги амалий босқичини ёритиш лозим топилди.

Шу ўринда 255, 257, 258, 259, 275, 277-бандлари ва уларнинг жорий ўзгаришлар таҳлили алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, Низомнинг 255-бандига кўра, 1886 йилда ўтроқ қишлоқ аҳолисининг доимий, ворислик асосидаги ҳамда маҳаллий анъаналарга кўра амлок ерлари сифатида фойдаланиладиган мулклари ўз эгалари ихтиёрида қолдирилган. Лекин шу бандга киритилган «Изоҳ»да Туркистон ўлкасида ер мулк солиқ қоидаларини жорий қилиши тўғрисидаги ҳужжатга ишорат қилинганки, бу ҳол Туркистон мустамлака маъмурияти анъанавий қишлоқ жамоалари ва амлокларни ҳам ўз манфаатига қаратилган солиқ тизимига тортган эди. Худди шу банд юзасидан 1889 йил 19 июлда 5707-рақамли ахборот берилган ва унда юқоридаги 255-

бандга тўлдиришлар киритилган. Қишлоқдаги ўтроқ аҳолига маҳаллий одатларга биноан қуйидаги ер турлари бириктирилади: а) ер эгаси қарамоғида бўлган суғориладиган доимий мулк, б) ёғин-сочин сувларидан (баҳорикорлалми тарзда) фойдаланиб экиладиган майдонлар, в) сўнгги ўн йил давомида қишлоқ жамоаси, қишлоқ ёки якка шахс ихтиёрида бўлган ҳайдалмайдиган (яйлов) ер мулклари.

Ушбу бандда кўрсатилган ер мулкларидан мустамлака маъмурияти томонидан ундириладиган солиқлар тизими ўзгаришсиз қолди. Тўғрироғи, ер мулкларининг турлари бўйича хазинага тушадиган солиқ миқдори 1886 йил Низомидан ҳисобга олиб улгурилмаган мулкларни аниқлаштириш ҳисобига кескин кўпаядиган бўлди. Ниҳоят, 255-банди 1900 йилда яна қайта кўриб чиқилиб, ўзгаришсиз қолдирилди.

Низомнинг 257-бандида маҳаллий аҳолига тегишли ўзлаштирилмаган табиий ўрмонлар, бутазорлар каби умумий фойдаланувчи ерлар эгасиз майдонлар сифатида давлат тасарруфига киритилиши белгиланган. Бу банд айни мустамлакачилик руҳи билан суғорилган эди, чунки, Туркистонда анъанавий равишда «эгасиз» ер тушунчаси бўлган эмас. Ҳар қандай ер бўлса, улардан ўша ерга яқин қишлоқ жамоалари анъанавий «келишув» асосида фойдаланиб келган. 1889 йилги «тузатиш»да ушбу банд чиқариб ташланганги қизиқ ҳолатдир. Афтидан, Россия мустамлака маъмурияти «эгасиз» ер мулкларидан солиқ ундиришнинг аниқ ифодаланган шаклини топа олмаган. Бу ҳол Ўрта Осиёда ер неъматларидан фойдаланишнинг қадимий усулларини тушуниб етилмаган оқибати бўлса керак. 1900 йилда эса 257-бандни қайта тиклаб Низомнинг дастлабки талаби даражасида қолдирилганки, бу ўз навбатида мустамлакачиларнинг Туркистонда барча турдаги мулкларга ҳуқуқий дахлдорлигини таъкидлаб қўймоғи лозим эди.

Шу ўринда А. П. Савицкий ушбу Низом ҳақида ёзар экан, айни шу 257-банднинг моҳиятини тушунмагандек қилиб ташлаб ўтган. Қолаверса, А. П. Савицкий Низом матни билан бевосита таниш бўлгани табиий. У келтирган маълумотлар Низомга илова қилинган ер мулкчилиги ва солиқ тизими ҳақидаги «Қоидалар» мажмуининг 3-бандидан деярли ўзгаришсиз кўчирилгани буни исботлаб турибди[1].

Низомнинг 258-бандида Россия мустамлака давлати мулкига айлантирилган ерлардан маҳаллий аҳолининг яйлов сифатида фойдаланиши, у ерлардан тош, шағал, тупроқ олиши каби масалалар бўйича рухсат берувчи асосий қоида баён этилган.

Шу қоидага боғлиқ илова қисмида эса ушбу қоидаларни аниқ бандлар билан таъминлаш Туркистон генерал-губернатори зиммасига юкланган. А. П. Савицкийнинг мазкур мақоласида 258-банд ҳақида ҳам алоҳида фикр билдирилмаган. Ваҳолонки бу банднинг ижроси юзасидан Туркистон генерал-губернаторига берилган ваколат 1900 йилда юқоридаги Низомга киритилган ўзгаришларни тасдиқлаш

---

[1] Савицкий А. П. Закон 1886 года и поземельно-податное устройство Ташкентского уезда//Труды ТашГУ. Вып. 194. Ташкент, 1962. С. 19—42. *Қиёс қилинг;* ЎзР МДА 1-жамғарма, 11-рўйхат, 629-иш, 81—82-варақлар.

ҳақидаги ҳужжатда бутунлай мустамлакачилик моҳияти билан ўз аксини топган. Ҳужжатда шундай дейилади: «Туркистон генерал-губернаторига давлат тармоғидаги ерлардан маҳаллий аҳолининг фойдаланишига рухсат бериш ваколати берилсин. Мол боқиш, қум-шағал, тош олиш, тупроғдан фойдаланиш, янтоқ йиғиш[2] сингари». Ерлардан кўрсатилган тарзда фойдаланиш қоидаларини генерал-губернатор Ер ишлари ва давлат мулки вазирлиги билан келишилган ҳолда белгилайди.

Худди шу бандни изоҳлаш учун ушбу ҳужжат варағининг иккинчи устунида бундай дейилади: «Давлат ерларидан фойдаланишнинг тартибини белгилашда генерал-губернаторнинг ва деҳқончилик бошқармасининг (мазкур ер ҳақидаги — *О. С.*) хулосаси бўлиши керак. Бинобарин, бу хулосада кўрсатилган ерлардан аҳолининг фойдаланишини таъкидловчи ҳолатлар ҳам қайд этилиши керак» бўлган[3]. Шу ўринда яна ҳужжатдаги бир қайдни таъкидлаймиз. Айни шу масала юзасидан 1900 йил 24 март куни 64-рақам остида қабул қилинган Давлат кенгаши бирлашган департаментларининг қўшма хати қабул қилинган. Ушбу хат давлат ихтиёрига ўтказилган ерлардан фойдаланишдаги жамоалар ҳуқуқларини чеклаб, тарихан мавжуд қадимий анъаналарга зарба беришга қаратилган[4].

Низомнинг 259-бандида ердан фойдаланишнинг жамоачилик тартибларини қайта кўриб чиқишга уриниш кузатилади. Хусусан, унда айтилишича, қишлоқ жамоалари ерлари жамоанинг умумий мулки, бир неча қишлоқнинг ўртада фойдаланадиган мулки ёки айрим қўрғон хонадонининг томорқа мулки бўлиши мумкин. 259-банд орқали улардан фойдаланишда жамоа умумий мулкини айрим қишлоқларга тегишли қилиб ажратиб ташлашга уринилган. Бундан мақсад, бизнинг фикримизча, Туркистонда аҳолининг анъанавий жамоачилик бирлиги туйғусини йўқотиб, аста-секин хўжалик даражасида, кейин эса қишлоқлараро, ниҳоят оилаларда ҳам индивидуал даражада худбинлик туйғуларини уйғотишдан иборат бўлган. Россия мустамлакачилик тизими маҳаллий аҳолини нафақат ҳудудий айириб ташлаш, балки руҳий яккалаш режасини ҳам ўйлаган. Чунки Туркистон халқларининг жамоачилик бирлиги халқ норозилиги вақтларида хавфли кучга айланиши мумкин экани доимо ҳисобга олинган.

Низомнинг аграр масалага оид 260-бандининг ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши билан боғлиқ бир масала диққатга сазовор. Аввало, 260-бандда ер мулклари хажмларининг ҳуқуқий чегараларни белгилашга ҳаракат қилинган. Яъни Туркистонда бу банд орқали ер

---

[2] Давлат ерларидан янтоқ йиғиш масаласи 1898 йил 28 ноябрда тузилган комиссия докладида 258-моддага қўшимча қилиб киритилганини қайд этган. Унда айтилишича, янтоқ ва бошқа ёввойи ўсимликларни ўриб йиғиш маҳаллий шароитида аҳолининг ўтин ва бошқа эҳтиёжлари учун зарур, деб кўрсатилади. Қишлоқ ерларида ўсимликлар қум сурилишининг олдини олиши қайд этилиб, уларни йиғишни ман этувчи қоидалар ҳам зарурлиги кўрсатилади. ЎзР МДА, 1-жамғарма 11-рўйхат, 1649-иш, 234—235-варақлар.

[3] ЎзР МДА 1-жамғарма, 12-рўйхат, 52-иш, 28-варақ.

[4] Ўша ҳужжат, 29-варақ.

тақсимлашнинг меъёрлари, миқдор чегаралари ҳақидаги масалани ҳал қилишга дастлабки қадам қўйилган. Лекин бу банд азалий анъанага кўра ер мулкчилигининг юқорида (255-бандда) кўзда тутилган ворисийлик тамойилига зид келиши эътиборга, олинган. Қолаверса, 1898 йил Комиссияси[5] ўз докладида бундай деб ёзади: 255-бандда кўрсатилган мулкларнинг ҳажмларини аниқлашда 1898 йил 205-буйруқнинг ушбу бандини ортиқча сифатида чиқариб ташлансин» дейилган. Демак, «Низом»дан 255-банддаги анъанавий ер мулкчилиги жамоачилик тамойилларини ситиб чиқаришга қаратилган йўл ушбу комиссия докладида ҳам яққол кўриниб турибди.

А. П. Савицкий Туркистонда Россия мустамлака маъмуриятининг аграр сиёсатини таҳлил қилар экан, архив ҳужжатларидан истифода этишнинг ўта расмий усулларидан фойдаланган. Айниқса, бу муаллиф ўзи фойдаланган ҳужжат бандларини таҳлилсиз тўғридан-тўғри кўчиради. Кўп ҳолларда Низомдаги ер мулкчилиги ҳақида муҳим бандлар муаллифнинг бизга номаълум мақсад-муносабати туфайли қисқартириб, узиб олинган. Масалан, биз юқорида таҳлил қилган 255, 259, 260 ва бошқа бандлардан бор-йўғи бир жумладан кўчириб олинган холос. Ваҳолонки, шу бандларда XIX аср охирида Туркистонда ер мулкчилиги тизимида қилинган жиддий ўзгаришлар, мустамлакачи метрополиянинг бу масаладаги фойдасини ҳар бир қарич ер бўйича ҳисобга олишни амалга оширган. Бунинг устига, А. П. Савицкий «Низом»нинг ушбу мавзу учун зарур бўлган бир қатор бандларини эътиборга ҳам олмаган[6].

Ҳужжатларни ўрганиш шуни кўрсатадики, 1886 йил Низомдаги аграр масаланинг қўйилишини жиддий равишда қайта ўрганиш лозимдир. Биргина мисол келтириб ушбу фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз. А. П. Савицкий юқорида қайд этилган мақоласини асосан «Алоҳида топшириқлар амалдори, коллеж маслаҳатчиси Хомутовнинг 1890 йил 28 августда Туркистон генерал-губернаторига ёзган ахборотида таҳлил қилишга қаратилган. Хомутов ахбороти Ер мулкчилиги ва солиқ тизими масалаларидаги чалкашликлар, англашилмовчиликлар ва қатор камчиликларни очиб бериши керак эди. Ушбу ҳужжатни баҳолар экан, А. П. Савицкий кутилмаганда Хомутовни танқид қила бошлайди. Жумладан, Фарғона водийсида маъмурий усуллар билан ер мулкчилиги тоифаларини кўпайтириш, алоҳида, хусусий мулклари ҳуқуқий кафолатланишига салбий муносабатни ифодалайди. Бундан хулоса чиқариб ер мулкларини хусусий, тармоқлаштириш солиқ йиғишни яхшилашга хизмат қилган бўлар эди, деб кўрсатади. Юқорида айтганимиздек, А. П. Савицкий Туркистонда қадимдан мавжуд жамоачилик принципларининг бузилиши мустамлакачилик тизимининг мақсади бўлгани ҳақида керакли, холисона хулоса чиқара олмаган[7].

---

[5] Доклад Комиссии, учрежденной приказом по Туркестанскому краю от 28 ноября 1898 г. за № 205. УзР МДА, 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1649-иш, 224-варақ.

[6] Савицкий А. П. Закон 1886 года и поземельно-податное устройство Ташкентского уезда. С. 34—35.

[7] Там же. С. 37.

Хулоса қилиб айтганда, 1886 йил Низомнинг Туркистон мустамлака ўлкасида аграр масалалар бўйича бандлари ва уларнинг ижроси ҳамда такомиллаштириш бўйича қўшимча ҳужжатларнинг мазмун ва моҳияти ўлканинг барча ер заҳираларини истисносиз равишда иқтисодий қарам ҳолга солиш мақсадини кўзда тутган.

*О. Суюнова*

*АГРАРНЫЕ ПУНКТЫ УСТАВА 1886 ГОДА ПО УПРАВЛЕНИЮ ТУРКЕСТАНСКИМ КРАЕМ ЦАРСКОЙ РОССИЕЙ*

*Автор подвергает анализу аграрные пункты Устава по управлению Туркестанским краем Российской империей, раскрывает колониальную сущность этого документа.*

*O. Suyunova*

*ABOUT AGRARIAN ITEMS OF LAW IN 1886 FOR RULING TURKISTAN LAND OF RUSSIAN IMPIRE*

*At this article the author analyses agrarian function of regulation about ruling Turkistan land by Russian empire, reveals colonial essence of the document.*

*Ж. Исмоилова*

# ТУРКИСТОНДА 1916 ЙИЛ МАРДИКОРЛИККА САФАРБАРЛИК

XX аср бошларида Туркистон ўлкасидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол кескинлашган бўлиб, халқнинг ҳаёти ниҳоятда оғир эди. Айнан шу даврда, яъни 1916 йил 25 июнида император Николай II нинг мардикорликка сафарбарлик ҳақидаги фармонининг эълон қилиниши халқ норозилигини кучайтириб, уни қўзғолонларга айланиб кетишига катта туртки бўлди. Фармонга кўра, Россиянинг фронт орқасидаги мудофаа иншоотлари, темир йўллар ва саноат корхоналарига маҳаллий аҳолининг 19—43 ёшгача бўлган эркаклар сафарбар қилиниши лозим эди. Аҳоли бу фармонга қарши қаттиқ қаршилик кўрсатди. Фарғона водийсининг Наманган, Қўқон, Андижон, Ўш ва Скобелев уездларидаги 80 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқлари қўзғолонлар алангаси ичида қолди. Қўзғолонлар шафқатсизларча бостирилди ва унинг иштирокчилари қаттиқ жазоланди. Тинмай давом этаётган қўзғолонлар мардикорликка сафарбарлик режасини бузилишига ва сафарбарликнинг кечикишига олиб келди.

Чор ҳукумати қўзғолонларни бостиргач, император фармонини амалга оширишга қаттиқ киришди. Аммо, бу масалани ҳал этиш осонлик билан амалга ошмади. Бунинг оғир асорати яна халқ бошига тушди, адолатсизлик ва зулм янада кучайди.

Мардикорликка сафарбар этиш масаласи Туркистон генерал-губернатор лавозимини вақтинча бажарувчи М. Р. Ерофеев раислигида муҳокамага қўйилди. Муҳокамада Сирдарё, Самарқанд, Фарғона

ва Каспий орти ҳарбий губернаторлари қатнашдилар. Улардан ташқари уезд бошлиқлари, прокурор ва бошқа ўнлаб юқори даражали ҳарбий ва фуқаролик мансабдорлари иштирок этдилар[1]. Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернатори А. С. Галкин туб аҳолида туғилганлиги ҳақида гувоҳнома бўлмаганлиги учун одамларни ёшини аниқлаш ҳақида ички ишлар вазирлигини кўрсатмасини бажариш қийинлигини баён этди. Унинг фикрича, «одамларни ёшини белгилаш уларда аскарликка олинаётганлиги ҳақида фикрни ҳосил этиб, тўс-тўполонларга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун одамларни сунъий суғориш ишларига оммавий равишда жалб этилганга ўхшаб, ёшини суриштирмаслик мақсадга мувофиқ бўлади. Худди мана шундай тарзда одамларни сонини вилоят, уезд ва волостлар бўйича белгилаб фармонни амалга оширишга киришиш лозим эди[2].

Йиғилишда кўрсатилишича, ўлкада эркаклар сони 3.500.000 киши ҳисобланиб, шундан 250.000 киши мардикорликка олинишини режалаштириш мумкин эди. Шу тариқа маъмурият мансабдорларининг сонини жуда озлиги ва ишларнинг кўплиги орқасида уйма-уй юриб рўйхатни тузиш жуда чўзилиб кетиши ва фармонни бажарилиши кечикиши эътиборга олиниб, рўйхатсиз иш юритиш тавсия этилди[3].

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори А. И. Гиппиус эса мардикорликка борувчиларга пул, яъни иш ҳақи бермаслик ёки берилиши ҳақида аниқ маълумот бермаслик ўта хавфли эканлигини таъкидлади. Император фармони эса бепул мардикорликни кўзда тутган эди. Фармон эълон қилинган кунданоқ — дейди А. И. Гиппиус М. Р. Ерофеевга юборган хатида-9 июлда Андижонда, кейин Марғилонда, Наманганда ва бошқа вилоятларда қўзғолонлар кўтарилди. Ҳамма жойларда қўзғолонлар авжига миниб, ўлдирилганлар, жароҳатланганлар, оломон томонидан бузилган уйлар кўзга ташланди. Қўзғолонлар ҳарбий қисмларнинг кучи билан бостирилди... Императорнинг фармони душман билан курашаётган қўшинга ёрдам беришдан иборат. Шундай бўлганидан кейин, фронт орқасида зўрлик ва норозилик билан мажбуран келтирилган кишилар эмас, балки ўзининг хоҳиш-иродаси ва хурсандчилик билан келган мардикорларнинг хизмат қилиши ҳақиқий ёрдам бўлади[4].

Халқ орасида мардикорликка ихтиёрий равишда боришни тарғибот этувчи 20 минг нусхадан иборат чақириқ қоғозлари маҳаллий тилда тарқатилди. А. И. Гиппиус чақириқ қоғозларни тарқатиш билан бир қаторда вилоятдаги ҳар бир шаҳарга бориб, халойиқ билан суҳбатлар ўтказган ва ихтиёрий равишда мардикорликка боришга даъват этган[5].

Лекин бу алдамчилик сиёсати самара бермади. Ихтиёрий равишда мардикорликка борувчилар деярли чиқмади.

---

[1] ЎзР МДА. Ф. 723, 1-рўйхат, 373-иш, 17-варақ.
[2] ЎзР МДА. Ф. 723, 1-рўйхат, 373-иш, 18-варақ.
[3] ЎзР МДА. Ф. 25, 1-рўйхат, 184-иш, 28-варақ.
[4] ЎзР МДА. Ф. 31, 1-рўйхат, 1194-иш, 14-варақ.
[5] ЎзР МДА. Ф. 1, 31-рўйхат, 1194-иш, 14-варақ.

А. Н. Куропаткин мажбуран мардикорликка олишнинг салбий оқибатларини яхши англаса-да, лекин ундан воз кечиш имконини топа олмади. Фармонни барбод бўлиши аниқ бўлиб қолди, шу боис бунинг олдини олиш учун у ҳукуматга қуйидаги чораларни кўриш зарурлигини маълум қилди: қўзғолон бошлиқларини шафқатсизларча жазолаш, фармонни бажариш муддатини 15 сентябрдан бошлаш, аҳолини қайта рўйхатга олишни тўхтатиб, статистик маълумотлар асосида вилоят губернаторлари томонидан мардикорликка олинаётган кишиларнинг сонини тасдиқлаш, узоқ масофада жойлашган йўллари оғир бўлган ҳудудлар, хусусан Помир тоғлиги атрофидаги аҳолини мардикорликдан озод этиш. А. Н. Куропаткиннинг бу таклифлари шахсан император томонидан маъқулланди ва унга қўшинга бош қўмондонлик қилиш ҳуқуқи берилди[6].

1916 йил 23 августда А. Н. Куропаткин мардикорликка одамларни сафарбар этиш тартиблари тўғрисида буйруқ эълон қилди. Буйруқда кўрсатилишича, ўлкадан олинадиган мардикорларнинг сони 220.000 киши белгиланди[7].

Фарғона водийсида умуман ўлкада қаҳатчилик ва қашшоқлик ҳукм сураётганлигига қарамай аҳолини мардикорликка олишда уларни кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминлаш масаласи етарли ҳал этилмади. Айниқса, ёзги ва қишки кийимларни мардикорларнинг ўзларини ҳисобларига тайёрлашлари жуда оғир бўлди. Бу айниқса, оила аъзоларини ўз ҳолига ташлаб кетаётган камбағалларга катта зарба бўлди. Суд қилиниши лозим бўлган кишиларни тергов ишлари тўхтатилиб улар ҳам мардикорликка жўнатилиши кўрсатилди. Алоҳида жиноят содир этган кишилар бундан мустасно қилинди. Мардикорликка боришдан бош тортган кишиларга 3000 сўм жарима солиш ёки 3 ойга қамоқ жазосини бериш ҳақида қарор қабул қилинди[8].

Гарчи, мардикорликка олишда пахтачилик манфаатини ҳисобга олиш ҳақида кўп гапирилган бўлса-да, лекин амалда Фарғона вилоятига яна қўшимча 27.000 кишини мардикорликка олиш белгиланди[9].

Шундай қилиб Фарғона водийсидагиларни зиммасига бир вақтда ҳам пахтани етиштириш ва териб олиш, ҳам мардикорликка юбориш мажбурияти юклатилди. Поезднинг ҳар бир эшелонига минг киши жойлаштирилиб улардан бир киши мингбоши лавозимини бажариши лозим эди. Кетаётган мардикорларга битта таржимон олиниб, ҳар бир эшелонга битта имом тайинланиши кўрсатилди. Ҳар бир кишига бир кечаю кундузга 1 сўм 50 тийин иш ҳақи берилиши керак эди. Ҳар бир эшелондаги одамлар 100 ва 10 кишидан иборат гуруҳга тақсимланиб, мардикорларнинг орасидан биттадан юзбоши, таржимон ва имомлар ишлашдан озод этилган[10].

---

6 РМДХТА. Ф. 1396, 3-рўйхат, 549-иш, 294-варақ.
7 ЎзР МДА. Ф. 1, 31-рўйхат, 1158-иш, 201-варақ.
8 ЎзР МДА. Ф. 276, 1-рўйхат, 909-иш, 299-варақ.
9 Ўша жойда.
10 ЎзР МДА. Ф. 25, 1-рўйхат, 185-иш, 108-варақ.

Чор маъмурияти мардикорларнинг саломатлиги ва юқумли касалини аниқлаш мақсадида уларни врач кўригидан ўтказишни шарт қилиб қўйди. Мардикорларнинг таъминоти, яъни уларни кийим-бошлари ва иш қуроллари ҳам уларнинг ўз ҳисобидан эди. Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, ҳар бир мардикор пишиқ тикилган этик, ёзги ва қишки кийим ёки пўстин ўрин-кўрпа, ёзлик ва қишлик пайтава бўлиши лозим эди. Мардикорлар ўзлари билан кетмон, болта, арра ва бошқа ўзи фойдаланиб келган иш қуроллари билан келиши буюрилган[11].

Ҳар бир мардикорга худди қамоқхона маҳбусидек рақам белгиланиши уларга нисбатан муносабат қандай таҳқирли бўлганлигидан далолат беради. Мингбоши ва бошқа кишиларга мансабини билдирувчи белги қўйиб қўйилган. Мардикорликка жўнатишда халқнинг манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида ўлкадаги илғор ва халқпарвар кишилар саъй-ҳаракати билан комитетлар тузилди. Полиция пристави томонидан бошқарилган аъзолар маҳаллий нуфузли кишилардан иборат қўмиталар «туземлар комитети» деб аталган. Улар мардикорлик рўйхатларини тўғри тузилганлигига, уларнинг оилалари билан почта алоқасига, уларга оилавий ва бошқа сабабларга кўра таътил берилишига доир масалаларини ҳал этиш керак эди[12].

Бу комитетлар тузилишида зиёлилар, айниқса жадидлар катта роль ўйнадилар. А. Н. Куропаткин буйруғида бу комитетлар вазифаси шундай белгиланган: «Халқ орасида ҳукуматнинг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонини тушунтириш, уни амалга ошириш тартибларини тарғибот қилиш, мардикорликка олинган кишилар ва уларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш асосий мақсаддир»[13]

Қўмита волост элликбошилари томонидан танланган ва халқ ишончини қозонган кишилар вакил сифатида киритилади. Бу вакиллар ўзларининг орасидан бир кишини раис этиб сайлайдилар. Қўмита мардикорларга ва оилаларга хайрия ҳисобидан моддий ёрдамни уюштиради. У ўлканинг шаҳарларида фаолият кўрсатади.

Жадидларнинг таниқли вакили Убайдулла Асадуллахўжаев ўлка қўмита раислигига сайланди. Бу қўмита ишида Мунавварқори ҳам бевосита қатнашди. Сиртдан қараганда жадидлар ўз ватандошларини мардикорликка жалб этишда чор ҳукуматига ёрдамлашган бўлиб, кўриниши мумкин. Аслида эса қўмита ўз фаолияти давомида мардикорларни ва уларни ўз ҳолига ташлаб қўйилган оилаларини ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни моддий жиҳатдан қувватлашда катта роль ўйнаган. Ўша давр шароитида зиёлилар халққа имкон қадар ёрдам бериш учун шу йўлни тутишга ҳукумат билан келишиб, халққа оз бўлса-да енгиллик туғдиришга ҳаракат қилдилар.

---

[11] Ўша жойда, 109-варақ.
[12] Ўзбекистон тарихи Давлат Музейи фонди, архиви. П. II. 3, 4-бет.
[13] Туркестанский голос. 23 июля 1916 года.

Бу жадидларнинг ўз ватандошлари манфаатини ҳимоя қилишда қаратилган муҳим чора бўлди. Бундай жамоат ташкилотининг зарурлигини 23 июлда Озарбайжон жадидлари ҳам ўзларининг «Ошиғи сўз» номли газеталарида баён этган эдилар. Улар Туркистонда мардикорликка сафарбар этиш масаласига муносабат билдириб мусулмон жамоа ташкилотларининг ёрдамисиз бу ишни ҳал этиш қийинлигини таъкидлаганлар[14].

Чор ва маҳаллий маъмурият вакиллари бутун август ойи ичида мардикорликка олинадиган кишиларнинг уезд ва волостлар бўйича сонини белгилаб чиқди.

У халқ оммасини норозилиги ва нафратини яхши англаб, Фарғона водийсида ҳарбий кучларни кўпайтирди. Уни қўрқув ва ваҳимада ушлаб туриш учун фармонга бўйсунмаганларни мол-мулки ва уйини тортиб олиниши ҳақида жар солди. Хуллас, юқорида кўрсатилган шароитда мардикорлик рўйхати тузилиб, уезд ва волостлар бўйича сафарбар қилинадиган кишилар сони белгиланди[15]. Унга кўра Андижон уездидан 10.600, Наманган уездидан 11.300, Қўқон уездидан 10.700, Скобелев уездидан 11.700 ва Ўш уездидан 5.700 нафар киши жўнатилиши керак эди. Одамларнинг сони жиҳатидан Скобелев ва Наманган уездлари биринчи ва иккинчи ўринни эгалладилар. Эркакларнинг умумий сони Андижон уездида 208086, Қўқон уездида 157.539, Наманган уездида 259.401, Ўш уездида 130.714, Скобелев уездида 255.914 нафар кишини ташкил этган. Улардан ўрта ҳисобда 50 фоизи мардикорлик рўйхатига киритилган. Бундай катта тақсимот водийдаги ишчи кучлар сафига катта зарба ҳисобланиб, кундалик ҳаёти мисли кўрилмаган даражада ёмонлашишига олиб келган эди. Эркакларнинг кўпчилик қисмини Россияга жўнатилиши натижасида кўплаб оилалар боқувчисиз қолдилар. Чор маъмурияти пахтанинг давлат аҳамиятига моликлигини ҳисобга олиб пахта экиладиган туманларда мардикорларнинг сонини бир оз қисқартиришни лозим топди. Шуни айтиш жоизки пахтакорларга берилган маълум даражадаги имтиёзлар, яъни мардикорларнинг сонини кўпайтириш пахта етиштирмайдиган волостлар ва кўчманчи аҳоли ҳисобига тўлдирилди.

Чор маъмурияти қарорига мувофиқ мардикорларга хазина ҳисобидан қилинадиган харажатларни амалга оширишга ҳаракат қилинди. Зеро, вилоят бўйича бир ой илгари қарзга бериладиган маошга 1.500.000 сўм, 14 кунга етадиган нонга 140.000, озиқ-овқатларга 1542 сўм ва харажатларга ҳаммаси бўлиб 1.733.958 сўм ҳажмида смета тузилди[16]. Бу маблағлар қандай сарфлангани номаълум. Аммо, айрим, маълумотларга кўра пай пулини тўлашда баъзи камчиликлар содир бўлган. Мардикорларни қизиқтириш мақсадида поездга ўти-

---

[14] ЎзР МДА. Ф. 1, 31-рўйхат, 1157-иш, 178—182-варақ.
[15] ЎзР МДА. Ф. 25, 1-рўйхат, 185-иш, 104-варақ.
[16] ЎзР МДА. Ф. 1, 31-рўйхат, 1146-иш, 160-варақ.

ришдан олдин бир ойлик маош белгиланган жойига бориб ишлаган пулидан қайтариш шарти билан қарзга берилган.

Хусусан, бундай маош Андижон уезди мардикорларига 99.735, Ўш уездидагиларга 60.999, жами 160.725 сўм ҳажмида берилган[17]. Бироқ қарз пули оз ажратилганлиги сабабли барча кишиларга беришнинг имкони бўлмади.

Умуман айтганда, маъмурият қарорларида мардикорликка борувчиларга бериладиган моддий ёрдамлар ҳақидаги ваъдалар етарли даражада амалга оширилмади. Бу мардикорлар учун катта қийинчилик ва азоб-уқубатларни туғдирди.

Маъмурият вакиллари қандай бўлмасин белгиланган мардикорлар сонини тўлдириш мақсадида бемор кишиларни ҳам эшелонларга жойлаштирганлар. Бундай эшелонлардан бири тиббий кўрикдан ўтказилганда 175 нафар киши трахея, 37 нафар киши бошқа касалликлар ёки қарилиги туфайли ишга яроқсизлиги аниқланди.

Мардикорларни жўнатиш 1917 йил январни охирларигача чўзилди. Ҳарбий ахборот бошлиғининг Туркистон генерал-губернаторлигига юборган телеграммасида Қўқонда мардикорлардан иборат 100 та эшелонни йўлга чиқиши қайд этилган. Бундай эшелон Наманганда ҳам мавжудлиги кўрсатилган[18].

Мардикорлар Россиянинг Оврупа қисмига, Сибирга, Кавказга ва бошқа жойларга жўнатилган. Туркистон заминида эса 10.000 дан ортиқ мардикорлар темир йўллар ва бошқа ҳарбий аҳамиятга молик жойларда ишлатилдилар.

Мардикорлар Москва, Рязань, Смоленск, Пенза, Петербург, Тула, Двинск, Қозон, Самара, Киев, Харьков, Екатеринбург, Одесса каби шаҳарлари ва бошқа жойларга жўнатилиб, улар қаттиқ совуқ, очарчилик, турли касалликлар оқибатида кўпгина мардикорлар касалманд бўлиб қолганлар. Аммо, у ерда мардикорлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, иш ташлаганлар ва ўз юртларига қочиб кетиш ҳоллари ҳам учраб турган.

Мустабид ҳукумат қўзғолон ва жазолардан ҳолдан тойган халқни зўравонлик ва адолатсизлик билан мардикорликка жўнатишга эришди. Фарғона ҳарбий губернатори А. И. Гиппиус билан марказий маъмурият раҳбарлари ўртасида сафарбар этиш бўйича икки хил бирбирига қарши сиёсат пайдо бўлди. Биринчидан, ташвиқот ва тарғибот воситасида халққа фармоннинг моҳияти ва йўналишини тушунтириб, унда хоҳиш уйғотиб, ихтиёрий равишда одамларни мардикорликка олишлик ғояси намоён бўлди. Иккинчидан эса фақат қурол ва куч ишлатиш, назорат ва қўрқитиш билан мардикорликка сафарбар этиш сиёсати ўз аксини топди. А. И. Гиппиус ўзининг режасини амалга ошириш учун кўп чора ва ҳийлаларни кўрсатди. Аммо, унинг режасини яхши англаган халқ ихтиёрий равишда мардикорликка бо-

---

[17] Ўша жойда, 236-бет.

[18] Ковалев П. А. Тыловые рабочие Туркестана в годы первой мировой войны. Ташкент, 1952. С. 88.

ришга қарши турди. Натижада чор маъмурияти мажбурий суръатда зўравонлик сиёсатини қўллаб, халқни Россияга мардикорликка жўнатишга киришди. У сафарбарликни ташкил этишга мардикорларнинг моддий ҳаётини яхшилашга доир қатор тартиб қоидаларни, яъни имтиёзларни белгилади. Уларга Россияда меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатилиши ҳақида дабдабали ваъдалар берилди. Аммо, уларнинг ҳаммаси қуруқ ваъдалигича қолиб кетди ва мардикорлар катта қийинчиликларни бошдан кечирдилар. Шу боис улар ўз ишлаб турган жойларида ишлашдан бош тортганлар, бошқа жойларга, ўз юртларига қочдилар ва ҳатто ғалаёнлар кўтардилар. Ўн минглаб мардикорларни Россияга олиб кетилиши Фарғона водийсидаги оғир иқтисодий аҳволни янада мураккаблаштириб юборди. Натижада чор ҳукуматига қарши бир томондан мардикорлар, иккинчи томондан уларнинг қариндошларидан иборат кучли оппозиция шаклланди. Бу муҳолифат ҳарбий жиҳатдан ниҳоятда хавфли эди. Зеро, зулм қанадар кучли бўлса, унга нисбатан кураш ва қаршилик ҳам шу қадар кучли бўлиши тарихий тажрибада кўп кўрилган. Дарҳақиқат, Туркистон халқларининг мустабид ҳукуматга нафратининг чеки йўқ эди. Бу тузумнинг ҳалокатга маҳкумлиги нафақат мустамлака Туркистон, балки эзилган Россия халқларининг чексиз норозилиги билан ҳам белгиланган эди. Шу боис императорнинг тахтдан ағдарилиши кўп миллионли империя халқлари учун оламшумул воқеа бўлди. Ўзининг кейинги 70 йиллик тақдиридан бехабар халқлар бу хабарни хурсандчилик билан қарши олдилар. Бироқ бу озодлик учун ҳали жуда кўп машаққатлар чекиш, узоқ ва кескин кураш олиб бориш керак эди.

*Ж. Исмоилова*

## *МОБИЛИЗАЦИЯ НА ВОЕННО-ТЫЛОВЫЕ РАБОТЫ В ТУРКЕСТАНЕ В 1916 ГОДУ*

*25 июня 1916 г. царской Россией был подписан указ о мобилизации мужского населения Туркестана на военно-тыловые работы. Этот документ вызвал резкое сопротивление со стороны населения, вылившееся в восстание, которое затем было жестоко подавлено царскими войсками. В статье на основе конкретных исторических фактов освещаются вопросы, связанные с насильственным привлечением народов Туркестана на военно-тыловые работы в Россию.*

*Dj. Ismoilova*

## *MOBILIZATION FOR MILITARY-REAL WORKS IN TURKESTAN IN 1916*

*It is a well-known fact that the Imperer of the fzarist Russia Nikolay II issued an Edict on mobilization of male population in Turkestan aged 19 to 43 years old for participating in militaryrear activities in Russia. The edict caused severe confrontation from local population which lead to an insurrection. The insurrection head been repressed witch cruelty. This paper throws the light of the mobilization procedure of Turkestan people for military-real worse in Russia. Such pounces the number of those mobilized, localization of provinces, conditions and terminals where they had been moved-all this is shown on the base of true historical facts.*

*Р. Абдуллаев*

# ТУРКЕСТАН В 1917 ГОДУ: НАЦИОНАЛЬНОЕ ДВИЖЕНИЕ И ВОЕННЫЙ ВОПРОС

Февральская революция 1917 г., которую с такой надеждой встретили коренные народы Туркестана, хотя и подтолкнула их к активной политической деятельности, но реальных перемен, способных избавить от мучительного состояния зависимости, унижающего человеческое и национальное достоинство, так и не принесла. Усилия сформировавшихся после февраля молодых национальных политических организаций (прежде всего «Шурои-Исломия»), направленные на выход из данного положения, встречали неизменное сопротивление со стороны официальных властей.

Национальная политика Туркестанского комитета временного правительства и пришедших ему на смену (в результате октябрьского переворота) местных большевиков постепенно развеяла последние иллюзии представителей национального движения на получение независимости. Российские власти интенсивно наращивали в крае военные силы, не скрывая своих агрессивных планов по отношению к участникам этого движения.

Осенью 1917 г. в условиях большевистского беспредела и политического хаоса ставка на военное решение кризиса становилась все более реальной. Сложившаяся ситуация, безусловно, не могла не беспокоить лидеров движения сопротивления, которые в своем большинстве не были сторонниками военной конфронтации.

Вместе с тем неконструктивная жесткая позиция новоявленных державников, противостоявших естественным требованиям политизированных слоев местного населения о предоставлении демократических свобод и политического самоопределения, вызывали у последних адекватную реакцию.

Туркестанцы не желали более оставаться простыми статистами в то время, как ущемлялись их национальные и человеческие права.

По инициативе национальных политических партий и туркестанской национальной военной организации[1] в крае прокатилась волна мусульманских съездов, на которых принимались решения, направленные, в частности, на формирование в Туркестане военных батальонов, куда должны были призываться представители местного (мусульманского) населения. Наиболее крупные форумы мусульман Туркестана прошли в городах Ферганской области — Коканде (25 мая 1917 г.), Скобелеве (12—14 июля 1917 г.), Андижане (14—17 июля 1917 г.), а также в Туркестане (9—10 октября 1917 г.) и Ташкенте (II-й Краевой мусульманский съезд, 7—11 сентября 1917 г.)[2].

---

[1] Данная организация была создана в апреле 1917 г. на I Туркестанском съезде мусульман-аскаров.

[2] См.: Туркестанские ведомости. 1917, 22 июня; ЦГА РУз, ф. р. 1760, оп. 1, д. 24, л. 24—27; Туркестанский курьер, 1917, 15 октября; Знамя свободы. 1917, 14 сентября.

С 18 по 26 октября 1917 г. в Ташкенте работал очередной Краевой национальный военный съезд, в повестку дня которого были включены пять вопросов, в том числе об организации Ташкентского центрального военного совета («Харби Шуро») в составе девяти человек во главе с Собиржоном Юсуповым[3].

Разумеется, реакция туркестанских большевиков на решения этого форума была сугубо отрицательной. Так, в одном из заявлений Краевого совета рабочих и солдатских депутатов в этой связи говорилось, что «в последнее время со стороны лиц отдельных национальностей выдвигаются настоятельные требования немедленно, сиюминутно решить вопрос о национальном самоопределении, в частности об организации национальных советов и полков по национальностям»[4]. Иначе говоря, идея функционирования в крае национальной военной организации и формирования национальных воинских частей воспринималась чуть ли не как «заговор мусульманского населения против русского»[5].

Местные великодержавники трактовали новость о выделении в середине октября 1917 г. двух самостоятельных национальных рот солдат-мусульман первого и второго сибирских полков Ташкентского гарнизона как сепаратистскую, пантюркистскую инициативу местных «националистов», отмечая, что формирование отдельных частей по национальному признаку «будет способствовать развитию шовинистических настроений»[6].

В ответ на эти заявления лидеры национального движения еще раз напомнили о своем несогласии размещать в Туркестане воинские части, совершенно не связанные с местным населением, не знающие местных условий и чуждые ему по духу, что характеризовалось ими как дискриминационное явление, унижающее национальное достоинство туркестанцев.

Кстати, не одни лишь представители национального движения поднимали проблему, связанную с распределением войсковых частей и нахождением в регионе российских военнослужащих. Так, в одном из октябрьских номеров русскоязычной газеты «Туркестанский курьер» отмечалось: «Молодой солдат, взятый от сохи в Архангельской губернии, отправлялся куда-нибудь на Кавказ, из Самарской губернии — в Польшу, из Польши — в Сибирь, из Сибири — в Туркестан. Все это делалось для того, чтобы нарушить связь между населением и армией; для того, чтобы иметь возможность в случае каких-либо беспорядков подавить их вооруженной силой; в расчете, что в чужом краю солдат не будет поставлен в затруднительное положение мыслью: ведь я же иду против своих?[7]».

---

[3] Улуғ Туркистон. 1917, 4 ноябр.
[4] ГА Ферганской области, ф. 121, оп. 1, д. 15, л. 120.
[5] Туркестанские ведомости. 1917, 9 декабря.
[6] ЦГА РУз, ф. р. 1613, оп. 1, л. 120.
[7] Туркестанский курьер. 1917, 7 октября.

Однако эти доводы не встречали понимая у колониальных властей. После октябрьского переворота большевики Туркестана приступили к непосредственной реализации своих замыслов.

На основании декрета ВЦИК и СНК РСФСР 11 ноября 1917 г. СНК Туркестанского края издал декрет об уничтожении сословий и гражданских чинов[8], после чего началась борьба с гласностью и свободой слова. Еще до открытия работы III Краевого съезда советов исполнительный комитет Ташкентского совета рабочих и солдатских депутатов, предъявив обвинение «за антисоветскую агитацию», приостановил издание газет «Туркестанский курьер» и «Туркестанское слово»[9].

С декабря этого же года газета «Туркестанские ведомости» стала выходить как орган Туркестанского СНК. Еще раньше перестали издаваться национальные газеты «Кенгаш» и «Турон»[10].

Серьезные препятствия чинились для нормальной работы и других газет и журналов, так или иначе не устраивавших новые власти.

Формировались иные силовые структуры. Так, по решению Туркестанского СНК был создан особый отдел управления инспектора милиции и утвержден устав для милицейских кадров Туркестанского края. 5 ноября 1917 г. был издан приказ Краевого исполнительного комитета, адресованный войскам Туркестанского военного округа, где говорилось о создании специальной коллегии, которой поручалось управление военными делами округа[11].

15 ноября того же года исполнительный комитет Ташкентского совета рабочих и солдатских депутатов вынес решение о расформировании мусульманского батальона под предлогом недемократичности создания национальных войсковых частей и, якобы, имевших место обращений самих солдат-мусульман по поводу ликвидации данных подразделений. В ответ на это 18 ноября общее собрание солдат-мусульман города Ташкента постановило выразить протест против антидемократического насилия со стороны исполкома Ташсовета, на основе чего было принято решение не подчиниться его постановлению и оставаться в своей вновь образованной части[12].

Действия большевиков шокировали и возмущали лидеров национальных организаций, которые в те дни, во время встреч и бесед с демократической частью русской общественности, постоянно подчеркивали, что даже если большевистская власть будет признана в стране, то местные народы Туркестана потребуют внесения корректив, исходя из особенностей и национальных интересов края[13].

После III Краевого съезда советов рабочих, солдатских и крестьянских депутатов[14], который, как известно, проигнорировал интересы

---

[8] Улуғ Туркистон. 1917, 9 декабр.
[9] Знамя свободы. 1917. 23 ноября.
[10] Улуғ Туркистон. 1917, 21 октябр.
[11] Свободный Самарканд. 1917, 11 ноября.
[12] Там же, 24 ноября.
[13] Туркестанские ведомости. 1917, 21 ноября.
[14] Съезд работал в Ташкенте с 15 по 22 ноября 1917 г.

коренного населения Туркестана, не включив его представителей в новый верховный орган края — Совет Народных Комиссаров, по инициативе национальных политических организаций («Шурои-Исломия», «Турк одами марказият фиркаси», «Иттифок» и др.) 26 ноября 1917 г. в Коканде открылся IV Чрезвычайный краевой съезд мусульман, где было принято решение о провозглашении Туркестанской национально-территориальной автономии.

В первые же дни после ее объявления во многих населенных пунктах Туркестана началась запись в отряды народной милиции и национальное ополчение[15]. Граждане, имевшие военную подготовку и преданные Туркестанской автономии, приглашались на службу в народную милицию и национальное ополчение в качестве инструкторов[16]. Однако недостаток финансовых и материальных средств, а также в опытных квалифицированных национальных военных руководителях не позволял оперативно и эффективно исполнять принятые решения. Кроме того, туркестанские большевики прекрасно сознавали, что время будет работать на «автономистов», и потому лихорадочно искали пути для скорейшей ликвидации «националистической» автономии.

Новая власть делала все возможное для того, чтобы дискредитировать в глазах общественности политику Туркестанской автономии, параллельно увеличивая и укрепляя свое военное присутствие в Ферганской области. Баланс сил был не в пользу «автономистов». 3 января 1918 г. СНК Туркестанского края на основании декрета центрального правительства утвердил приказ о начале формирования Красной армии. В соответствии с этим всем краевым советам предлагалось «немедленно приступить к образованию особых отделов воинских присутствий для приема записей желающих вступить в новую армию»[17].

В Ферганской области было объявлено осадное положение. Начались военные действия между малочисленным и плохо вооруженным отрядом «автономистов» и частями Красной армии.

К концу февраля 1918 г. политическое и военное противостояние завершилось кровавой ликвидацией Туркестанской автономии и разгоном первого в истории Туркестана демократически избранного парламента (Временного народного совета) и временного национального правительства.

После известных кокандских событий во всем Туркестане началось вооруженное национально-освободительное движение, которое, невзирая на огромные жертвы, понесенные туркестанцами в ходе этой борьбы и чрезвычайный драматизм самой эпохи, со всей очевидностью показало способность народа к единению и его неистребимую волю к свободе и независимости.

---

[15] См.: Улуғ Туркистон. 1918, 21 январ; Свободный Туркестан. 1918, 15 февраля.
[16] См.: ГА Ферганской области, ф. 121, оп. 1, д. 68, л. 45.
[17] Наша газета. 1918, 14 февраля.

*Р. Абдуллаев*

*ТУРКИСТОН 1917 ЙИЛДА: МИЛЛИЙ ҲАРАКАТ ВА ҲАРБИЙ МАСАЛА*

*Ушбу мақолада 1917 йил феврал ойидан 1918 йил феврал ойлари давридаги Туркистонда маҳаллий сиёсий партиялар ва миллий ҳарбий қисмлар тузишга қаратилган миллий ҳарбий ташкилот («Ҳарбий Шўро» — 1917 йил апрелдаги I Туркистон мусулмон аскарлар съездида тузилган) фаолиятлари билан боғлиқ бўлган тарихий воқеалар ёритилади. Мақолада, Туркистон мухториятини ҳарбий йўқ қилинишига (1918 йил қишда) ва Туркистон тарихида биринчи демократик йўл билан сайланган Парламент (муваққат халқ кенгаши)ни ва муваққат миллий ҳукуматни тарқатишга олиб келган сиёсий жараёнлар таҳлил этилади.*

*R. Abdullaev*

*TURKESTAN IN YEAR 1917: NATIONAL MOVEMENT AND MILITARY QUESTIONS*

*That article desoribes period of historical events from February 1917 till February 1918. In Turkestan, connected parties and national military organizations («Kharby shuro» — which was created on the first Turkestanian congress of the muslim — askars in april 1917), which was directed to creat in Turkestan the national military divisions.*

*Article analizes political process which led the Turkestan Autonomy to the military liquidation (winter 1918) and routing of the first in the history of Turkistan democraticly elected Parliament (Temporary national soviet) and temporary national government.*

*Х. Юнусова*

# XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ

Турли миллатлар, халқлар, элатларнинг шаклланиши, улар ўртасидаги ўзаро ижтимоий, иқтисодий, маданий муносабатлар жамият тараққиётининг муҳим жиҳатларидан биридир. Миллий муносабатлар ўз моҳияти, шаклига кўра жамият тараққиётига турли даражада таъсир этади. Хусусан, жамият тараққиётининг истиқболи миллатлар ва элатлар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик такомиллашиши билан узвий боғлиқдир. Бу муносабатлар тўлиқ шаклланган давлатларда кучли бошқарув тизимида юзага келади.

Миллий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисми бўлиш билан бирга бу муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз аксини топмай қолмайди. Таъкидламоқ лозимки, собиқ совет тузуми инқирозидан сўнг мустақилликни қўлга киритган ҳамдўстлик давлатларида ҳам миллий муносабатлар борасида оғир мерос қолди. Айни пайтда бу масалаларни адолатли ҳал этиш, миллий низоларга барҳам бериш давлатлар сиёсатидаги муҳим вазифалардан бирига айланиб қолди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг фикрича, «ўша даврнинг экстремал шароитлари ва этнослар ўртасида қарама-қаршиликлар чиқишидан сақлаб турган заиф чегарани, чизиқни осонгина босиб ўтиш мумкин бўлган эҳтиросларни па-

сайтириш ва уларни жунбушга келтиришга йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга эди»[1].

Кўп миллатли Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгач, миллий муносабатларга адолатли ёндошиб, миллатлараро тотувликни тўлиқ таъминлаб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон «мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб қолган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди»[2].

Лекин, миллий масалага эътибор билан қаралар экан, узоқ йиллар ҳукмронлик қилган маъмурий-буйруқбозлик тузумининг миллатлараро муносабатлардаги сиёсатига, бу борадаги камчиликларни мамлакат халқларининг ижтимоий турмуш тарзига салбий таъсирини тадқиқ этмаслик, кераклн хулосалар чиқармаслик мумкин эмас. Шубҳасиз, бу масалага ҳам холис ёндошиш кенг мушоҳада ва мулоҳазаларни кун тартибига қўяди.

Маълумки, 70-йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилган собиқ совет давлатининг тор синфий йўналишга асосланган миллий сиёсати «кўп миллатли бирликни» вужудга келтириш ниқоби остида адолатсизлик ва зўравонликни ўзига услуб қилиб олган қатағонликлар билан узвий боғлиқ бўлди. Бу йилларда мустабид тузум мамлакатнинг турли минтақаларида истиқомат қилган кам сонли халқларни яшаб турган жойларидан мажбуран кўчириб, дунёқарашида ватанпарварлик ғоялари кучли бўлган маҳаллий зиёлиларга нисбатан қатағонлар уюштирди, доимий тарзда халқларнинг миллий маънавиятига салбий муносабат билдириб, қаттиқ таъқиб остига олди.

Биз тадқиқ этаётган давр ҳам Сталин қатағонлари натижасида ўз ватанидан кўчирилган халқларнинг асримизни 80-йилларига келиб топталган манфаати ва ҳуқуқи, миллий маданият, тил, урф-одатларини қайта тиклаш учун ҳаракат қилган даврни ўз ичига олади. Ушбу халқларнинг ватанларига қайтиш учун бўлган ҳаракатлари илмий адабиётларда ҳанузгача тўлиқ ўрганилган эмас. Шу нуқтаи назардан «бу мавзу бутун-бутун халқларга «сотқин» тамғасини қўйган коммунистик тузумнинг ғайри инсоний жиноятларини яққол кўрсатиш билан бир қаторда ўзбек халқининг бу халқларга нисбатан намоён қилган меҳр-шафқат ва инсонпарварлик жасоратини ҳам намойиш этади[3].

Юқорида кўрсатилган халқлардан бири сиёсий қатағонлар натижасида Ўзбекистонда 1944 йил 18 майда собиқ Иттифоқ мудофаа вазирлиги буйруғи билан «ватан хоинлари» сифатида кўчирилган қрим-татарларидир. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган маълумотлардан аён бўлишича, Сталин қатағонлари натижасида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган қрим-татарларнинг умумий сони 883.400 кишини ташкил этган экан[4]. Мислсиз

---

[1] Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон. 1998. 6-бет.
[2] Ўша асар, 7-бет.
[3] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ. 2000. 462-бет.
[4] ЎзР МДА. Ф. 2454, 6-рўйхат, 6305-иш, 16-варақ.

азоб-уқубатга дучор бўлган, «ишончсиз» ҳисобланмиш, бу халқлар кўчирилаётган вақтданоқ конституциявий ҳуқуқларидан маҳрум этилиб, республиканинг ишчи кучига эҳтиёж кучли бўлган Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ каби саноат шаҳарларига, янги ўзлаштирилган ерларда қурилган колхоз ва совхозларга ёки турли лагерларга жойлаштирилди. Наманган вилояти қрим-татар халқ ҳаракати вакилларининг собиқ партия марказий қўмитасига йўллаган мактубларида шарҳланишича, «улар яшаган лагерларда элементар шароитлар ҳам мавжуд бўлмаган, натижада қрим-татарлар кўчириб келтирилган вақтнинг ўзидаёқ 195.000 киши вафот этган»[5].

Мустабид тузум ватанидан кўчирилганлар бу халқлар кўчириб келтирилган вақтдан бошлаб турли азоб-уқубатларга дучор қилди. Улар кўчириб келтирилган вақтдан бошлаб ўзлари яшаётган лагерларда белгиланган репрессив режимга риоя қилишлари ва НКВД-нинг махсус комендатуралари фармойишларига бўйсунишлари шарт эди[6]. Шу билан биргаликда улар ўз она тилларида ўқиш, ёзиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилдилар. Бу назорат чорак аср, яъни 25 йил мобайнида давом этди.

Бироқ, қримликларга нисбатан ўтказилган ҳар қандай қатъий таъқиб ва зўравонликлар уларда Ватан ишқини сўндира олмади. Қадимий маданиятга эга бўлган бу халқларнинг миллий руҳиятига зид бўлган ҳар қандай сохта ташвиқотлар, мислсиз қийинчиликларга қарамай ўз урф-одати, маданиятини этник бирлик сифатида маълум даражада сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Ватанларига қайтиб кетиш учун бўлган интилишлари ҳам сўнмади. Айниқса, 80-йиллар эълон қилинган «қайта қуриш», «демократия» қрим-татарларининг ўз талаблари билан чиқишларига имкон берди. 1987—1988 йиллардан қрим-татарларининг оммавий чиқишлари бўлиб, улар ўз ватанларига қайтишни ташкиллаштиришни қатъий талаб қилдилар. Уларнинг бу ҳаракатини қўлловчи ижтимоий кучлар майдонга келди. Қрим-татарларининг бу норозилиги ҳақиқатда казарма социализмининг йиллар давомидаги юргизган миллий сиёсатига қарши кўтарилган ҳаракатлардан бири эди.

Минг таассуф билан айтиш лозимки, бутун мамлакатда катта ўзгаришлар қилиш ниятида бошланган жамиятни «қайта қуриш» сиёсатига мамлакат халқларини миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатлараро муносабатларни изга солиш масаласи киритилмади. Аксинча, бу ҳаракатларнинг барчасига минтақавий тус берилди.

Шунингдек, бошланган бу чала ярим «ўзгаришлар» мавжуд аҳволнинг ечимини топишдан манфаатдор бўлмаган. Чунки, «бутуниттифоқ шифохона» номини олган, ярим орол узоқ йиллар давомида мамлакатнинг дам олиш масканига айланиб, унинг туб аҳолиси тақдири марказ учун аҳамиятсиз нарсадек бўлиб қолган эди. Ундан ташқари Қрим мамлакатнинг Қора денгиз жабҳасидаги муҳим стратегик аҳамият касб этувчи мулки бўлганлиги сабабли халқ хўжали-

---

[5] Ўша жойда.

[6] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 461-бет.

гининг турли тармоқларига Украина, Марказий Россиядан ишчи кадрлар таклиф этилиб, иш билан таъминланган, «улар ўрнашиб олгунга қадар эса мунтазам маблағ билан ҳам таъминлаб турилган эди»[7]. Қримда истиқомат қилганлар сони шу қадар кўп ортиб борар эдики, Иккинчи Жаҳон урушига қадар Қримда истиқомат қилган украинлар 13 фоизни ташкил этган бўлса, 1980 йилларга келиб, улар 26 фоизни ташкил этди. Бу ерларда истиқомат қилган рус аҳолисининг сони ҳам урушдан аввал 49 фоизни ташкил этган бўлса, 80-йилларга келиб 68 фоизга етди[8]. Шунинг учун ҳам собиқ ҳукумат раҳбарияти узоқ йиллар Қримда яшаб келаётган бошқа бир халқларни кўчириш ҳисобига, қрим-татарларига нисбатан «адолатни тиклаш керак эмас»[9], деб мунтазам таъкидлаб келган. Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжатларда кўрсатилишича, мустабид маъмурият Қрим вилоятига ўз ихтиёри билан келган ёки рўйхатдан ўтмай яшаётган кишиларга нисбатан ҳам қаттиқ чораларни қўллаган. Бундай кишилар шаҳар, туман ижроия қўмиталари қарорига биноан милиция кучлари ёрдамида вилоятдан ҳайдаб чиқарилган. Ҳатто ётоқхоналарда яшаётган кишилар паспорт билан келганларни ўзлари билан яшашга рухсат берсалар, уларга бу ишлари учун бир йилда икки марта жарима солиниши, агар шундан кейин ҳам бу иш давом этса, улар шаҳар ва туман ижроия қўмиталари қарори билан вилоятдан икки йилга сургун қилинишлари ҳақидаги чораларни кўрган[10–11].

Коммунистик тузум тартибига қарши боришларга кўникмаган, бундай ҳаракатларни ҳар қандай шароитда ҳам зўрлик билан бостиришга ўрганган мустабид тузум сиёсий раҳбарияти оммавий ахборот воситалари орқали қрим-татар ҳаракати раҳбарларини чалғитиш, уларнинг руҳиятини синдириш, миллатни бўлиб ташлаш мақсадида турли иғвогарлик характерига мос ишларни ҳам олиб борди. Марказ маъмурлари миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳаракатни миллатчилик деб баҳолади.

Фикримизча, бу ерда Ўзбекистонда вазият барқарор бўлишидан манфаатдор бўлмаган мустабид маъмурият миллий онги ўсиб, миллий мустақилликка интилаётган халқлар эътиборини мамлакатда тобора оғирлашиб бораётган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий муаммолардан четга буришга, уларнинг асосий мақсад ва йўналишларидан чалғитиб, марказнинг ҳукмронлик ўрнини мустаҳкамлашга, қрим-татарлар ҳаракати раҳбарлари билан маҳаллий халқлар ўртасида иғвогарлик характерларига мос зиддиятларни кучайтиришга интилди. Чунончи, бу ишлар республикада «пахта иши» уйдирмалари кучайиб

---

[7] УзР МДА. Ф. 2454, 6-рўйхат, 6306-иш, 10-варақ.

[8] Союз можно было сохранить. Белая книга. Документы и факты о политике М. С. Горбачева по реформированию и сохранению многонационального государства. М., 1995. С. 351.

[9] «Совет Ўзбекистони». 1987 йил, 14 октябрь.

[10–11] УзР МДА. Ф. 2454, 6-рўйхат, 6305-иш, 5-варақ.

турган бир вақтда бағри кенг ўзбек халқига яна туҳмат тошларини отиш, республикани қоралаш, жаҳон жамоатчилиги олдида шарманда қилиш ҳам боғланиб кетди.

1989 йил аҳолини рўйхатга олиш маълумотларидан маълум бўлишича, Ўзбекистонда 1959 йилдан то 1989 йилгача татарлар сони республикада 398.275 кишидан 467.829 кишига кўпайган қрим-татар оилалари сони рус оилаларига қараганда эса 2,2—2,5 марта юқори, ўзбек оилаларига нисбатан 3 марта кам бўлган[12]. Уларнинг умумий сони 1989 йилда 188,8 минг кишини ташкил этган[13].

Маълум бўладики, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган қрим-татарлари кўпчиликни ташкил этган, уларнинг табиий кўпайиши республикада истиқомат қиладиган бошқа халқларга нисбатан тезроқ бўлган. Уларнинг ўз ватанларига қайтиш учун бўлган талабларида ҳам миллат манфаатлари кўзланган эди. Уларнинг Қрим вилоятини бекор қилиб, автоном республика тиклаш тўғрисидаги талаблари ҳам асосли эди. Қрим-татарларининг бундай мурожаатномалари собиқ партия ташкилотларига бир неча маротаба юборилди. Улар кўчириб келтирилган вақтдан бошлаб ўтган 44 йил давомида ёзилган аризалар сони 80-йилларга келиб 250 томни ташкил этди[14]. Аммо миллий манфаатлар ва мустақиллик учун интилаётган қрим-татар фидойиларини исканжага олиш, миллий адоватларни кучайтириш йўлидаги турли ташвиқотлар бу ҳаракатларнинг бирмунча қийинчиликлар ҳисобига амалга оширилишига сабаб бўлди.

1987 йил 27 декабрда Қримда жамоат хавфсизлигини сақлаш, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш баҳонаси билан марказ шовинистик сиёсатини ифода этган, «Шаҳар ва қишлоқларга доимий яшаш учун кўчиб келаётган кишиларни прописка қилиш тўхтатилиши» тўғрисидаги қарорда қрим-татарлари қадимдан яшаб келган ва айнан улар бориб жойлашиш учун интилаётган Алушта, Евпатория, Керчь Севастополь, Симферополь, Феодосия, Ялта шаҳарлари, Боғчасарой, Раздолин, Сак, Судак, Қора денгиз вилоятлари кўчиб келаётган қримтатарларини рўйхатга олиш тақиқланган жойлар жумласига киритилди[15]. Бу билан марказ сиёсий раҳбарияти Қрим эшикларини унинг туб аҳолиси учун тамомила ёпди.

Ушбу қарорлардан кўзланган мақсадлар нақадар сохталиги Наманган вилоятида яшовчи бир гуруҳ қрим-татарларининг собиқ партия сиёсий бюроси, собиқ Иттифоқ министрлар совети, давлат статистика қўмитаси, матбуот ташкилотларига ёзган хатларида ҳам яққол ўз ифодасини топди. Хатда жумладан, шундай дейилган эди: «Қрим-татарларига бўлган муносабат мустамлакачилик сиёсатининг давомидир. Россия подшолари, императорлари ҳам асрлар давомида шун-

---

[12] Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси: Тошкент: Университет. 1997. 36-бет.

[13] Алихан Аман. Миграция населения Узбекистана (1989—1998). Ташкент, 2000. С. 81.

[14] Союз можно было сохранить. Белая книга. С. 17.

[15] ЎзР МДА. Ф. 2454, 6-рўйхат, 6305-иш, 5-варақ.

дай сиёсатни амалга оширган. Совет давлати ҳам бу сиёсатни изчиллик билан амалга оширмоқда..., бутун бир миллатни ўз юртидан бадарға қилиш, жисмоний азоблаш ва йўқ қилиш, турли жойларга тарқатиб юбориб, бошқа халқлар билан ассимиляциялаштириш, тили, миллий маданияти ривожланиши имкониятларини чеклаш миллий адолатсизликнинг ёрқин кўринишидир. Собиқ Иттифоқ министрлар советининг қарорлари бутун бир миллатга қарши бўлган жиноятни яшириш учун чиқарилган»[16].

Марказ сиёсий раҳбарияти чиқарган бундай қарорлар ватанига қайтиб боришга интилаётган қрим-татарлар ҳаракатини жунбушга келтирди. Шундан сўнг бу ҳаракатнинг раҳбарлари томонидан қрим-татарлар қонуний талабларини амалга оширишни тезлаштирувчи «Ташаббус» гуруҳини туздилар. Ушбу гуруҳ ташкилотчилари 1988 йил 24 апрелда Чиноз туманининг Олмазор қишлоғида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Краснодар ўлкаси, Украинанинг Херсон вилояти, Қрим ва Москвадан келган 112 вакил иштирокида йиғин ўтказди ва йиғинда «қрим-татарлари миллий ҳаракатининг яқин даврлардаги фаолияти» ҳақида қарор қабул қилинди[17]. Ушбу қарорга биноан қрим-татарларининг ўз ватанларига қайтиш учун ўтказаётган митинг ва намойишлари қонуний деб ҳисобланиши, қрим-татарлари бедарға қилинган кун — 18 майни миллий фожиа куни деб эълон қилиш ва шу куни намойишлар ўтказиш, қрим-татарлари миллий ҳаракатида бошқа халқлар вакиллари ҳам иштирок этишини таъминлаш, миллий ҳаракат фаолиятини ёритувчи нашрни тайёрлаш ва бу ишдаги харажатларни таъминлаш учун миллий фонд ташкил этиш белгиланди.

Кейинроқ бориб бу таклифлар қаторига матбуотда қрим-татарлари фаолиятини кенгроқ ёритиш, қрим-татарларининг Қримга кўчиб бориши ва шу бўйича тузилган комиссия фаолияти ҳақида тез-тез маълумот бериб туриш, кўчиб кетаётган қрим-татарларининг ҳужжатларини тез расмийлаштириш, 40—50-йилларда режасиз қурилган уйларнинг ҳужжатларини тезда тўплаб бериш масалалари киритилди[18].

Аммо, совет тузуми сиёсий раҳбарияти бу тинч тадбирнинг қонуний талабларини «экстремистик» ҳаракат деб баҳолаб келди. Ҳатто, «Ташаббус» гуруҳи раҳбарлари билан учрашувларда қрим-татарларининг ҳаракатларини тўхтатишни, уларни давлат комиссияси чиқарадиган қарорни кутиб туриши, митинглар, намойишлар ўтказмаслигини таъкидлади. Акс ҳолда «қрим-татарлар ҳаракатини бостириш учун етарли «куч борлиги», бир неча бор таъкидлаб ўтилди»[19]. Бироқ, қрим-татарларининг ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаққоний талаблари янада кенгроқ ошкора равишда муҳокамага қўйилди.

---

[16] Ўша жойда, 17-варақ.
[17] ЎзР МДА. Ф. 2454, 6-рўйхат, 6305-иш, 28-варақ.
[18] Ўша жойда, 62-варақ.
[19] Ўша жойда, 38-варақ.

Қайд қилинган маълумотлардан кўринадики, қрим-татарлари олиб борган ҳаракатларига нисбатан марказнинг муносабати ижтимоий адолатсизликнинг ёрқин намунаси эди. Булар совет тузумининг миллатлараро муносабатлардаги тотувликни, баҳамжиҳатликни таъминлаш амалга оширилиб, миллатлар ўртасидаги муносабатлар тўлиқ ҳал этилди, деган сафсатасига зид эди. Бироқ, ҳар қандай тўсқинликларга қарамай, ярим оролга кўчиш ҳолати кучайди. Ўрганилган маълумотлардан аён бўлишича, 1988 йилдан бошлаб, Қримга кўчиб борганларни уй-жой билан таъминлаш жиддий қийинчиликлар туғдирган. Натижада марказ бу масала мураккаблашиб, чигал ҳолатга етиб бораётганлигини англаб етгач, қрим-татарларига бўлган муносабатни енгиллаштиришга ва кўп жиҳатдан қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди. Шу муносабат билан собиқ Иттифоқ министрлар совети бу муаммони ҳал этиш учун иттифоқ министрлар совети раиси ўринбосари В. Х. Догужнов бошчилигидаги давлат комиссиясини ташкил этди[20]. Бу комиссияга қрим-татар халқининг Қримга ихтиёрий ташкилий кўчиб келиши ва жойлашиши билан боғлиқ бўлган давлат дастурини ишлаб чиқиш юклатилди. Гарчи, комиссиянинг иш фаолияти давомида қрим-татарларини кўчиришни 1991—2000 йилга мўлжалланган бўлса-да, аммо бу қрим-татар аҳолиси томонидан қатъий норозликка учради ва қрим-татарларини кўчириш 1991—1996 йилларга белгиланди[21]. Ниҳоят, комиссия томонидан Қримга кўчиб келаётган қрим-татарларининг 8400 оиласи 1990 йилнинг биринчи ярмида Қримда уй-жой билан таъминланди. Шу йили яна 13.000 оила кўчиб келди, шундан 5.900 оилага хусусий уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилди, 5.500 оила уй сотиб олди, 1.700 оилани эса колхоз ва совхозлар уй билан таъминлади[22].

Бироқ, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий таназзулнинг кучайиши, тоталитар империянинг парчаланиб кетиши кейинчалик Қрим муаммосининг тугал ечилишига имкон бермади. Шундай бўлса-да, 1989—1998 йилларда Ўзбекистондан кўчиб кетган қрим-татарларининг умумий сони 105 минг кишини ташкил этди[23]. Шу билан биргаликда бу халқлар кўчиб бориб ўрнашиб олгунга қадар ўз ижтимоий ва фуқаролик ҳуқуқлари учун курашиб келдилар.

Умуман, тарих исботи жамиятга зўрлик билан тазйиқ ўтказиш, нозик масала ҳисобланган миллий манфаатларни топташ, миллатлар устидан зўравонлик сиёсати юритиш билан халқларни идора қилиш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатди. 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқлар ва элатларнинг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари ҳам ўзига хос империяча муносабатлар тизимини ташкил этиш советлар тузумининг нотўғри сиёсати натижаси бўлиб, мамлакатда истиқомат қилаётган элат ва миллатлар ҳаётида чуқур асоратли из қолдирди. Бу йиллар мамла-

---

[20] 4-сессия Верховного совета СССР. Стенографический отчет. Ч. 7. М., 1990. С. 209.

[21] Там же. С. 212.

[22] Там же. С. 217.

[23] Алихан Аман. Миграция населения Узбекистана. С. 81.

катдаги ҳар бир миллат бой қадимий тарихи, маданий мероси, тили, урф-одатлари, миллий манфаатларини ҳимоя қилиб чиқишлари билан характерланди. Уларнинг бу ҳаракатлари миллий уйғониш жараёнининг муҳим жиҳатлари бўлди.

Шуни айтиб ўтмоқ лозимки, мустабид тузумнинг маъмурий тўсиқларига қарамай ўзбек халқи Ўзбекистонга кўчириб келтирилган халқларга меҳр-мурувват ва раҳм-шафқат кўрсатди. Уларга қалб қўридан жой берди, елкадош бўлиб яшади. Ўзбекистонликлар қрим-татарларга нисбатан илиқлик ва бағрикенглик муносабатлари орқали дўстлик ришталарини мустаҳкам боғлади, уларни уй-жой, иш билан таъминлашда қўлидан келганча ёрдам берди. Шу билан биргаликда ўзбек халқи қрим-татарларининг фарзандлари тарбия олиши учун имкон борича мактаблар, боғчалар, маданият ўчоқлари қуриб берди. Ўзбекистонда яшаган нафақат қрим-татарлар, балки барча миллат вакиллари бу ерда ҳамиша бағрикенглик муносабатлари бўлганлигини дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин мароқ билан сўзлайдилар. Ўз вақтида қрим-татар халқи вакиллари ҳам ўзбек халқи хотирасида меҳнаткаш ва самимий инсонлар сифатида сақланиб қоладилар. Халқимиз азалдан орзу қилиб келган мустақиллик эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, республикада истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтиришга имкон берди. Ўтган ўн йил давомида республикада истиқомат қилаётган халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч, дўстлик, ҳамжиҳатлик муносабатларининг ҳукм суриши ҳам шундай сиёсатнинг натижасидир.

*Х. Юнусова*

*ОТДЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ НАЦИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ В 80-х ГОДАХ XX СТОЛЕТИЯ*

*В статье рассматривается положение, создавшееся в 80-х годах XX столетия, связанное с движением крымских татар в Узбекистане. На основе архивных документов автор убедительно раскрывает причины движения крымских татар и их возвращения на историческую родину.*

*H. Yunusova*

*SOME ASPECTS OF THE NATIONAL AFFAIRS IN UZBEKISTAN IN THE 80th YEAR OF 20 CENTURY*

*The article is devoted to the established situation in 80ties in connection with the movement of the Tatars living in the Uzbek Republic. The author analyzed the archive documents very carefully and reveals the season of their homecoming to their historic Motherland in 80ties of 20th century.*

*Манба ва талқин*

*М. Ҳамдамова*

# «ТАРИХИ ЭЛЧИ НИЗОМШОҲ» АНУШТЕГИНИЙ ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ ҲАҚИДА

«Тарихи элчи Низомшоҳ» ўзбек давлатчилиги тарихи бўйича нодир ёзма манба бўлиб, унинг кам ўрганилганлиги ҳақида аввал айтилган эди[1]. Айтганимиздек, бу манбанинг учинчи мақоласининг ўн иккинчи гуфтори (боби) Ануштегиний хоразмшоҳларга бағишланган. Муаллиф ўз одати бўйича кўпинча фойдаланган манбаларни эслатмайди. Асарнинг ушбу бўлимида ҳам у бирор манбага ҳавола қилмай, ўз баёнини бошлайди. Боб «Хоразмшоҳларнинг салтанати ва ҳукумати, уларнинг аҳволини қисқартириб ва ихчамлаб эслаш» («Зикри салтанати ва ҳукумати Хоразмшоҳийон, аҳволи ишон бар сабили ижоз ва ихтисор») деб аталганига кўра муаллиф бу бобни ёзишда қандайдир асарни қисқартирган дейиш мумкин. Лекин асарни таҳлил қилиш, у фақат бирор асарни қисқартиришгина бўлиб қолмай, балки бир неча асардан фойдаланиб, қисқача баён қилишдан иборат эканлигини кўрсатади.

Маълумки, Ануштегиний хоразмшоҳлар тарихи машҳур Озарбайжон тарихчиси Зиё Буниёдов асарида муфассал ёритилган[2]. Лекин олим фойдаланган ва эслатган манбалар орасида Элчи Низомшоҳ (Хуршоҳ ибн Қубод)нинг асари йўқ. Шунинг учун ҳам бу борада «Тарихи элчи Низомшоҳ» асарининг аҳамияти каттадир. Хуршоҳ ибн Қубоднинг талқинида сулоланинг асосчиси Нуштегин (Ануштегин) гарчан султон Маликшоҳ Салжуқийнинг (1072—1092) мамлуки Билгатегиннинг (вафоти 1098 й.) ғуломи ва таштдори бўлган. З. Буниёдов фойдаланган манбаларга кўра эса Ануштегин султон Маликшоҳнинг таштдори бўлган[3]. Хуршоҳ ибн Қубод талқинида Ануштегиннинг ўғли Қутбиддин Муҳаммаднинг Хоразмга шихна (комендант) этиб тайинланиши ҳам З. Буниёдов манбаларидан (Жувайний, Ибн ал-Асир) фарқлидир. Хуршоҳ бу мансабга Қутбиддиннинг отаси Ануштегин тайинлаган деб кўрсатган. У ёзади: «Нуштегин писари худ Қутбиддин Муҳаммадро дар авзи худ би-шихнагийи Хоразм равон кадр», яъни «Нуштегин ўз ўғли Қутбиддин Муҳаммадни ўз ўрнига Хоразмга шихна қилиб юборди». Ҳолбуки, Ибн ал-Асир (8-жилд, 184-бет) ва Абул Фидога (4-жилд, 124-бет) кўра Қутбиддин Муҳаммадни бу мансабга Хуросоннинг ҳокими Додбек Ҳабаший аввалги шихна Экинчи

---

[1] Аҳмедова А. Ҳамдамова М. Элчи Низомшоҳнинг «Тарихи элчи Низомшоҳ» асари ҳақида//Ўзбекистон тарихи, 1—2-сонлар, 2000. 47—50-бетлар.

[2] Буниёдов З. Ануштагин хоразмшоҳлар давлати. Русчадан Ашраф Аҳмад, Маҳкам Маҳмуд таржимаси. Тошкент, 1998.

[3] Буниёдов З. Ўша асар, 7-бет.

ибн Қўчқор ўрнига тайинлайди[4]. Демак, Хуршоҳ ибн Қубод З. Буниёдов фойдаланган манбалардан фарқли ўлароқ қандайдир бошқа манбалардан фойдаланган.

Хуршоҳ ибн Қубод ҳам ўзидан аввалги муаллифлар каби, Қутбиддин Муҳаммад шихна этиб тайинланиши билан бирга хоразмшоҳ лавозимини олганлигини ҳам эътироф этади[5]. Бироқ шуниси муҳимки, Хуршоҳ бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ, «Унинг замонида Хоразм бир маъмурий бўлакдан мамлакат даражасига кўтарилди», деб қайд қилади[6]. Ўзбек давлатчилиги нуқтаи назаридан бу сўзларнинг нақадар қимматли эканлиги шубҳасиздир.

Хуршоҳ ибн Қубоднинг асари Султон Санжарнинг сарой шоири Анварий билан Хоразмшоҳ Отсизнинг сарой шоири Рашидиддин Вотвот ўртасидаги Ҳазорасп қамали пайтидаги шеърий дуэл муносабати ва унинг ҳозирги замон талқинидаги англашилмовчиликларга ҳам аниқлик киритади. 1147 йил кузида Султон Санжар Хуросондан келиб, Ҳазораспни қамал қилади. Шунда Султон Санжарнинг сарой шоири Авҳадиддин Анварий султонга қаратиб ва «ҳазорасп» сўзининг маъносига («минг от») шама қилиб, бундай рубоий айтади:

Эй шоҳ! Бутун жаҳон мулки сенингдур,
Шоҳий адолат иқболидан коинот сенингдур.
Бу кун бир ҳамла билан Ҳазораспни ол,
Эртан Хоразму, юз-минг от сенингдур.

Бу шеърга жавобан қамалда турган шоир Рашидиддин Вотвот султонга атаб қуйидаги байтни камалак ўқига ёзади ва султон тарафига отади.

Гар лашкарат, эй шоҳ, бувад Рустами гурд
Як хар зи Ҳазорасп натавонад бурд.

Яъни

Лашкаринг гар бўлса Рустамдек, эй шоҳ,
Ололмас минг от тугул ҳатто бир эшак.

Бу шеърни ўқиб, султон дархашм бўлади ва агар Рашидиддин қўлга тушса етти пора қилинишини буюради. Кўпчилик Рашидиддиннинг аҳволига ачинади. Шаҳар олингач, Рашидиддин бекиниб, пинҳон бўлади. Бир кун султон саройида Рашидиддинга хайрихоҳ надимларидан бири: «Менда бир илтимос бир: Рашид Вотвот — жуссаси ниҳоят кичик ва заиф бир одам, уни етти пора қилишга арзимайди ҳам. Агар султон амр этсалар, уни икки пора қилинса», дейди[7]. Ҳазил аралаш айтилган бу сўзлардан султон хурсанд бўлиб, Рашидиддинни афв этади.

---

[4] Ўша асар, 8-бет.
[5] Тарихи элчи Низомшоҳ. Британия музейи, Эте, № 3535, 194а-бет.
[6] Ўша ерда.
[7] Ўша асар. 195 а-бет.

Бўрибой Аҳмедов ва Маҳкам Маҳмудлар талқинида ва таржимасида Рашидиддиннинг шеъри Отсизга аталиб, қатор чалкашликлар киритилган.

Эй шоҳ (Отсиз), ёвинг Рустам каби
Зўр бўлса бешак,
Сенинг Ҳазор аспингдан ололмагай
Ҳатто бир эшак[8].

Султон Санжар Гурганчни олишига яқин Хоразмшоҳ Отсиз шаҳарни тарк этган эди. Аҳвол унинг фойдасига бўлмаганлигини кўрган хоразмшоҳ султон билан ярашиш йўлини излайди. Икки ўртада сулҳга келишилади. Зиё Буниёдов фойдаланган манбаларга асосан сулҳ шартига кўра гўё Отсиз султоннинг ҳузурига келиб, яъни отдан тушиб, султоннинг оёғи остидаги ерни ўпиши керак бўлган. Ва гўё Отсиз ҳижрий 542 йил 12 муҳаррам (милодий 1148 йил 2 июн) султон Санжар ҳузурига келиб, отдан тушмаганмиш ва учрашув жойини биринчи бўлиб тарк этганмиш. Хоразмшоҳнинг бу «беодоблигидан» султоннинг жаҳли чиққан бўлса ҳам уни кечирганмиш[9]. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлган бўлса, нима учун султон Санжар дарҳол Отсизни асир қилишни буюрмади?

Аслида аҳвол қандай бўлганлигини «Тарихи элчи Низомшоҳ»дан билиш мумкин. Бу манбада келтиришича, Отсиз дарёнинг қарама-қарши соҳилида султон қаршисида отдан тушиб, ерни ўпиши керак бўлган. Хоразмшоҳ шарт бўлган жойга келиб, отдан тушмайди ва бир оздан сўнг Гурганчга қайтади[10].

Хуршоҳ ибн Қубоднинг асарида расмий манбаларга номослик ҳам мавжуд. Чунончи, ҳозиргача маълум бўлган маълумотларга кўра, жумладан, Зиё Буниёдов асари ва у фойдаланган манбаларда хоразмшоҳ Отсиз вафотидан сўнг 1156 йили тахтга унинг ўғли Эл Арислон ўтириб, 1172 йилгача, яъни ўн олти йил ҳукм сурган дейилган[11]. Бироқ бизнинг манба бу муддатни фақат олти йил деб кўрсатган ва Эл Арислон шоҳлиги даврини жуда қисқа баён қилган[12]. Шундай бўлса ҳам бу манбада бошқа манбаларда келтирилмаган қимматли хабар — Эл Арислоннинг ўз укаси Сулаймоншоҳ билан тахт учун кураши ҳақидаги хабар келтирилган[13].

Ундан ташқари хоразмшоҳнинг Нишопур ҳокими Муайййд Ой-Оба билан кураши ҳам бу асарда бошқача талқин қилинган. З. Буниёдов ва у фойдаланган манбалар талқинида Муайййд Ой-Обанинг 1162 йили Нишопурни ишғол қилинишини Озарбайжон отабеги Эл Денгиз қўллаб, бу ишни салжуқий султонга манзур бўлган қонуний иш қилиб кўрсатилган. Хуршоҳ ибн Қубод эса Муайййд Ой-Оба салжуқийларга қарши исён кўтариб, Нишопурни олгани ва хоразмшоҳ

[8] Буниёдов З. Ўша асар, 28-бет.
[9] Ўша асар, 29-бет.
[10] Тарихи элчи Низомшоҳ. 195 а-бет.
[11] Босворт К. Э. Мусульманские династии. С. 155.
[12] Тарихи элчи Низомшоҳ, 195 б-бет.
[13] Ўша асар, 195 а-бет.

султонга хайрихоҳлик жиҳатидан Муайийд Ой-Обани бостириб, қонуний иш қилганлигини исботлаган.

Хуршоҳ ибн Қубод ўз асарида Хоразмшоҳ Алоуддин Такаш салтанатини баён қилишда ҳам бошқа манбалардан бир оз фарқ қилади. Муаллиф Эл Арислон вафотидан кейинги даврнинг бошига бағишланган бўлимини «Зикри ҳукумати Султоншоҳ ибн Эл Арислон ибн Отсиз» («Султоншоҳ ибн Эл Арислон ибн Отсиз ҳукумати ҳақида») деб атайди. З. Буниёдов фойдаланган манбаларига асосланиб, «Эл Арислон вафоти арафасида унинг катта ўғли Такаш Жанд вилоятида Хоразмшоҳ валийси бўлиб турган эди. Эл Арислон шу туфайли ўлими олдидан кенжа ўғли Султоншоҳни валиаҳд қилиб тайинлайди. Аммо, давлат ва ҳарбий ишларга унинг онаси Туркон хотун бош-қош эди»[14], деб ёзган. Баён давомида айтилишича, Султоншоҳ хоразмшоҳлар тахтига ўтиргач, Жандга чопарларни юбориб, пойтахтга келиб, Хоразмшоҳга содиқликка қасамёд қилишни буюргани ва Такаш укасининг ҳокимлигини тан олмаганлиги айтилган. Бундай талқин манбаларни таҳлил қилинса, бир оз шубҳа туғдиради. Аслида Жанд хоразмшоҳларнинг давлати ҳудудидаги таянч нуқта бўлиб, у ердаги ноиблик хоразмшоҳлик тахтига ворисликни билдирарди. Отсиз ҳам, Эл Арислон ҳам тахтга ўтиришдан аввал Жандда валийлик мансабида бўлганлар. Султоншоҳ эса Нишопурда ноиблик қилган бўлиб, бу шаҳар аҳамияти жиҳатидан Жанддан кейинги ўринда турарди. Ундан ташқари Хуросон шаҳарларидан Марв ҳам Нишопурдан мавқелироқ эди. Бу муаммога Хуршоҳ ибн Қубод ўз асарида аниқлик киритади. Унинг ёзишича, Эл Арислон Султоншоҳни ворис қилиб тайинламаган, балки «Умаро ва аъён ўзаро иттифоқ қилиб (Такашнинг) укаси Султоншоҳни тахтга ўтқазганлар» («Умаро ва аъён иттифоқ намуда бародари кучектари Султоншоҳро дар тахти навбат нишониданд»)[15]. Шундан сўнг «Такашхон мерос талаб қилиб Жанддан келди» («Такашхон аз Жанд ба-талаби мерос омад»)[16].

Шуниси диққатга сазоворки, манбаларда Султоншоҳ тахтга ўтирганидан сўнг уни атрофидагилар табриклагани ва шоирлар бунга атаб мадҳлар ёки қасидалар ёзгани ҳақида маълумот йўқ. Аксинча, Такаш қорахитойлар ёрдамида Султоншоҳни енгиб, Гурганчдан ҳайдагани ва тахтга ўтирганидан сўнг «Уламо ва фузало табрик расму одатини жойига қўйдилар. Шоирлар қасидалар ва ғазаллар битдилар. Ҳатто саксонга кириб, қариб кексайган машҳур Рашидиддин Вотвот ўзини замбилда кўтариб, Такашхон қаршисига олиб чиқишларини сўрайди ва хоразмшоҳни табриклаб икки байт айтди»[17].

Хоразмшоҳ Такаш исмоилийларга катта зарба берганини бошқа манбалар қаторида «Тарихи элчи Низомшоҳ» асарида ҳам қайд қилади. Бироқ бу ишнинг охирига етказилмаганлигининг бошқа сабабини кўрсатади. З. Буниёдовнинг манбаларига кўра исмоилийларнинг

---

[14] Буниёдов З. Ўша асар, 52-бет.
[15] Тарихи элчи Низомшоҳ. 195 б-бет.
[16] Ўша ерда.
[17] Ўша ерда.

асосий қалъаси Туршизни катта лашкар билан қамал қилиб турган шаҳзода Алоуддин Муҳаммад 100 минг динор эвазига қамалдагилар билан сулҳ тузади. З. Буниёдов уни сулҳ тузишга отасининг касаллиги ҳақидаги хабар сабаб бўлгандир, деб тахмин қилади. «Тарихи элчи Низомшоҳ» бу ҳақда аниқ хабар беради. Унга кўра, ҳижрий 596 йил рамазон/1200 йил июн ойида Алоуддин Муҳаммад отасининг вафоти ҳақида хабар олади ва сулҳ тузиб, юртига қайтади[18].

Хоразмшоҳ Султон Алоуддин Муҳаммаднинг подшоҳлик йиллари тавсифида «Тарихи элчи Низомшоҳ» З. Буниёдов маълумотларига қатор аниқликлар киритади. Аввало, бу тарихий шахсларнинг исмларига тааллуқлидир. Шулардан бири Туркон хотун исмидир. Маълумки, хоразмшоҳлар тарихида икки аёл шу исмда бўлган, бири хоразмшоҳ Эл Арислоннинг хотини ва ўғли Султоншоҳнинг онаси эди; иккинчиси хоразмшоҳ Такашнинг хотини ва Алоуддин Муҳаммаднинг онаси эди. Бу иккала аёл исмини ҳам З. Буниёдов Теркен деб ўқийди ва «теркен» сўзи «зийрак, тергак» маъносида қўлланилганини айтади. Бироқ, манбада исм араб имлосида «то-ро-коф-алиф-нун» ҳарфлари билан берилган ва бу ёзилиш фақат «туркон» деб ўқилишини тақозо қилади. Бундай исм қўйилишининг боиси ҳам бор. Салжуқ султонларидан иккисининг хотини ҳам Туркон хотун деб аталган ва бу исм «бутун туркларнинг онаси, маликаси» маъносини билдирган. Шу анъанага кўра хоразмшоҳлар ҳам буюкликка эришгач, хотинлари салжуқийлар анъанасига кўра шундай ном олганлари ажаб эмас. «Теркен» исми эса манбага, демак, ҳақиқатга хилофдир.

Иккинчиси, Жалолиддин Манкбурнининг исмига алоқадор. Бу исмнинг иккинчи қисмининг тўғри ўқилиши «Макбурни» эканлигини З. Буниёдов исботлаган эди. Бизнинг манбада бу исм бир неча марта учратилади ва ҳаммасида ҳам араб имлосида «мим-йа-нун-коф-ба-ра-нун-йа» шаклида ёзилган[19]. Демак, исмнинг тўғрироқ ўқилиши Менгбурни бўлиши керак. Ҳақиқатан ҳам бу ҳолда исм «бурнидаги ҳол» маъносини билдиради. Мангуберди исми эса халқ этимологияси бўлиб, у ҳақиқатга зид ва мусулмонлар учун хос эмас, ундан ташқари Оллоҳ (Худо, Тангри) исмининг Мангу деган туркий синоними бўлмаган.

«Тарихи элчи Низомшоҳ» асарида хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад билан Чингизхон орасидаги муносабатларни ёритиши диққатга сазовордир. Хуршоҳ ибн Қубод талқинида Аҳмад Хўжандий бошчилигидаги савдогарлар 1218 йили Чингизхон ҳузурига хоразмшоҳ томонидан юборилмаган, балки унинг ўзи мўғулларда Мовароуннаҳр матолари қиммат баҳоланишини эшитиб борган. Аҳмад Хўжандий Чингизхонга бир динорли нарсани ўн динор деб айтган. Шунда Чингизхон ғазабланиб, «Бу киши инсофсиз экан, биз умримизда кийим киймаганмиз деб ўйлайдими? Унга хазинамиздаги хитойу чин матоларини кўрсат!»[20], деб хазинадорига ишорат қилади. Аҳмад бой қимматбаҳо хитой матоларини кўриб, лол бўлади ва бошқа гапирмайди.

---

[18] Ўша асар, 196 б-бет.
[19] Ўша асар, 200 б-бет.
[20] Ўша асар, 199 а-бет.

Шундан сўнг Чингизхон Аҳмаднинг ҳамроҳларидан уларнинг матоларининг ҳақиқий қийматларини сўраганида, воқеадан хабардор бўлган савдогарлар усталик билан жавоб бериб, «Бу матолар баҳосиз, биз уларни сенга ҳадя учун келтирганбиз» дейдилар. Бундан сўнг Чингизхон бу савдогарларга ўз матоларини ва одамларини қўшиб хоразмшоҳ ҳузурига юборади.

Мазкур йилдаги (1218 й.) хоразмшоҳ қўшинлари Чингизхоннинг катта ўғли Жўчихоннинг қўшинлари билан Тўрғай яқинидаги чўлдаги тўқнашувига Хуршоҳ бир оз аниқлик киритади. Маълумки, ўша йили хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад 60 минг кишилик қўшин билан Самарқанддан чиқиб, Жанд орқали Тўрғай чўлига киради ва у ерда Жўчи аскарларининг меркитларни қирганининг асоратини кўради. Тирик қолган бир ярадор меркитдан бўлган воқеани сўраб билади[21]. Хуршоҳнинг талқинида ўша кезлар хоразмшоҳ бир неча кун давомида майхўрлик билан машғул бўлиб, Нишопурдан Бухоро ва Самарқандга ва ундан ҳам бир неча манзил шимолга ўтади. Шу пайт Чингизхоннинг нўйонларидан бири Тўқа Нўқай ўз лашкари, қавми ва қабилалари билан қочиб, қанқли туркларнинг ҳузурига Сирдарёнинг куйи оқимидаги Жанд тарафига келади. Хоразмшоҳнинг айғоқчилари бу воқеадан уни хабардор қиладилар. Хоразмшоҳ у билан тўқнашиш мақсадида тезда Жанд тарафига келади. Бу орада унинг айғоқчилари «Чингизхон Тўқа Нўқайнинг орқасидан аскар билан ўз ўғли Жўчини юборипти», деган хабар келтирадилар. Шунда хоразмшоҳ бир оз тўхтаб, Самарқанддан қолган қўшинларининг етиб келишини кутади. Шундан сўнг юришни давом эттириб, Жанддан ўтади ва кенг чўлга чиқиб, у ерда қирғин жанг бўлганлигининг аломатларини кўради: чўлда кўп ўлик ётган эди. Тирик қолган бир неча ярадорлардан Жўчихон етиб келиб, Тўқа Нўқайнинг одамлари билан жанг қилиб, уларни қиргани ва Тўқанинг ўзини асир қилиб олиб кетганини эшитади. Хоразмшоҳ 80 минг кишилик лашкари билан юришни тезда давом эттириб, ўша куни кечки пайтда Жўчининг ўрдусига етиб олади ва ўзи ҳам ўша ерда тўхтайди. Эртаси эрталаб хоразмшоҳ лашкарларини саф тортиб, жангга ҳозирланиб туради. Буни кўрган Жўчихон бир одамини хоразмшоҳнинг ҳузурига юбориб, «Лашкарингни саф тузганингдан жангга майлинг борлиги кўринади. Лекин мен сен билан жанг қилишга отамдан рухсат олмаганман», деган хабарни етказади. Бу орада «мўғул аскарлари султоннинг маст ва мағрурлигини кўриб, уларнинг жасоратлари устун келиб, султон лашкарининг қалбига хамла қиладилар ва биринчи ҳамладаёқ унга шикаст етказадилар. Улар султонни асир қилишларига оз қолганида султон Жалолиддин Менгбурни отасининг аҳволи оғирлигини кўриб, дарҳол ўнг қанотдаги ўз жойидан қалбга ёрдамга келади.

Душман устидан ғалаба қилиб, отасини уларнинг қўлидан халос қилади»[22]. Жанг ўша куни кечгача давом этади. Қоронғу тушиши билан ҳар икки лашкар сўз ўрдусига қайтади. Жўчихон жангни давом эттириш ўз фойдасига бўлмаслигини сезди шекилли, ўша кеча ўрду-

---

[21] Бунийдов З. Ўша асар, 68-бет.
[22] Тарихи элчи Низомшоҳ. 199 б—200 а-бетлар.

сини йиғиб отасининг ҳузурига кетади ва бориб, бўлган воқеани, Жалолиддиннинг шиддати ва жасоратини айтади. Буни эшитиб, «Чингизхон ғазабининг оташи аввалгидан ҳам кучаяди»[23].

Аммо бу воқеадан сўнг хоразмшоҳ султон Алоуддин Муҳаммаднинг ичига қўрқув ва ваҳима тушиб қолади. Шуниси диққатга сазоворки, бу воқеадан сўнг хоразмшоҳнинг мунажжимлари ўша йил учун таҳвил ечиб, бахт «авлодлар»дан соқит, нахс-«нозир»да, толиъ даражасининг йўналиши ва «ўнинчи уй» зулмат даражасига етади; давлат ишларида йирик ишларга қўл урмаслик ва айниқса қарама-қаршилик ва жанг ишларига қўл урмасликни тавсия қиладилар. Улар бу билан султоннинг паришонхотирлигини янада кучайтирадилар. Манбада айтилишича, мунажжимларнинг бу ҳукмидан сўнг хоразмшоҳнинг қўли ҳам, дили ҳам жангдан тортилади ва дилида қочишга майл пайдо бўлади. У мамлакатни ҳимоя қилишга берилган кўп яхши маслаҳатларни қабул қилмай, 400 минг кишилик лашкарини шаҳарлар бўйлаб тақсимлайди. Шулардан 60 минг кишини Ўтроргa, 30 мингни Бухорога, 110 мингни Самарқандга ва 60 минг кишини шу икки шаҳар атрофидаги қалъалар ва ҳисорларга тақсимлайди. Ўзи эса 140 минг аскар билан Хуросон тарафига йўл олади. Самарқанддан ўтаётиб, шаҳар ҳандақининг бўйида бир соатча туради ва бир оҳ тортиб, «Душман сипоҳийларининг сони менинг назаримда шу қадар кўпки, агар улар барчаси қамчиларини бу ҳандаққа ташласалар, у тўлиб қолади» дейди ва бу билан шаҳар ҳимоячиларининг ва аскарларининг руҳини анча туширади. Унинг кўнглидаги ваҳима кундан-кунга ортиб борарди, ҳар учраган кишидан у «Нима маслаҳат берасиз?»[24], деб сўрарди. Султоннинг бундай таҳликага тушиб қолишининг оқибати нима бўлганлиги тарихдан маълум.

Биз юқорида келтирган мулоҳазалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хуршоҳ ибн Қубоднинг «Тарихи элчи Низомшоҳ» асари ўзининг баъзи нуқсонларидан мустасно Ануштегиний Хоразмшоҳлар тарихини тўлиқроқ тавсифлашда дастак бўла олади. Шунинг учун ҳам у ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим манбадир.

---

[23] Ўша ерда.
[24] Ўша асар, 200 б-бет.

*М. Хамдамова*

## *«ТАРИХ-И ЭЛЧИ НИЗАМШАХ» О ГОСУДАРСТВЕ ХОРЕЗМШАХОВ АНУШТЕГИНИДОВ*

*В статье исследуется раздел сочинения «Тарих-и элчи Низамшах» Хуршаха ибн Кубада (XVI в.), посвященного истории государства хорезмшахов Ануштегинидов. Данный источник ранее не был исследован в государствах СНГ. В разделе, освещающем историю хорезмшахов Ануштегинидов, содержатся сведения, значительно дополняющие и конкретизирующие материал, известный по публикациям З. М. Буниятова, в частности по его книге «Государство хорезмшахов Ануштегинидов». На основе данного исследования по-иному раскрывается характер взаимоотношений между Сельджукидами и Хорезмшахами, что повышает ценность данного источника в деле изучения истории узбекской государственности.*

Ўзбек

O'ZBEKISTON TARIXI

2002 1-son

*M. Hamdamova*

*OF THE ARTICLE «TARIKH-I ELCHI NIZAMSHAH» ON ANUSHTEGINID KHOREZMSHAH'S STATE»*

*In the article investigates part of the work «Tarikh-i elchi Nizamshah» of Khurshah's State. This work has not been investigated before in countries of CIS. In its part of Anushteginid Khorshah's history there are taking information's more complemented and precised facts which are known by the publications of Z. M. Buniyatov, specifically brined in his book «The Anushteginid Khorezmshah's State». They in other way exposes the character of relations between Selrgukids and Khorezmshah's. This quality of the work makes him as expensive source by the history of Uzbek statehood.*

*Ж. Ибодов*

# ҚУТБИДДИН ШЕРОЗИЙНИНГ «ДУБОЖ САЛТАНАТИ ТОЖИ МАРВАРИДИ» («ДУРРА АТ-ТАЖ ЛИ ҒУРРА АД-ДУБАЖ») ҚОМУСИ ҲАҚИДА

«Энциклопедия» атамаси юнонча evcyclos лαjdeiα (энкиклос пайдея) сўзларидан олинган бўлиб, «билимлар чегарасидаги фанларнинг барчасидан таълим бериш» маъносини англатади. Ўрта асрлар Шарқи, шу жумладан, Марказий Осиёда ёзилган қомуслар икки турга бўлинади.

1. Универсал қомуслар илм-фаннинг ва инсоният амалий фаолиятининг барча соҳалари бўйича маълумот беради. Масалан, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг (X аср) «Илмлар калити» («Мафатиҳ ал-улум») рисоласи.

2. Тармоқ қомусларда фақат битта фан ёки инсоният амалий фаолиятига оид билимлар бор. Масалан, Жамшид Ғиёсиддин ал-Кошийнинг (вафоти 1429 йил) «Ҳисоб калити» («Мифтаҳ ал-ҳисаб») асари.

Ўз тузилиши жиҳатидан энциклопедиялар алфавитли ва тизимли бўлади.

Қутбиддин Маҳмуд ибн Масъуд ибн Муслих Шерозий (1236—1311) Шерозда туғилди, отаси Масъуд Қазарунийдан тиббиёт ва қонуншуносликни ўрганди. Кейин Мароға шаҳри (ҳозирги Озарбайжон Республикаси ҳудуди)да машҳур қомусчи олим Насириддин Тусий (1201—1274)дан риёзиёт, фалакиёт ва фалсафани ўрганди. Маълумки, бу даврда Мароғада расадхона қурилган бўлиб, Насириддин Тусий раҳбарлигидаги илмий мактаб бор эди. Йирик олим сифатида танилган Қутбиддин Шерозий шимоли-ғарбий Эроннинг турли шаҳарларида, сўнгра Табриз шаҳрида Ғазанхон ва Улжайту саройида ишлади. Бу ерда расадхона ва илмий мактабга асос солди, ўзи эса қомусчи олим даражасига кўтарилди. Қутбиддин Шерозий 40 дан ортиқ асарлар ёзди, бизгача эса 11 таси етиб келди, шу жумладан, қомуслар 2 та, риёзиётдан 2 та, фалакиётдан 6 та, фалсафадан 1 та.

Қутбиддин Шерозий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни Абул-Фида, Қ. Брокельман, Э. Видеман, Г. Зутер, И. Ю. Крачковский, Х. Р. Музаффарова, Абу Наср, Ж. Сартон, Ф. Сезгин, Ф. Стори, Ту-

кан, Хожи Халифа, М. Шарипова, Г. П. Матвиевская[1], Ж. Х. Ибодов[2] ва бошқалар ўз асарларида ёзишган.

Бизгача етиб келган рисолалар ичида универсал қомус бўлган «Дубож салтанати тожи марвариди» («Дурра ат-таж ли ғурра ад-Дубаж») рисоласи алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг қўлёзмалари жаҳоннинг турли шаҳарлари кутубхоналарида сақланмоқда, лекин Теҳрон (15 та рисола), Санкт-Петербург (964), Душанбе (1893/1) ва Тошкент (816)даги қўлёзмалар тўлиқдир чунки биз уларни солиштириш асосида шу хулосага келдик.

Абу Райҳон Беруний номли ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 816-рақамли рисола 306-бет бўлиб, у форс тилида ёзилган. Асар Филшоҳ ибн Рустамшоҳнинг ўғли амир Дубожга бағишланган. Бу рисола 5 қисм ва хотимадан иборат: 1) мантиқ (7 та боб); 2) «биринчи фалсафа» (2 та боб); 3) табиий фанлар (2 та боб); 4) риёзиёт фанлари (6 та боб); 5) метафизика (2 та боб); 6) хотима (4 та боб).

Риёзиёт фанлари 77—190-бетларда қуйидагича баён қилинган: 1. Сонлар назарияси; 2. Планиметрия; 3. Стереометрия; 4. Фалакиёт; 5. Тригонометрия; 6. Мусиқа. Планиметрия, стереометрия, фалакиёт ва тригонометрияга доир 30 дан ортиқ теоремалар исботланган. Рисолада 671 та ҳандасага оид чизмалар бор, улар қизил рангдаги сиёҳда аниқ чизилган, бундан ташқари, 48 та жадваллар ҳам тартиб билан тушунарли тарзда қора рангли сиёҳда ёзилган.

Биз сонлар назарияси ва планиметрияга оид бобларни шарҳлар билан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилдик. Унинг қисқача мазмунини келтирамиз.

Қутбиддин Шерозийнинг ушбу рисоласидаги «Сонларнинг хоссалари («ҳавоси адад») боби тўрт фаслдан иборат.

Биринчи фаслда натурал сонлар тўпламидан қуйидагилари ажратилган:

1. Жуфт сонлар 2 та қолдиқсиз бўлинади.

2. Тоқ сонларни 2 га бўлганда охирида қолдиқ бирга тенг.

3. Мураккаб сонлар фақат ўзидан ва бирдан ташқари яна ҳеч бўлмаганда, яна бошқа биронта сонга бўлинади.

4. Мукаммал сон деб ўзидан ташқари бўлувчилари йиғиндиси шу сонга тенг бўлганига айтилади. Масалан, 6,28 ва ҳоказо.

5. Дўстлашган сонлар деб шундай икки сонга айтиладики, биринчисининг ўзидан ташқари бўлувчилари йиғиндиси иккинчисига тенг ва аксинча, масалан, 220 ва 284.

6. Етишмовчи сонларда бўлувчилари йиғиндиси ўзидан кичик бўлади, масалан, 9.

---

[1] Матвиевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII—XVII вв.). Т. 2. М.: Наука, 1983. С. 427.

[2] Ибадов Д. Х. Классификация физико-математических наук в средневековых энциклопедиях Абу Абадаллаха ал-Хорезми, Фахр ад-Дина ар-Рази, Кутб ад-Дина аш-Ширази и Баха ад-Дина ал-Амили//Тезисы XXXIV научной конференции аспирантов и молодых специалистов Института истории, естествознания и техники РАН. М., 1992. С. 35—36.

7. Ортиқча сонларда унинг бўлувчилари йиғиндиси ўзидан ортиқдир, масалан, 12.

8. Иккинчи фаслда 12 та муносабатдан иборат қоидалар келтирилган.

Учинчи фаслда кўпбурчак томонлари билан боғлиқ тўрт хил сонлар гуруҳи баён қилинган.

Планиметрияга оид бобда Евклиднинг «Негизлар» асаридаги 1—6 боблар таржимаси ва шарҳлар берилган. Бунда ўндан ортиқ тузатишлар ва янгиликлар киритилган.

Шундай қилиб, қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Рисоладаги 30 дан ортиқ теореманинг исботланиши, унинг илмий салоҳияти юқори эканлигини кўрсатади, чунки X—XVIII асрларда Шарқда ёзилган универсал қомусларда теоремалар исботига кам эътибор берилган, улар фақат қоидалар кўринишида ёзилган.

2. Асарда Евклиднинг (мил. авв. III аср) «Негизлар» номли тармоқ қомусидаги бир қатор камчиликлар тузатилган.

3. Қутбиддин Шерозийнинг бу қомусидан фақат олимлар эмас, балки амалий фаолият билан шуғулланувчи кишилар, масалан, қурувчилар, савдогарлар, қозилар, ер майдонларини ўлчовчилар, мерос тақсимловчилар ва бошқалар фойдаланганлар.

*Дж. Х. Ибадов*

*ОБ ЭНЦИКЛОПЕДИИ «ЖЕМЧУЖИНА КОРОНЫ ДЛЯ УКРАШЕНИЯ ДУБАДЖА» ҚУТБ АД-ДИНА АШ-ШИРАЗИ*

***В статье приведена классификация наук в энциклопедии аш-Ширази. На основе комментированного перевода с персидского языка на русский дается описание глав по теории чисел и геометрии.***

*I. H. Ibadov*

*ABOUT ENCYCLOPAEDIA «DURRA AT-TOJLI QURRA AG-DUBAG» OF QUTB AD-DIN ASH-SHIRAZI*

***This article describes classification of science. On baze commentare translat on persian into russian descriebe the chapters on theory of number and geometrie.***

*Этнология масалалари*

*У. Абдуллаев*

# ЭТНОЛОГИЯНИНГ БАЪЗИ БИР НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

*(Этнос назарияси билан боғлиқ қарашлар таҳлили)*

Маълумки, ҳар қандай фан соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар назарий асосларга таянмоғи керак. Хусусан, этнография (этнология) фанида ҳам қатор назарий масалалар борки, албатта буларни яхши билмасдан туриб тадқиқотчи тўғри, объектив хулоса чиқариши мушкул.

Элшуносликка оид йиғилган материалларни назарий асосга қўймаслик кўп ҳолларда тадқиқотни фақат фактлар фиксациясидан яъни материалларни баён этишдан иборатгина қилиб қўяди.

Этнография (этнология)нинг асосий назарий масаласи бу этнос назариясидир. Зеро, фаннинг бош тадқиқот объекти ҳам этноснинг ўзидир.

Элшунослик фанининг тадқиқот объекти бўлмиш этнос билан боғлиқ назариянинг ўтмиши ва ҳозирги ҳолати қандай? Этнос назарияси қандай ривожланиш босқичларини босиб ўтди? Умуман, этнос назариясига оид қандай илмий қарашлар назариётчилар томонидан илгари сурилган? Шу ва шу каби масалалар ҳақида мазкур мақола доирасида баҳоли қудрат фикр юритиш муаллифнинг асосий мақсадидир.

Сўзимизнинг аввалиданоқ айтиб ўтайлик, ушбу мақолада эътиборингизни собиқ Иттифоқ олимлари томонидан илгари сурилган этносга доир тушунчаларга қаратамиз. Ғарбий европалик ҳамкасбларнинг бу масала хусусидаги қарашларини таҳлил этиш шубҳасиз, алоҳида яна бир мақола учун мавзу бўла олади ва шу сабаб Ғарбий Европа олимларининг этнос назариясига оид илмий қарашлари ҳақида бу ерда алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз. Фақат Ғарбий Европа тадқиқотчилари орасида ҳам этносни таърифлаш ва умуман, этнос назариясига доир турли-туман, гоҳо қарама-қарши концепциялар мавжуд эканлигини таъкидлаб қўямиз, холос[1].

Қолаверса, адолат билан айтиш керакки, бу соҳада собиқ Иттифоқ олимлари яхшигина ютуқларга эришдилар ҳам ва ўз даврида

---

[1] Бу ҳақида қаранг: Naroll D. On Ethnie Unit Classification-Current Anthropology, 1964. Vol. 5. № 4; Ethnic groups and boundaries. The Social Organization of Culture Difference/Ed. by Barth F. Bergen, 1970; Berghe P. L. von den. Race and Ethnicity: A. Sociobiological Perspective//Ethnic and Racial Studies, 1978. V. 1. P. 401—411; Vos G. de. Ethnic Pluralism. Conflict and Accommodation//Ethnic Identity: Cultural. Continuities and Change. Chicago; London, 1982; Smith A. D. Ethnic Nationalism//The Blackwell Encyclopaedia of Political Science. Oxford; Cambridge, 1992. P. 208.

хорижлик мутахассис ҳамкасблари томонидан уларнинг илмий қарашлари муносиб даражада юксак баҳоланган эди.

Кўпчиликка маълумки, этнос билан боғлиқ назарий масалалар атрофидаги баҳс-мунозаралар ўтган асрнинг иккинчи ярмида авж олиб кетди. Бу баҳс-мунозаралар саҳнасига С. П. Толстов, П. И. Кушнер (Книшев), С. А. Токарев, Н. Н. Чебоксаров, В. И. Козлов, Ю. В. Бромлей, В. А. Тишков, С. В. Чешко каби назариётчи олимлар ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан чиқдилар.

Юқорида исм-шарифлари санаб ўтилган назариётчи олимлар томонидан ишлаб чиқилган назарий қарашлар билан этнос назариясининг тарихи бошланди, деб айтиш ҳам унчалик тўғри бўлмаса керак. Чунки, этнос ва унинг турланиши ва таърифланиши хусусидаги баъзи бир фикрлар анча аввал ҳам билдирилган эди.

Дарвоқе, рус этнографиясида этнос тушунчасини илк бор таърифлаш XX асрнинг 20-йилларида юз берди. Аниқроғи, 1923 йилда Хитойнинг Шанхай вилоятида яшовчи рус эмигрант олими С. М. Широкогоров ўзининг «Этнос: исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений» деб номланувчи мақоласида илк бор этнос тушунчасига таъриф беради. Унинг таърифича, этнос бу бир тилда сўзлашувчи, келиб чиқиши бир эканлигини тан олувчи, урф-одатлар мажмуаси ҳамда умумий турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир[2].

Ушбу таърифга қадар Россия этнографиясида этнос тушунчасига берилган яхлит бир таърифни йўқлигини ҳисобга олсак С. М. Широкогоров ҳақли равишда этнос назариясига оид илмий қарашларни баён этган биринчи тадқиқотчилардан ҳисобланади.

С. М. Широкогоров концепциясининг эътиборли томони шундаки, этносга берилган мазкур таъриф 1960—1980 йиллардаги таърифга кўп жиҳатлари билан мос тушади. Бироқ, негадир узоқ йиллар мобайнида С. М. Широкогоров мақоласида этносни таърифланишига доир олға сурилган концепция рус назариётчи олимлари эътиборидан четда қолиб келди. Балки, бунга мақолани хорижда ёзилганлиги, ундаги концепция иттифоқ этнос назариясининг методологик асосларига мос келмаслиги сабаб бўлгандир. Бу бизга қоронғи. Лекин, ҳар ҳолда кейинчалик ушбу концепция Ю. В. Бромлей назарига тушди ва шубҳасиз, мазкур концепция этнос назариясининг шаклланиши жараёнига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан эътиборан этносга доир назарий қарашларда янги босқич бошланди. 1951 йилда П. И. Кушнер (Книшев) томонидан нашр этилган «Этнические территории и этнические границы» номли асар назарий этнографияни ривожланишида сезиларли туртки бўлди. Муаллиф ўз асарида биринчилардан бўлиб этник бирлик учун хос бўлган аломатлар ҳақидаги масалани ўртага ташлади ва

---

[2] *Қаранг:* Широкогоров С. М. Этнос: исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений//Изв. восточного факультета Дальневосточного университета. XVIII. Т. 1. Шанхай. 1923. С. 13.

у ҳар қандай этносни белгилаб турувчи асосий аломат сифатида тил ва маданиятни кўрсатиб ўтди[3].

60-йилларнинг ўрталарига келиб эса этнографиянинг назарий масалаларини тадқиқ этиш янада ривожланди. Ушбу ривожланиш аввало кўзга кўринган этнограф олим С. А. Токарев номи ва унинг назарий қарашлари билан боғлиқ бўлди.

Таниқли олим С. А. Токаревнинг 1964 йилда нашр этилган «Проблемы типов этнических общностей...» номли мақоласи этноснинг тарихий турлари ҳақидаги мунозарани бошлаб берди.

С. А. Токаревнинг этносни умумий таърифланиши хусусидаги позициясининг ўзига хос жиҳати шунда эдики, у «миллатни шаклланиш жараёнида ҳудуд, тил, иқтисод, маданият бирлиги, психологик ўзига хослилик каби аломатларни бир вақтда барчаси иштирок этиши шартлиги, акс ҳолда миллатни белгилаб бўлмаслиги» ҳақидаги ғояга қарши чиқди. Унинг ўзи юқоридаги аломатлардан бири ёки бир нечтаси ҳосил бўлганда ҳам этник бирлик шаклланиб боради деб кўрсатади[4].

Шу ерда биз, ўзбек халқи этник тарихининг билимдони Қ. Ш. Шониёзов томонидан ҳам ўз вақтида шунга ўхшаш фикр билдирилганлигига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Қ. Ш. Шониёзов ўзининг «Ўзбек халқининг этногенезига доир баъзи назарий масалалар» номли мақоласида «Албатта, бу аломатлар этноснинг шаклланиши жараёнига иштирок этиши керак бўлган. Аммо, амалда эса бу аломатларнинг барчаси элатнинг шаклланаётган кезларида муайян бир вақтда ҳозир бўлиши ёки бу даврда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлмаган. Этник аломатларнинг бири, балки бир нечтаси бир вақтда ҳосил бўлса, бошқаси эса кейинроқ пайдо бўлиши мумкин»[5] деб ёзган эди бу хусусида.

Шуни ҳам айтиш керакки, С. А. Токарев этник бирликка таъриф беришда янада олға бориб, биринчи бор насл-насаб ва диний муштараклик каби аломатларни ҳам инобатга олди[6]. Айни вақтда этник ўз-ўзини англашдек этносни белгиловчи муҳим аломат унинг назаридан ҳам четда қолаётган эди. 1967 йилда «Советская этнография» журналида бошқа бир назариётчи олим Н. Н. Чебоксаровнинг «Проблемы типологизации этнических общностей в трудах советских ученых» номли мақоласи пайдо бўлди. Этник бирликнинг тарихий турлари борасидаги мунозараларга қўшилган. Н. Н. Чебоксаров ҳам ушбу мақоласида «қабила-элат-миллат» концепциясида илгари сурилган баъзи бир фикрларга қарши чиқди[7].

---

[3] *Қаранг:* Кушнер (Кнышев) П. И. Этнические территории и этнические границы//Тр. Ин-та этнографии АН СССР (Новая серия). Т. 15. М., 1951. С. 5—9.

[4] *Қаранг:* Токарев С. А. Проблемы типов этнических общностей (к методологическим проблемам этнографии)//Вопросы философии. 1964. № 11.

[5] Шониёзов Қ. Ш. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар//ОНУ. 1998. № 6. 33-бет.

[6] Токарев С. П. Кўрсатилган асар.

[7] *Қаранг:* Чебоксаров Н. Н. Проблемы типологизации этнических общностей в трудах советских ученых//СЭ. 1967. № 4.

Этнос назариясини ишлаб чиқишнинг кейинги босқичи В. И. Козлов номи билан боғланади. У ўзининг «О понятии этнической общности» мақоласида этнос хусусидаги шахсий концепциясини таклиф этди.

В. И. Козлов концепциясининг моҳияти шундаки, унда этнос ёки этник бирлик бу аввало ижтимоий бирлик сифатида талқин этилади. Айни вақтда В. И. Козлов этносга хос аломатларни ҳам санаб ўтар экан, этник ўз-ўзини англаш ҳамда ўз этник номига (этнонимига) эга бўлишдек аломатларни асосий аломатлардир деб кўрсатади[8].

Этнос назариясини такомиллашувида Ю. В. Бромлей фаолияти алоҳида ўринга эга. Унинг «Этнос ва этнография», «Современные проблемы этнографии», «Очерки теории этноса» («Человечество — это народы») (Р. Подольский билан ҳаммуаллифликда) каби қатор асарларида этнос назариясига доир мавжуд илмий қарашлар таҳлил қилинди ҳамда ижодий ривожлантирилди[9]. Натижада назарий этнографияда «бромлей концепцияси» деб аталувчи концепция пайдо бўлди. Бу концепция унинг 1983 йилда нашр этилган «Очерки теории этноса» номли монографиясида тўлалигича ўз ифодасини топди[10].

Хўш, Ю. В. Бромлей концепциясининг моҳияти нимада эди? Ушбу концепциянинг характерли жиҳати шундаки, муаллиф этнос тушунчасини бир вақтнинг ўзида ҳам тор маънода, ҳам кенг маънода тушунмоқ керак деган фикрни ўртага ташлади. Ю. В. Бромлей тор маънодаги этнос тушунчасини айни вақтда «этникос», кенг маънодаги этнос тушунчасини эса «этноижтимоий тузилма» деб ҳам атайди. Ю. В. Бромлей фикрича, тор маънодаги этнос ёки этникос бу ўзига хос барқарор маданият (хусусан тил), психика ҳамда этник ўз-ўзини англаш ва ўз этник номига (этнонимига) эга бўлган кишиларнинг тарихан таркиб топган гуруҳидир. Кенг маънодаги этнос ёки этноижтимоий тузилмага таъриф берар экан Ю. В. Бромлей ёзади: «Этник кўринишни ижтимоий-иқтисодий ҳолат билан мустаҳкам алоқадорлигини алоҳида таъкидлаш керак, қайсики улар ўзаро боғлиқдир. Этнос агар ягона (умумий) бир давлат таркибида мавжуд бўлса, ушбу ўзаро алоқадорлик янада муҳимдир. Бу ҳолатда таркиб топаётган ўзига хос тузилма нафақат ҳудудий-сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий умумийликка ҳам эга бўлади»[11].

Ю. В. Бромлей этник бирликни иерархия кўринишида мавжуд бўлишига асосланиб, у ёки бу киши бир вақтнинг ўзида бир неча этник жамоа вакили бўлиши мумкин, деб кўрсатади. 1980—1990 йилларда ҳам кўпчилик иттифоқ назариётчи олимларини этнос назариясига доир фикрлари асосан ўша Ю. В. Бромлей схемасига мос ҳолатда баён этилди. Этнос таърифлашда ҳам аввалги қарашлар ҳукмронлик қилди. Мана, масалан, 1985 йилда чоп этилган Н. Н. Чебок-

---

[8] *Қаранг:* Козлов В. И. О понятии этнической общности//СЭ. 1967. № 2.

[9] *Қаранг:* Бромлей Ю. В. Этнос и этнография. М., 1973; ўша муаллиф: Современные проблемы этнографии. М., 1981; ўша муаллиф: Очерки теории этноса. М., 1983; Бромлей Ю.В., Подольский Р.Г. Человечество — это народы. М., 1990.

[10] *Қаранг:* Бромлей Ю. В. Очерки теории этноса. М., 1983.

[11] Ўша асар, 33—35-бетлар.

саров, И. А. Чебоксароваларнинг «Народы, расы, культуры» асарида «этнос маданият ва тил умумийлигини тан олувчи кишилар гуруҳи»[12], Р. Ф. Итснинг 1991 йилдаги «Введение в этнографию» рисоласида эса «ўзининг келиб чиқишининг бирлигини ва маданият ҳамда тилини муштараклиги билан боғланувчи кишилар гуруҳи»[13] сифатида талқин этилади.

Демак, айтиш мумкинки, Ю. В. Бромлей концепцияси, айниқса унинг «Очерки теории этноса» асарининг пайдо бўлиши амалда этнос назариясини узил-кесил ҳосил бўлганлигини англатди.

Бироқ, айнан шу 1980—1990 йиллар орасида бир неча ўн йиллар мобайнида шакллантирилган «этник бирлик» ҳақидаги тушунчалар баъзи бир тадқикотчилар томонидан танқид остига олина бошлади. Айниқса, Ю. В. Бромлей вафот этгандан кейин (1990 йилда вафот этди) унинг раҳбарлигида собиқ Иттифоқ ФА Этнография институти ходимлари томонидан ишлаб чиқилган этнос назарияси кўплаб олимлар томонидан шубҳа остига олинди. Ушбу илмий қарашлар тизими этнография фанининг методологик асоси бўла олмаслиги, умуман, этнос назарияси «эскириб қолган»лиги ҳақидаги фикрлар пайдо бўлди[14].

Ҳайратланарли ери шундаки, баъзи бир «янги назариётчи»лар «этнос»нинг ўзи ҳам мавҳум тушунча деб айтиш даражасигача бордилар.

Шу ўринда В. А. Тишковнинг этнос ҳақидаги фикрини келтириб ўтаман: «Мен — дейди В. А. Тишков «этнос» атамасини қўлламайман, чунки унинг нима эканлигини билмайман»[15]. Таажжубланасан киши, у ҳолда этнография фани нимани ўрганади (!?), агар унинг тадқиқот предмети бўлмаса?

Шу жойда журъат этиб айтишга тўғри келадики, юқоридаги фикрлар собиқ Иттифок этнос назариётчилари томонидан ҳосил қилинган назария ўрнига бирон-бир янги назарияни таклиф эта олмаслик оқибатида пайдо бўлмаётганмикан?

Ҳар ҳолда этнография (этнология)нинг назарий масалаларига доир сўнгги йилларда билдирилаётган фикр-мулоҳазалар бирон-бир жиддий илмий назарияни мужассамлаштира олмаяпти. Ю. В. Бромлей даврида этносга берилган қуйидаги таъриф эса бизнингча, ҳамон ўз моҳиятини сақлаб қолмоқда. Этнос (этник бирлик) конкрет территория, тил, келиб чиқиш, маданият умумийлиги, ўз-ўзини этник англаш ва ўз этник номига (этнонимига) ҳамда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган кишиларнинг тарихан таркиб топган гуруҳидир.

Ва ниҳоят мақола сўнггида қуйидаги фикрни ҳам айтиб қўйишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Ю. В. Бромлей ва айниқса, ундан кейинги

---

[12] Чебоксаров Н. Н., Чебоксарова И. А. Народы, расы, культуры. М., 1985. С. 29.

[13] Итс Р. Ф. Введение в этнографию. Л., 1991. С. 8.

[14] Бу хусусида қаранг: Рыбаков Е. Е. Судьбы теории этноса. Памяти Ю. В. Бромлея//ЭО. 2001. № 1. С. 3—22.

[15] Взаимодействие политических и национально-этнических конфликтов: Материалы международного симпозиума. 18—20 апреля 1994 г. Ч .1. М., 1994. С. 65.

даврларда этнос назариясига доир қарашлар ва тушунчалар ҳаддан ташқари фалсафийлашиб кетди. Оқибатда, мазкур назарий қарашлар моҳиятини яхши тушуниб олиш учун эндиликда тарихий билимларгагина эга бўлишнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Бу ҳолат этнос назариясини ўрганувчидан айни вақтда фалсафа, социология, психология, антропология ва ҳатто биология каби фанларда қўлланиладиган тушунча ва атамаларни яхши ўзлаштириб олишни тақозо этмоқда.

*У. Абдуллаев*

*НЕКОТОРЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ЭТНОЛОГИИ*
*(анализ воззрений на теорию этноса)*

*В статье подвергаются анализу теоретические концепции этноса, выдвинутые С. П. Толстовым, П. И. Кушнером, С. А. Токаревым, Н. Н. Чебоксаровым, Б. В. Козловым, Ю. В. Бромлеем, В. А. Тишковым, С. В. Чешко и др.*

*Раскрывая данные концепции, автор стремится проследить за динамикой развития научных взглядов, связанных с этносом.*

*U. Abdullaev*

*THEORETICAL PROBLEMS OF ETHNOLOGY*
*(Analysis of some approaches in the theory of ethnos)*

*The article deals with an analysis of the theoretical conceptions of ethnos presented by such famous scholars as Tolstov S. P., Kushner P. I., Tokarev S. A., Cheboksarov N. N., Kozlov B. V., Bromley U. V., Tishkov V. A., Cheshko S. V. and others. Describing these conceptions author shows differences and evolution of scientific approaches to understanding of ethos essence.*

*А. Аширов*

## УЗБЕК ХАЛҚИ МОТАМ МАРОСИМЛАРИДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЗЛАРИ

Инсон ҳаёти ибтидосидан интиҳосигача турли-туман маросимлар билан бурканган. Унинг ёши, маиший ҳаёти ва оилавий ҳолатида бирор бир ўзгариш юз берса, ана шу ўзгаришлар муайян маросимлар воситасида расмийлаштирилган.

Мотам — инсон вафоти муносабати билан ўтказиладиган мунгли маросимдир. Мотам маросимлари жуда кўп расм-русум, одат ва кичик маросимлар мажмуидан ташкил топган. Мотам маросимларидаги маросимий характердаги расм-русум, табулар (тақиқлар), урф-одатлар, бажарилиши лозим ҳисобланган тадбирлар, уларни ўтказиш тарзи республикамизнинг ҳар бир ҳудуди учун ўзига хос кўринишга эга. Ҳозирги кунгача Ўрта Осиё халқларининг мотам маросимлари этнографик йўналишда маълум даражада тадқиқ этилган[1].

[1] *Қаранг:* Бўриев О., Шоймардонов И. Тириклар қалбида мангу//Фан ва турмуш. 1994. № 2. 25-бет; Кармышева Б. Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы//Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. М., 1986. С. 139—181; Насриддинов Қ. Узбек дафн ва таъзия маросимлари. Тошкент: Мерос, 1996.

Шу боис ҳам биз ушбу мақоламизда мотам маросимларига батафсил тўхталмасдан, балки ушбу туркум маросимларда энг кўп сақланиб келаётган қадимий диний эътиқодлар жумладан зардуштийлик дини излари ҳақида мавжуд манба ва адабиётларни таҳлил қилиш билан бирга республикамиз бўйлаб йиққан дала этнографик материалларимизга ўзаро таққослаган ҳолда фикр юритамиз.

Зардуштийликда мураккаб ва ўзига хос мотам маросимлари ишлаб чиқилган[2]. «Авесто»нинг урф-одат ва маросимлари мажмуи ва диний асотирлардан иборат ҳикоятлар битилган «Вендидот» (ёки «Видевдот») қисмида дафн маросимларига оид қизиқарли маълумотлар берилган. Унда таъкидланишича, дафн маросимлари зардуштийларнинг ўта мураккаб ва масъулиятли маросимларидан биридир. Зардуштийлар тасаввурида ўлим — жоннинг танани тарк этишидир[3]. «Авесто»да ёзилишича, инсонлар орасида ўлим қуйидаги ҳолатларда содир бўлиши мумкин:

1) Қасалликдан, 2) Кучдан қолиб, узилишдан, 3) Қашшоқликдан, 4) Қўрқувдан, 5) Ғам-дарддан, 6) Афсунгарликнинг зараридан, 7) Бўри, ит ва бошқа ҳайвонлар таъсиридан[4]. Қазо қилган одамнинг танаси ҳаром ҳисобланган. Шу боис, зардуштийликнинг илк даврида марҳумларни ерга кўмишмаган, оловда ҳам куйдиришмаган, сувга ҳам ташлашмаган. Балки, зардуштийлик анъаналарига мувофиқ ўлимдан сўнг уч кечаю кундуз ўликнинг руҳи нариги дунёга етиб боргунича, махсус хонага қўйилиб, пок нарсалардан маълум масофа узоқликда сақланган. Бунда оловдан, сувдан, барсам дасталаридан уч қадам узоқлаштирилган ва ҳатто яқин қариндошларидан ҳам четлатилган. Зардуштийларнинг дафн маросимларида руҳонийлар ва марҳумнинг қариндошлари уч кеча-кундуз давомида зардуштийларнинг махсус дуоларини ўқиб турганлар. Маросимлар давомида сув ичиш ва овқатланиш ман этилган. Шу боис марҳумларга ўлик хизматчилари — «насасалар»гина тегина олганлар. «Насасалар» — «насв», паҳлавийча — «наса», «нас» сўзларидан келиб чиққан бўлиб ўликка таъсир этувчи дев маъносини билдирган[5]. «Вендидот»да таъкидланишича, кимда-ким ўликка яқин келса ё унга қўл теккизса ёки бир ўзи ўликни дахмага олиб борса, насв дев унинг баданидаги ҳамма тешиклар орқали ичига кириб булғаб чиқади[6]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки халқимиз орасида ишлатиладиган «нас урибди», «нас

---

[2] Анъанавий ва замонавий зардуштийлик мотам маросимларига бағишланган адабиётлар тўғрисида қаранг: Мейтарчиян М. Б. Зороастрийский погребальный обряд (хронологический и локальный варианты). М., 1992; Ўша муаллиф. Погребальный обряд зороастрийцев. М., 1999; Хисматулин А. А., Крюкова В. Ю. Смерть и похоронный обряд в исламе и зороастризме. Спб.: Центр «Петербургское востоковедение», 1997.

[3] Мейтарчиян М. Б. Погребальный обряд иранских зороастрийцев нового времени//Информационный бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 17. М., 1990. С. 12—18.

[4] Маковельский А. О. Авеста. Баку, 1960. С. 126.

[5] Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Тошкент, 2001. 338-бет.

[6] Авесто (А. Маҳкам таржимаси) 114, 132-бетлар.

босган» каби ибораларнинг келиб чиқиши ҳам айнан «Авесто»даги «нас» дев билан боғлиқ бўлса керак.

Зардуштийларнинг мотам маросимларида «насасалар» ва махсус ўргатилган итлар иштирокида «ит кўрув» маросими ҳам ўтказилган. Унга кўра махсус ўргатилган ит мурда оёғи олдига ёхуд у олиб ўтиладиган йўлга қўйилади. Ана шундагина мурдор дев насу у ерни тарк этар экан. Уларнинг тасаввурича итнинг нигоҳи насуни қува олиш қудратига эга бўлган.

«Насаса»лар марҳумни ювиб, кафанлаб қўлларини кўкрагига қўйиб қўйганлар[7]. Уликнинг руҳи нариги дунёга учиб кетганидан сўнг мурда шаҳар, қишлоқ қўрғонларидан четдаги дахмаларига ёки тоғу тошларга чиқариб, очиқ қўйилган. Бу тўғрисида «Вендидот»нинг олтинчи фаргардида анча батафсил маълумот берилган[8]. Мурдаларнинг суяклари қушлар, йиртқич ҳайвонлар томонидан этидан тозалангач, «насасалар» зардуштийларнинг дахмаларига келиб, суякларни махсус хумчалар ёки сополдан ясалган қутисимон идишларга йиғиб, «наус» деб аталувчи махсус мақбарада сақлашган. Йилда икки маротаба баҳорги Наврўз ва кузги Меҳржон байрамларида ота-боболари арвоҳларига атаб, ис чиқариб, садақа ва қурбонликлар қилишган[9].

Халқимизда ҳам жон бераётган кишининг ёнида яқинларидан икки киши ўтирган. Улардан бири жон бераётган киши олдида «Калимаи Шаҳодат»ни айтиб турган бўлса, бошқаси пахтани сувга пишиб олиб, беморнинг оғзини намлаб туради. Шу ўринда бу одат ҳақиқатдан ҳам жон бераётган кишининг чанқоғини қондириш биланми ёки қандайдир бошқа сабаб билан боғлиқми? деган савол туғилади. Этнограф олим Г. П. Снесарев бу хатти-ҳаракатни зардуштийлик дафн маросимлари билан боғлайди. Олимнинг таъкидлашича, зардуштийликда жон бераётган зардуштий доимий равишда ёвуз кучлар тимсоли бўлган Аҳриман таҳдиди остида бўлган. Шу боис жон бераётган зардуштийнинг олдида ёвуз кучларни ҳайдаш учун иккита коҳин бўлиши лозим бўлган. Улардан бири олов олдида дуо ўқиб турган бўлса, иккинчиси оғир ётган одам оғзига тетиклик бағишлаш мақсадида оби ҳаёт (муқаддас Хаомо) шарбатидан ёки анор сувидан томизиб турган[10]. Юқорида таъкидланган фикрдан шундай хулоса келиб чиқадики, жон бераётган кишининг оғзига пахта билан сув томизиб туриш, шунингдек, унинг ёнида албатта кекса ёшли икки кишининг бўлишлиги қадимий зардуштийлик дининиинг изи бўлса керак.

Халқимиз орасида беморнинг ҳолати, айрим ҳаракати ёки шифокорларнинг берган маълумотларидан, беморнинг нон-насибаси ту-

---

[7] A.V.W. Jackon. Persia. Past. and Present. L. 1906. C. 335.

[8] *Қаранг:* Авесто (А. Маҳкам таржимаси). 131-бет.

[9] Сулаймонов Р., Исҳоқов М. Заратуштранинг ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар.//Ўзбекистон тарихи. 1999. № 1. 46-бет.

[10] Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. С. 132. Биз айнан шунга ўхшаш маросимни замонавий зардуштийларнинг мотам маросимларида ҳам учратамиз. *Қаранг:* Мейтарчиян М. Б. Погребальный обряд иранских зороастрийцев нового времени. С. 13.

гаганлиги маълум бўлиб қолса, қариндош-уруғлари ва фарзандлари одоб сақлаб буни унга билдирмасликка ҳаракат қиладилар. Бироқ киши жон бераётганда унинг оила аъзолари, уй эгалари маълум тайёргарликлар кўрганлар: уй ҳовлиларни тартибга солганлар, ойна, расмларни беркитганлар. Киши жон бераётган уйдан озиқ-овқат, идиш-товоқ олиб чиқилган ёки уларнинг усти ёпиб қўйилган. Чунки, жон чиқишда гўёки қон сачраб хонадаги барча нарсалар нопок бўлар экан. Шу ўринда шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ҳар қандай тайёргарликлар ўта яширин тарзда бажарилган[11]. Жон бераётган киши олдида бажариладиган амалларнинг аксарияти зардуштийларнинг ўлик олдидаги қўрқув ғояси билан қайсидир маънода боғлиқ бўлса керак.

«Вендидот»да баён қилинишича, марҳумларга тегиб макруҳ бўлган кийимларни қуёш нурида поклаш лозим бўлган. Маросимий «макруҳ» бўлган уйни поклаш учун «Авесто» Готларини уч маротаба такрорлаб ўқилган[12].

Наманган вилоятининг Косонсой, Чуст, Поп, Янгиқўрғон туманларида дафн маросими вақтида марҳумни қабристонга олиб боришда ишлатилган кўрпа, ёстиқ, кўрпача, палак каби нарсалар қабристондан қайтиб келингандан сўнг бир кеча-кундуз юлдуз кўрсин деб ташқарига осиб қўйилган[13]. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида эса марҳумни қабристонга олиб боришда ишлатилган кўрпа, кўрпачалар билан бирга марҳумнинг кийимлари ҳам юлдуз кўрсин, деб ташқарига ёйиб қўйилган[14]. Биз бунда зардуштийлик анъаналари излари билан бирга осмон ёритгичлари — ой, юлдуз ва қуёшнинг покловчилик хусусиятига бўлган ишончни ҳам кўрамиз.

Халқимиз мотам маросимларининг асосий иштирокчиларидан бири ғассоллар, ювғучлар зардуштийликдаги ўлик хизматчилари — «насасалар»нинг рамзий авлодларидир. Зардуштийлик динида ўлик хизматчилар — насасалардан одамлар ўзларини доимо четга олганлар. Ўтмишда уларни меҳмонга, тўйга таклиф қилинмаган. Хонадонлардан ташқарида бўладиган кўплаб тантана ва байрамлар, оммавий ўйинлардан зардуштийлар расман ҳайдаб юбормасдилар, лекин ўзларини улардан четга олган ва уларга тегишли совғаларни уйларига жўнатишган[15].

Фарғона водийсининг Марғилон, Хўжанд, Наманган, Андижон шаҳарларида XX аср ўрталаригача профессионал ғассоллар яшаганлар. Уларга бу касб аждодларидан ўтган бўлиб, шогирд тайёрлаш усули ҳам ана шу анъанага асосланган. Ғассоллар шаҳарларда алоҳида маҳаллаларда яшаганлар. Хўжандда ғассолларни маддоҳлар (мадҳ қилувчи киши) деб аташган. Маддоҳлар иши анъанавий «мак-

---

[11] Дала ёзувлари. 1997 йил, Наманган вилояти Чуст тумани, Дамобод қишлоғи.
[12] Маковельский А. О. Авеста. С. 130.
[13] Дала ёзувлари. 1999 йил, Наманган вилояти, Косонсой тумани, Ровот қишлоғи.
[14] Ушбу маълумот ЎзФА Тарих институти доктаранти М. Қамариддиновадан ёзиб олинди.
[15] M. Boyce. A History of Zoroastrianism. Vol. 1. Leiden—Koln. 1975. P. 57.

руҳ» мурда билан боғлиқ бўлганлиги учун одамлар улар билан кам алоқада бўлган. Улар фақатгина ўзаро бир-бирлари билангина оила қурганлар. Шаҳарликлар ҳеч қачон маддоҳлардан қиз олиб қиз бермаганлар, уларни тўй ва маъракаларга айтмаганлар. Маддоҳларнинг асосий машғулоти марҳумларни ювиш бўлган. Шаҳарликлар фақат яқинлари вафот қилганларидагина маддоҳларга мурожаат қилганлар[16]. Ғассолларга олдинлари марҳумнинг эски кийимбоши берилган бўлса, ҳозирда эса бошдан оёқ янги кийим берилади. Косонсойда ювғучларига ўлим тоқ бўлсин деган ниятда тоқ сарполар берилган[17].

XX аср бошларида мурдашўйлар касбий уюшмаларга бирлашганлар, уларнинг ўз оқсоқоллари, низом — рисолалари бўлган. Пирлари ҳазрати Шоҳимардон чаҳорёрлардан Али ибн Толиб шунингдай «Эрларнинг шоҳи» деб аталиб, ғассолларнинг пири ҳам ҳисобланган[18].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқ ўртасида қўлланиладиган баъзи бир қарғишларнинг тарихи ҳам бевосита зардуштийлик билан боғлиқ. Жумладан, халқимизда бирон инсон бошқа кишига ёмонлик қилса кўпинча аёллар «гўшингни қузғинлар есин ёки чўқисин» деб қарғашади. Бу қарғиш ҳозирда гарчи инсон мурдасини қаровсиз қолишига билдирилган қарашларни изоҳланса-да, аслида агар яхшилаб ўйлаб кўрилса бевосита зардуштийлик билан боғлиқдир. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек зардуштийликнинг илк даври тартиб-қоидаларига кўра мурда дастлаб махсус боқилган ҳайвонлар ва қушларга ташланган. Ҳаттоки олдинлари баъзи уруғларда махсус қузғунлар боқилган.

«Авесто»да гўристонларни шаҳар ва қишлоқлардан йироқда, баландликда жойлаштириш, уни ўраб қўйиш уқтирилган. Одам ёки ит мурдаси теккан ерда бир йилгача зироат экиш мумкин эмас, дейилади. «Вендидот»да мурда теккан либос, ерларни қатрон қилиш, ўликни дафнгача асраш, унинг либосини махсус жойда асраш, уни барраҳна (яланғоч) қўйиш ва бошқа омиллар хусусида фойдали маслаҳатлар мавжуд. Жумладан, «Вендидот»нинг еттинчи фаргардида таъкидланишича, одам жисми тупроққа топширилган лаҳзадан 50 йилдан сўнггина ўзининг олдинги поклик ҳолатига қайтади[19] Зардуштийлар одатига биноан ана шундан кейингина бундай заминда мевали дарахтлар ўтқазиш ёки у ерда зироатчилик билан шуғулланиш мумкинлиги уқтирилган.

Республикамизнинг аксарият ерларида қабристонлар қишлоқлардан четроқда жойлашган. Қабристонларда марҳумларни қўйиш тўхтатилгандан кейин ҳам маълум муддат бузилмаган ёки қабристон бузилган тақдирда боғ-роғларга айлантирилган ёки деҳқончилик қилинган.

Инсоният тарихида биринчилардан бўлиб Зардушт инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳам бўла-

[16] Дала ёзувлари. 1999 йил, Тожикистон Республикаси, Хўжанд шаҳри.
[17] Дала ёзувлари. 1996 йил, Наманган вилояти, Косонсой тумани, Ровот қишлоғи.
[18] Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. С. 159, 162.
[19] Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Тошкент, 2001. 135-бет.

жаклиги ҳақидаги таълимотни юзага келтирди. Зардушт таълимоти асосида ҳар бир инсон ўлганидан сўнг ўз қилмишига яраша марҳамат ёки жазо топиши ғояси ётади[20]. Зардуштийлар тасаввурига кўра, инсон вафотидан сўнг унинг руҳи уч кун жасад атрофида бўлади ва тўртинчи куни эрталаб қуёшнинг заррин нурлари остида майин шабадалар билан самовий оламга парвоз этади. У оламда Чинвот деб аталган кўприк бор[21]. У жаҳаннам устидан ўтказилган бўлиб Меҳр, Суруш ва Рашна номли яздонлар (фариштaлар) бу кўприк ёнида кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Улимдан сўнг марҳум руҳи билан ўтказиладиган савол-жавоб жараёнида Ҳақиқат илоҳи Рошну уларни тарозида салмоқлаб кўради. Тарозининг бир палласига эзгу фикр, эзгу амаллар бошқа палласига эса ёвуз фикрат, ёвуз калом, ёвуз амаллар қўйилади. Агар эзгулик ёвузликдан зиёдлик қилса, марҳум руҳи жаннатга, Ахура-Маздaнинг ёруғлик масканига парвоз қилади, акс ҳолда тубанликка — Ахриман ва девлар дунёсининг машаққатли домига тушиб кетади[22]. Зардуштийлар тасаввурида дўзах абадий музлик, совуқ ва қоронғулик жой кўринишида бўлган. Агар кишининг яхши ва ёмон ишлари баравар келса руҳ аралаш жой «мивсон тату»га кетади. Бу ерда на хафалик ва на хурсандлик бор, жон нохуш кун кечиради. Уларнинг тасаввурларига кўра минг йилликлардан сўнг ҳамма тирилади ва сўнгги суд бўлади. Яъни тоғдан оқиб тушаётган оловсимон эриган маъдан дарёсидан инсонлар руҳи биринкетин ўтадилар, ундан яхшилар безиён қутуладилар, ҳамма гуноҳкорлар, ёмонлик ва ёвузлик худоси Ахриман билан бирга ҳалок бўладилар. Дунёда абадий бахтли ҳаёт бошланади. Фарғона водийсида марҳум дафн қилиб келинган кундан бошлаб, ҳар куни кечки пайт марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, марҳум ювиб, покланиб чиқарилган хонага тўпланишиб Қуръон тиловат қилганлар ва оила бошлиғи томонидан чироқ қўйилиб марҳум ювилган жойга косада сув ва беҳи новдаси суқиб қўйилган. Олдинлари бундай одат қирқ кун давом этган бўлса, ҳозирда эса водийнинг кўп жойларида қирқта чироқ марҳум дафн қилинган куннинг ўзида қўйилади[23]. Марҳум чиқарилган хонанинг ўнг тарафига одам бўйи баравaрида деворга мих қоқиб рўмол ўлчовидаги оқ мато осиб қўйилган. Маълумки, жуда кўп халқларда, жумладан, Фарғона водийси ўзбекларида ҳам одам уч қисмдан ташкил топганлиги ҳақидаги тасаввур қадимдан мавжуд. Бу қисмлар: тана, жон ва руҳ. Тана жон ҳамда руҳ билан тирик. Инсон ўлгач, унинг танаси ерда қолади ва чириб тупроққа қўшилади. Жон эса осмонга учиб кетади. Руҳ ҳам танани тарк этади, аммо қуш ёки бошқа жонзот сифатида тез-тез келиб туради. Жумладан, ахборотчиларнинг таъкидлашларича, марҳумларнинг руҳи қирқ кун давомида тун капалаги (халқ тилида — арвоҳ капалак) кў-

---

[20] Boyce M. Zoroastrians. Their Religious Beliefs and Practices. 1970. P. 22. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. Спб., 1994. С. 23.

[21] Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. С. 57—58.

[22] Маковельский А. О. Авеста. С. 103.

[23] Дала ёзувлари. 1996 йил, Наманган вилояти, Қосонсой тумани, Хўжақўрғон қишлоғи.

ринишида ўз хонадонига ташриф буюради ва дастлаб шу матога ўтиради, сўнгра ёқилган чироқни кўриб унга учиб боради ва суқиб қўйилган беҳи новдасидаги пахтага бориб ўтиради. Беҳи новдаси қўйишнинг сабаби унинг хушбўйлиги, жаннатнинг меваси эканлиги билан боғлиқдир. Марҳум дафн қилинган кундан кейин майит ювилган жойга ювишда ишлатилган кўзада сув қўйилган[24]. Кўзадаги сувни ҳар кунлик Қуръон тиловатидан сўнг қирқ кунгача янгиланиб турилган. Сувни марҳум руҳи ичиб туриши учун қўйилар экан. Демак, биз икки қарашда ҳам ўзаро ўхшашликни кўришимиз мумкин. Шунингдек, замонавий зардуштийларнинг мотам маросимларидаги асосий юмушларни унинг ўғлига ёки яқин қариндошлари ва дўстлари бажарган бўлса, Фарғона водийси ўзбеклари ҳам мотам маросимларидаги мотам маросимининг асосий юмушлари — майитни ювиш, кафанлаш, лаҳадга қўйиш амалларини унинг яқинлари «суяк эгалари» бажаради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқимизнинг мотам маросимлари билан боғлиқ удумларидаги турли-туман урф-одат ва расм-русумлар, гарчи ташқаридан қаралганда асосан ислом дини шариат қоидаларига асослангандай кўринса-да, лекин аслида ўтказилаётган маросимларда юртимизга ислом дини кириб келгунига қадар ҳукмрон бўлган зардуштийлик дини изларининг ўзига хос излари мавжуд. Бу хусусиятлар ўлим олдидан бажариладиган амалларда, марҳумга бўлган муносабатда, марҳум билан алоқадор бўлган «ўлик хизматчилари» — ғассоллар, ювғучлар, гўрковларга бўлган муносабатда; атрофдагиларни ўликни нопок деб тушуниб, кишиларни ер, сув ва ўсимликларни уларнинг «нопок»лигидан асрашга қаратилган, пухта ўйлаб чиқилган, асрлар бўйи шаклланган удумларида кўришимиз мумкин. Бажарилаётган маросим ва урф-одатларда зардуштийлик излари исломий маросимлар билан биргаликда синкретик тарзда яшаб келмоқда. Бошқача айтганда, зардуштийлик маросимлари билан боғлиқ анъана ва урф-одатлар излари аждодлардан авлодларга одат тариқасида ўтиб келмоқда. Хуллас, ўзбек халқи мотам маросимларида зардуштийлик изларини этнографик йўналишда тадқиқ қилиш натижасида зардуштийлик ўтмиш аждодларимизнинг эътиқодий қарашлари тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллаганлигига, ҳамда ўзбек халқининг аждодлари мана шу заминнинг қадимий ўтроқ аҳолиси бўлганлигига яна бир бор амин бўламиз. Қолаверса, ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, ушбу маърака-маросимлар вафот қилиб кетган кишилар хотираси учунгина эмас, балки улардан айрилиб қолган кўзи ёшли, дили ғамли тириклар учун, марҳумнинг энг яқин ғамбардорлари учун хотиравий ва зарурий маросимлардандир. Шунингдек, мотам маросимлари билан боғлиқ маросимлар замон ва маконга оид фалсафий тушунчалар билан коинот ва инсоният ўртасидаги, табиат ва одам ҳаёти ўртасидаги муайян даражадаги боғлиқликни билдиради.

---

[24] Дала ёзувлари. 1997 йил, Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Жов қишлоғи.

2002 1-son

*А. А. Аширов*

*СЛЕДЫ ЗОРОАСТРИЗМА В ПОХОРОННО-ПОМИНАЛЬНЫХ ОБРЯДАХ УЗБЕКСКОГО НАРОДА*

*Статья посвящена анализу доисламских компонентов в традиционном похоронно-поминальном обрядовом комплексе узбеков. Автор реконструирует исторические обряды зороастрийцев и прослеживает их последующую адаптацию к исламской культуре; раскрывает соотношение и взаимодействие традиционных и инновационных компонентов в современных похоронно-поминальных обрядах узбеков.*

*A. A. Ashirov*

*RELICS OF ZOROASTRIZM IN THE UZBEK FUNERAL RITES*

*The article deals with the description of pre-Islamic components in the Uzbek traditional funeral rites. Author reconstructs the original rites of Zoroastrizm and shows their adaptation to Islamic culture. The article also shows co-relation and interaction of traditional elements and innovations in the modern Uzbek funeral rites.*

*Г. Зунунова*

## К ВОПРОСУ О РИТУАЛЬНОЙ ОБРЯДНОСТИ УЗБЕКОВ (на материалах махалли г. Ташкента)

Ритуальная пища представляет собой пласт традиционной культуры узбеков, но, прежде чем перейти к ее анализу, остановимся на уточнении терминов «ритуал», «обряд».

В научной литературе встречается множество определений ритуала. Так, В. Тэрнер отмечает, что это наиболее важное средство постоянного поддержания общих норм и ценностей народа, поскольку сложная система ритуала связана с символом, подражанием и восприятием, т. е. опирается на доминантные стороны человеческой психики[1]. К. Леви-Строс в своих работах уделяет некоторое внимание роли ритуала и мифологическим символам как стимуляторам чувства и желания, а также связывает ритуал со спецификой мышления[2]. Л. Г. Ионин также отмечает, что «мифологический символизм означает соединение плана реальности и ментального плана»[3]. «Ритуал», или «обряд», по мнению В. Тэрнера,— это предписанное поведение человека, имеющее отношение к верованиям в мистические существа и силы.

«Ритуал», «обряд», основанные на легендах и мифах, выполняли роль культурных фильтров и механизмов социальной и культурной традиций, содержали информацию о традиционном поведении человека, ориентируя его с помощью тех или иных программ-стереотипов, т. е. можно утверждать, что традиция для людей, живущих в общине, в данном случае в махалле, служила для них моделью общества.

---

[1] Тэрнер В. Символ и ритуал. М., 1983. С. 15.
[2] Леви-Строс К. Структурная антропология. М., 1985. С. 162.
[3] Ионин Л. Г. Социология культуры. М., 1998. С. 149.

Если обратиться к жизни в махалле, то можно увидеть, что здесь ритуалы вторгаются в жизнь человека задолго до его рождения и не сразу завершаются после его кончины. Исходя из этого, полагаем, что этническую специфику элементы материальной культуры приобрели благодаря духовной жизни узбеков, их воззрениям и верованиям.

Пища, включаясь в систему обряда или ритуала, так же, как и другие элементы материальной культуры, приобретает символические характеристики.

Ритуальные трапезы в начале XX столетия имели неординарный характер. Обычно они были связаны с каким-нибудь событием в жизни, что, по сложившейся традиции, требовало устройства публичного угощения (трапезы свадебные, поминальные, родильные и т. д.), или же посвящались той или иной календарной дате праздничного годового цикла.

Ритуальный стол, как правило, состоял из определенного набора блюд, считавшихся в тот день желательным или сугубо обязательным, а их приготовление и потребление сопровождались соблюдением норм традиционного этикета, например очередностью подачи тех или иных блюд, особенно во время проведения праздничных и ритуальных трапез. Застольный этикет был строго регламентированным, хотя и варьировал в весьма широких пределах, определяемых видом трапезы, составом участников, характером ситуации, социальными связями в группе и т. д.

Набор блюд или же определенный вид пищи в ритуальных трапезах наделялись знаком. Традиции символизма ритуальных трапез уходят в глубь веков, истоки которых берут начало в зороастризме, а порой и значительно глубже. Мусульманский мир вобрал в себя множество символов и знаков, которые сегодня воспринимаются как часть исламской веры. Иначе говоря, в магическом осмыслении пищи нашел свое особенное отражение религиозный синкретизм — переплетение доисламских верований и исламских представлений. Со временем часть обрядов получила иное толкование, или сохранилась как традиция, где участники трапезы уже не всегда четко осознают ее смысл.

Обрядовая пища, общая трапеза, обмен различными видами блюд служат выражением определенных взаимоотношений между людьми, их общностями — родственными, социальными, религиозными, профессиональными, возрастными и т. д. Пищевой символизм в той или иной форме присущ системам питания всех народов мира.

Свадебный ритуал как наиболее сложный комплекс традиционной бытовой культуры является тому примером и включает в себя значительный пласт пищевой символики. Так, у ташкентских узбеков жених на свадебном пиру пробует плов из лягана (большого блюда) и передает его для невесты с подругами, которые затем доедают плов. Вторым блюдом с пловом жених угощает своих еще не женатых друзей[4]. В данном случае плов как бы обретает магическую энергетику,

[4] Полевые записи. Алимов Қаюм, 1912 г. р., махалля «Самарқанд дарвоза».

способную дать счастье в семейной жизни незамужним подругам невесты и неженатым друзьям жениха.

У ферганских узбеков и таджиков на свадебном пиру сваты крадут чашки или любой другой вид посуды. Это не считается предосудительным и объясняется тем, что, таким образом, можно получить частицу счастья, благополучия этого дома. Возможно, корни традиционных обычаев связаны с древними представлениями о том, что с помощью пищи или предмета можно воздействовать на человека.

Во время обряда «салом» ташкентские узбеки опускают руку невесты в муку или масло с тем, чтобы ее руки были «ёғли» и «унли» (т. е. обряд пожелания богатства молодым). Ритуальное обмазывание мукой или маслом на свадебных торжествах было известно в прошлом и другим тюркоязычным народам. Так, у узбеков-карлуков, если родители невесты оставались довольными стараниями родственников жениха, то смазывали им губы мукой, а если нет — то золой[5].

Важное значение в предсвадебном обряде имеет хлеб («нон»). Во время «фотиҳа» (благословение жениха и невесты) хлеб выступает в качестве символа соединения. Так, в знак согласия на брак сваты разламывают лепешки и раздают сидящим за столом гостям (обряд «нон синдириш»)[6].

Таким образом, в свадебном церемониале пища входила в обрядовые действия, закрепляющие обязательства брачующихся сторон, служила одним из способов символизации связей между ними.

Символика пищи, обладая определенными коммуникативными функциями, а также включаясь в ритуал и приобретая магическое значение, придавала обряду яркую эмоциональную окраску. Если говорить об обряде в целом, то его эмоциональная сторона представляется чрезвычайно важной. Неслучайно этнологи и психологи связывают возникновение ритуализации с реакцией на ситуацию неопределенности, порождающую страх, тревогу и неуверенность. В ритуалах же снимается эмоциональное напряжение. Ритуальная пища имеет значение не только сама по себе, поскольку способы и сам процесс ее приготовления, а также потребления связаны со сбором известного круга людей.

Определенных ритуалов придерживались и в ходе приготовления пищи в похоронно-поминальном цикле. В первые дни в доме усопшего нельзя было готовить еду, что, вероятно, связано с огнепоклонством, остатками зороастрийской веры. Согласно языческому поверью огонь не должен быть осквернен присутствием мертвого тела. В доме умершего еда в течение трех дней не готовится, ее приносят соседи и близкие родственники. В день похорон и другие поминальные дни обязательно готовилась священная пища халвайтар (мука, прожаренная в масле), так как считалось, что «одамнинг савоби ўликка тегади» (помощь усопшему в освобождении от грехов). Эту кашеобразную массу подают на стол в горячем виде, женщина, ее готовившая, ни с кем не должна разговаривать, так как считается, что в то время,

---

[5] Шаниязов К. Ш. Узбеки-карлуки. Ташкент, 1964.

[6] Шаниязов Қ. Ш. Қ этнической истории узбеков. Ташкент, 1974. С. 311.

когда она ее готовит, идет «савол-жавоб», т. е. умерший держит ответ перед Аллахом.

До похорон к еде никто не притрагивается, но после того разрешается пить чай и есть халвайтар, а также готовится плов. Так, в кишлаке Миндон Ферганской области готовят, в частности, «кора ош». Приготовлению плова, приуроченному к 20-му дню со дня похорон, придавалось особое значение, ибо, согласно поверью, только это освобождало от мучений тело умершего. После того, как плов съедали, котел обмывали семь женщин и самая близкая из них к покойному должна была вылить воду в протекавший ручей или арык, так как считалось, что тело умершего опухает до 39 дней, а если вода с остатками пищи потихоньку выливается в воду, то тело освобождается от опухолей через большой палец руки усопшего, если же вода выливается неосторожно, то его тело будет страдать от мучений и может лопнуть.

Плов также готовился на «қор ёғди»[7] и «лайлак келди[8]. Этому блюду придавалось весьма важное значение и считалось, что рис — это «зубы» пророка, поэтому его остатки нельзя выбрасывать, ибо это большой грех. Следует отметить, что к любой традиционной пище узбеки относятся с большим уважением. Приготовление плова считалось необходимым как в свадебной обрядности, так и во время похоронно-поминального цикла.

Плов является одним из древних блюд. Издревле у узбеков-сартов он выполнял роль центрального блюда в ритуально-престижных трапезах всех уровней, особенно праздничных. Приглашение на плов стало синонимом приглашения в гости, он воспринимался и воспринимается как символ, непременный атрибут большого праздничного стола. Вот почему мы можем говорить о том, что плов ситуационно приобретал роль того или иного знака.

Ритуальную пищу можно подразделить на два вида. Одни блюда готовились только в определенной ситуации. Они были четко соотнесены с тем или иным праздником или обрядом, считаясь его непременной составной частью, и поэтому появление данных блюд в обыденное время совершенно исключалось (холвайтар, бўғурсоқ). В то же время некоторые блюда повседневного питания, которые в обыденной обстановке не воспринимались в качестве ритуальных, ситуационно либо могли становиться таковыми, либо принимать некоторые черты экстраординарности и поэтому в ряде случаев их присутствие за праздничной трапезой считалось желанным, а в некоторых — обязательным (палов, қатлама).

Говоря о ритуальной пище, нельзя не коснуться и такого явления, как обычай жертвоприношения. В самой сути этого действа сказывалась двойственность, присущая ранним верованиям: получить помощь и, в то же время, оградить себя от возможного вредного влияния божества или духа. Их «угощают» едой дома, приносят ее в жертву,

---

[7] Праздник первого снега, а также часть похоронно-поминального цикла. Полевые записи. Алимов Қаюм.

[8] Часть похоронно-поминального цикла. Полевые записи. Алимов Қаюм.

стараясь приобщить их к семейным заботам, а также умилостивить. Основной жертвовательницей в XX веке стала выступать семья, которая таким образом хотела упорядочить свое положение не только в обществе, например в территориальной общине (махалле), но и в потустороннем мире. Показательны в связи с поминальными обрядами жертвы душам[9] или духам покойных членов семьи (или же в память о них) для укрепления традиций семьи: покойников как бы призывали защитить благополучие живых родичей.

Этнолог Р. Смит отмечал, что жертвоприношение было формой общения членов рода между собой и с божеством рода. Убиение и поедание жертвенного животного — это совместная родовая трапеза, которая является знаком, декларирующим сотоварищество[10].

В Ташкенте в начале XX столетия в процессе подготовки к свадьбе, а также в связи с новосельем устраивали «худойи». Для этого в богатых семьях закалывали лошадь, а в семьях среднего достатка — барана, петуха (в Ташкенте преимущественно черного). Главный смысл этого обряда заключается в пролитии крови жертвенного животного («қон чиқариш»). Мясо животного или птицы употреблялось все без остатка во время проведения обряда.

Пища, принесенная с определенных обрядов, посвященных умершим предкам, становится священной, приобретая качество оберега. Например, «Мовлюд» является обрядом, посвященным умершим предкам, хотя первоначальный его смысл — это день рождения пророка Мухаммада.

В Ташкенте данный обряд стал сегодня в основном частью похоронно-поминального цикла. В ходе его проведения на «дастурхон» (скатерть) ставится поднос с различными сладостями и фруктами. Обязательными считаются сахар, а также сладкая вода (шарбат), которую наливают в две косы. В конце обряда женщины по очереди отпивают эту воду. Во время его проведения отин-ойи зачитывает молитву из Қорана, благодаря чему все угощения приобретают ореол святости. Отметим, что в кишлаке Миндон Ферганской области обязательным блюдом для угощения гостей в этом обряде считаются рисовая каша (по словам информатора любимое блюдо пророка) и сладкое молоко, которое на всем протяжении обряда отпивается участницами данного ритуала. Здесь сладкие вода или молоко символизируют сладкие молочные реки, которые после совершения обряда с еще большей силой польются в сторону умерших.

С помощью молитв и посредством пищи осуществляется и ритуал посвящения в отин-ойи, бытующий и поныне. При совершении данного обряда обязательным считается жертвоприношение барана или петуха. Кроме того, на дастурхон ставятся по 11 лепешек, различных видов фруктов и овощей, сомсы, пельменей (чучвара) и изделий из теста (қотирма, юпқа), а также рисовая каша и холвайтар на 11 тарелочках. После завершения обряда посвящения в отин-ойи вся приготовленная пища раздавалась детям-сиротам.

---

[9] Дрейд З. Тотем и табу. М.; Пг.: Б. г. С. 90, 93.

[10] Токарев С. А. О жертвоприношениях//ЭО. 1999. № 5. С. 25.

В описанном обряде как бы существует синтез двух начал. С одной стороны, в нем обязательно должно быть жертвоприношение («қон чиқариш»), символизирующее обращение к Аллаху за помощью, с другой — поедание пищи, приобретающей ореол святости после чтения молитвы. Таким образом, данный обряд как бы закрепляет заключенную в нем двойную силу.

Во время праздника «Қурбон ҳайит» состоятельные люди приносили в жертву Аллаху барана и готовили из него ритуальное блюдо «халим», при этом соблюдались соответствующие обычаи и ритуалы. Так, для приготовления «халима» барана следовало содержать в домашних условиях. Баран считался чистым («ҳалол») при хорошем состоянии здоровья, а его ухо обязательно должно было проколото[11].

В начале XX столетия существовал обычай, когда, заботясь о здоровье больного, готовили блюдо шовля и оставляли ее у арыка для духов («арвоҳлар») в надежде задобрить их для того, чтобы больной поправился. Этот обычай до сих пор сохраняется среди жителей старшего поколения махалли «Самарканд дарвоза» г. Ташкента[12].

Қак ранее, так и ныне среди жителей махалли бытует такой обычай, как «ис чиқариш». Вечером в четверг или воскресенье готовится плов, запах жареного мяса считается угощением для духов предков, которые в эти дни, как предполагается, приходят в дом[13].

Таким образом считалось, что если накормить духов запахом пищи, пищей, а также принести в жертву животное и пролить кровь, то, тем самым, можно задобрить духов и достичь желаемой цели (предотвратить несчастья, болезни, решить проблемы).

Часть религиозно-магических обычаев, связанных с пищей, является отражением демонологических верований. Поедание пищи, а также различные действия с ней рассматривались как путь к контакту со сверхъестественными существами. Например пшеница («дон») использовалась и в поминальных обрядах. Существовал такой обряд, как «давра», когда могильщик проезжал на коне один круг вокруг дома умершего и ему, помимо оплаты деньгами, давали еще два пуда зерна. Считалось, что таким образом грехи умершего отмывались или откупались[14]. Такой обычай существовал до середины 30-х годов и, по сообщениям информаторов, в начале 40-х годов он был заменен на другой. В частности, во дворе, где находился покойник, на фруктовое дерево вешали узелок с рисом, т. е. зерна пшеницы впоследствии были заменены на рис.

Таким образом, пища выполняла не только витальные потребности человека, но и отражала его мировоззрение. Предметы материальной культуры, включаясь в определенную этнокультурную систему, приобретали специфическое значение, не присущее их природе, а приобретаемое в силу их включенности в данную этническую систему

---

[11] Полевые записи. Қаримова Икбол, 1924 г. р., махалля «Илгари».

[12] Полевые записи. Ходжимухамедов Садулла, 1912 г. р., махалля «Самарқанд дарвоза».

[13] Полевые записи. Султанов Муборхон, 1917 г. р., махалля «Занги-Ота».

[41] Полевые записи. Салимов Наджмиддин, 1917 г. р., махалля «Сағбон».

восприятия мира. Имея ввиду именно эту специфическую смысловую нагрузку универсальных элементов, мы можем говорить о них как о составляющих уникальной этнической культуры, а также об устойчивости и преемственности этнических культур во времени[15]. Символические представления о пище — одна из важных составляющих этнического этикета узбеков. Кроме знаковых функций, пища выполняла социальную роль в различных ритуалах и церемониях, общий смысл которых уже не был связан с питанием.

Обряды и ритуалы со временем видоизменялись, обрастая новыми подробностями или, наоборот, сокращаясь. Следует отметить, что все обряды, проводимые в махалле, имели социально-идеологическую нагрузку. Несмотря на то, что большинство обрядов направлено на некую связь жителей махалли с духами предков, в них, тем не менее, отчетливо прослеживаются мотивы помощи бедным, вдовам, сиротам. В любом обряде пища играет весьма важную роль. Состав обрядовых трапез, как и способы приготовления отдельных блюд, на протяжении длительного промежутка времени оставались неизменными, хотя в течение XX столетия и произошла некоторая трансформация состава обрядовых трапез. Изменения, прежде всего, были связаны с включением в состав праздничного меню новых блюд, что в основном происходит двумя путями: 1) при полном отсутствии их обрядовой роли (например торты, апельсины, бананы стали составной частью обрядовой трапезы); 2) при передаче магических свойств (например, замена пшеницы в похоронно-поминальном обряде на рис).

В заключение отметим, что понятие «обряд» в широком смысле и «обрядовая трапеза» в более узком понимании представляют собой эффективное средство социально-психологического воздействия на жителей махалли.

[15] Кузнецов И. М. Адаптивность этнических культур и этнокультурные типы самоопределения личности//СЭ. 1988. № 1. С. 15.

*Г. Зунунова*

### *УЗБЕК МАРОСИМ УРФ-ОДАТЛАРИ МАСАЛАСИГА ДОИР*
*(Тошкент шаҳар маҳаллалар материаллари асосида)*

*Мақолада ўзбек таомлари ва уларнинг рамзий маъноси таҳлил қилинади. Муаллиф, таомлар рамзларини ислом ва исломгача бўлган анъаналар билан боғлиқлигини кўрсатиб беради.*

*Айни вақтда, маросим таомлари инсонлар орасидаги турли ижтимоий (қариндошчилик, диний, касбий...) муносабатларни муайян ифодасини акс эттиришини очиб беради.*

*G. Sh. Zunupova*

### *ON THE QUESTION OF UZBEK RITUAL RITES*

*The article deals with an analysis of Uzbek ritual food and its symbolism. Field materials were collected by author in traditional districts. (mahallya) of Tashkent. Author shows that symbolizm of Uzbek ritual meal has pre-Islamic and Islamic roots. The ritual meal in a reflection of traditional world-outlook and complicated system of social, age, sex, and other relations in Uzbek community. Ritual food and meal have communicative, magic and emotional functions.*

*Тарихчи кутубхонасига*

## Қ. ШОНИЁЗОВНИНГ «ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ» МОНОГРАФИЯСИ ҲАҚИДА

Маълумки, ҳар бир халқ ўзининг миллий уйғониш ибтидосида ўзининг келиб чиқиш тарихини, қадимий давлатчилик анъаналарини ва маънавий қадриятларини ўрганишга эҳтиёж сезади. Ҳар қайси фуқаро мен шу миллат фарзанди эканман, миллатимнинг ибтидоси қаерда? Унинг оёққа туриши, тикланиши, шаклланиш жараёни қандай кечган? Аждодларим кимлар бўлган?— каби саволларга жавоб излайди.

Тарихга муносабат бугун давлат сиёсатига кўтарилган тарихий бир жараёнда ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи илмий муаммо бўлибгина қолмасдан, балки миллий мафкура тушунчаларининг таркибий қисми сифатида талқин этилмоқда. Лекин афсуски, ҳозирги кунга қадар ўзбек халқи шаклланишининг асосий босқичлари ва муҳим унсурлари, уларнинг этногенетик жараёнларда қатнашув даражаси, минтақанинг қадим автохтон аҳолиси билан тарихий ворисийлиги ва генетик алоқалари, умуман айтганда, ўзбек халқининг этник тарихи, этногенези борасида яхлит умумлаштирувчи монографик тадқиқот яратилмаган эди. Шу маънода яқинда нашрдан чиққан машхур элшунос олим, академик Карим Шониёзовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни»га бағишланган йирик фундаментал монографияси мазкур муҳим ва долзарб муаммони ечиш йўлидаги дастлабки қадам дейиш мумкин. Мазкур монография мархум устозимиз ўзбек элшунослигига тамал тошини қўйган, «ўзбек элшунослиги» мактабининг асосчи Карим Шониёзовнинг сал кам ярим асрлик илмий изланишлари маҳсулидир. Китобнинг илмий қиммати шундан иборатки, монография катта фундаментал тадқиқот бўлиши билан бирга мавзунинг кўпгина жиҳатлари тарих фанида биринчи маротаба ёритилган ва муаллиф томонидан халқимизнинг этногенези ҳамда этник тарихига оид янги илмий фаразлар баён қилинган. Шунингдек, устоз томонидан ўзбек халқи этногенезига оид қатор назарий масалалар, минтақадаги этник бирликларнинг илмий асосланган таснифи, ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги даврлардан XIX асргача кечган этник жараёнлар илк бора даврлаштирилган.

Монографияда муаллиф ўзбек халқининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёнини асл манбалар ва олимлар тадқиқотларига асосланиб, тарихийлик нуқтаи назаридан тўғри ва аниқ кўрсатиб берган.

Китобнинг кириш қисмида муаллиф мазкур мавзунинг бугунги кун учун нақадар долзарблигини, унинг илмий ва амалий аҳамияти-

ни таъкидлаган ҳолда ўзбек халқи мазкур ҳудудда яшаган туб ерли этнослардан томир олган; иккинчи илдизи эса қадимги туркий халқлардан бошланган. Ҳар иккала асосий илдизларнинг бирикиши ўзаро синтези ўзбек элатини ва кейинчалик миллатини ташкил этган деб уқтиради.

Монографиянинг «Ўзбек халқининг этник тарихига ва этногенезига оид манбалар ҳамда тарихий маълумотлар» деб номланган биринчи бобида дастлаб ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини ўрганиш тарихи, яъни халқимизнинг этник тарихи ва этногенези бўйича ҳозирга қадар бажарилган тадқиқотлар ҳақида фикр юритилади. Муаллиф томонидан ўзбек халқининг келиб чиқишини, унинг шаклланиш вақтини нотўғри талқин қилинган қатор муаллифларнинг фикрлари танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш билан бирга ўз навбатида уларга илмий асосли жавоб ҳам берилган. Ушбу бобнинг «Асосий манбалар ва адабиётлар» фаслида халқимизнинг этник тарихига оид қадимги ва ўрта асрлар даври ёзма манбалари тўғрисида маълумот берилган. Бу ерда Карим Шониёзов томонидан ўзбек халқининг элат бўлиб шаклланиш жараёнида иштирок этган этник гуруҳлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирган юнон, хитой, арман, араб, форс манбалари, қадимги туркий қабртош битиклари тўғрисида батафсил маълумотлар берилиши асарнинг илмий қимматини янада оширган. Шунингдек, халқимизнинг этник тарихига оид манбалар сифатида қатор тарихий, археологик, антропологик, нумизматик ва тилшуносликка оид асарлар ҳам таҳлил қилинган.

Бошқа фанлар каби этнология фанида ҳам қатор назарий масалалар борки, уларни билмасдан этник тарихни, этногенезни, этник жараённи илмий асосда ёритиб бериш қийин. Шу маънода муаллиф томонидан монографиянинг махсус фаслида этносга оид айрим атамаларга ва назарий масалалар ҳамда этнос, этногенез, элат, этнографик гуруҳ, этник жараён, этник бирлик каби этнографик терминларга ҳам илк бора ўзбек тилида шарҳ ва изоҳлар берилганлиги китобнинг илмий нуфузини янада оширган.

«Ўзбек элатининг шаклланишидан олдинги тарихий давр» деб аталган II бобда ўзбек элатининг илк аждодлари — бақтрияликлар, саклар, суғдийлар, эфталийлар каби кўплаб этник гуруҳлар ҳақида тарихий лавҳалар баён қилинади. Шунингдек, мазкур бобда бронза (жез) давридан бошлаб то ўрта асрларгача Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистон, ҳудудларида бўлиб ўтган этно-маданий жараёнлар тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилган.

Монографияда кўплаб тарихий этник гуруҳларнинг қайси этник гуруҳга мансублиги борасида ҳам янги қарашлар баён қилинган. Жумладан, муаллиф тўғри таъкидлаганидек, ҳозиргача ўзбек халқининг шаклланишида муҳим компонентлардан бири бўлган эфталийларнинг туркий халқ эканлигини қатор тадқиқотчилар тан олмасдан келганлар. Бундан мақсад Мовароуннаҳрнинг асосий халқи ўтмишда эрон тилли бўлганлигини уқтириш эди. Аммо, тарихий манбаларни синчиклаб ўрганган киши масалага бу йўсинда ёндашиш хато эканлигини тушуниб олиши қийин бўлмаса керак.

«Ўзбек аждодларининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёни» деб номланган III бобда дастлаб ўзбек халқи шаклланган IX—XII асрларда Марказий Осиё минтақаларидаги сиёсий аҳвол ва этно-маданий жараён ҳақида фикр билдирилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, муаллиф томонидан асосли равишда тарихий манбаларда ва илмий адабиётларда Қорахонийлар деб номи зикр этилган давлатнинг асл номи Қорлук давлати бўлиб қорахонкорлуқ ҳоқонларининг унвонларида қора (улуғ, буюк маъносида) атамаси мавжуд бўлганлиги боис мазкур ном илмий адабиётларга янглиш кириб қолганлигини илмий тарзда асосли изоҳлаб берилган.

Карим Шониёзовнинг таъкидлашича, ўзбек элатининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш жараёни Марказий Осиёдаги бошқа туркийзабон халқлардан бирмунча фарқ қилган, бўлиб ўзбек элати минтақадаги бошқа туркийзабон халқлардан фарқ қиладиган хусусиятларидан бири ушбу элатнинг аждодлари туб ерлик этник бирликлар асосида, яъни икки тил (туркий ва эрон) туркумидаги халқларнинг аралашуви жараёнида вужудга келган.

III бобнинг «Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида фаол қатнашган асосий компонентлар» фаслида ўзбек элатининг шаклланиши жараёнида фаол қатнашган автохтон туркий этник компонентлар ҳақида батафсил маълумот берилган.

«Шаклланган ўзбек элатининг кейинги тараққиёти» деб номланган IV бобда XIII—XV асрларда Мовароуннахр аҳолисининг этник таркиби ва XVI—XVIII асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги этно-сиёсий ва этно-маданий аҳвол ҳақида батафсил маълумот бериладн.

Умуман олганда, муаллиф хозиргача етарли даражада ишланмаган этногенез ва этник жараёнлар, шунингдек, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни муаммоси илмий тарзда асосли ёритиб бера олган.

Монография тарихчилар, археологлар, гуманитар йўналишдаги барча олимлар, шунингдек, талабалар ва аспирантлар, умуман, ўзбек халқи тарихи билан қизикувчилар учун катта совға ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ҳаққоний таҳлил этилган муҳим фундаментал тадқиқот дунё юзини кўрди. Келгусида мазкур китоб юзасидан мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Йиллар ўтган сари мазкур китобнинг илмий қиймати янада ошиб боради ва қатор илмий тадқиқотларга асос бўлиш билан бирга ўзбек халқи тарихи билан қизиқувчи ҳар бир мутахассиснинг китоб жавонидан ўзининг муносиб ўрнини топади деб ўйлаб қоламиз.

*А. А. Аширов У. С. Абдуллаев*

## *Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар*

### АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ» РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ СЕМИНАРИ ЙИҒИЛИШЛАРИ ҲАҚИДА

2001 йил 28 ноябрда академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Ўзбекистонда маданий интеграция ва миллатлараро ҳамжиҳатлик: тарих ва ҳозирги замон» мавзусидаги навбатдаги 17-йиғилиши М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети замирида ЎзР ФА Тарих институти раҳбарлигида бўлиб ўтди. Семинарда республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган етакчи ва ёш тарихчи олимлар тарих фанига ихтисослашган ўрта мактаб ўқитувчилари, иштирок этди.

Семинар дастурига асосан «Основные вехи процесса интеграции культур на территории Узбекистана (древность, средневековье)» мавзуси бўйича т. ф. д. М. Филанович маъруза қилди.

Маърузада Марказий Осиё халқларининг ўзаро яқинлиги, уларнинг маданияти, маданий бойликлари қадимдан мавжуд бўлиб, генетик йўл билан эмас, балки авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келиши натижасида сақланиб қолганлиги ҳамда маданий миграция ва интеграция масалаларига эътибор қаратилди.

«Замонавий ўзбек миллий маданиятининг назарий асослари» мавзусида т. ф. д., проф. А. Маврулов маъруза қилди. У ўз нутқида Ўзбекистон мустақилликка эришган, маданияти ривожлантиришнинг совет даврига хос методологик, назарий — концептуал асослари бекор қилиниб, янги тизимга хос методологик, назарий асос юзага келгани, маънавият ва маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эълон қилингани, маънавият ва демократия уйғунлигига эришилган; маданиятдаги миллийлик ва байналмилаллик нисбати аниқлангани, Ўзбекистонда миллий маданиятни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилгани ва улар давлат томонидан олиб борилаётган кучли иқтисодий сиёсат билан таъминлангани хусусида батафсил тўхталди.

«Основы укрепления межнационального согласия в современном Узбекистане» мавзусида т. ф. н. Республика байналмилал маданий Маркази директори ўринбосари А. Ф. Силеенков маъруза қилди. Маърузачи ўз нутқида Ўзбекистондаги миллий ва миллатлараро тотувлик масаласига тўхталиб, ушбу масала мамлакатимиз конституцияси ва бошқа бир қатор қонунларида алоҳида қайд этилганини таъкидлади. Шунингдек, Президентимиз И. А. Каримов бошчилигида олиб борилаётган сиёсат натижасида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг ривожланиши учун соғлом муҳит яратилгани, республикамизда кўплаб миллий марказларнинг ташкил этилганлиги хусусида қизиқарли маълумотларни баён этди.

«Мустақил Ўзбекистонда кам сонли миллатларнинг равнақи» мавзусида т. ф. д., проф. Р. Ҳ. Муртазаева сўзга чиқиб, миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон халқларининг барчасига тааллуқли эканлиги, чунки Ўзбекистонда ўз давлатига ном берган асосий миллат билан шу ерда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги муносабатларда муаммолар йўқлигини далиллар билан изоҳлаб берди. Шунингдек, мамлакатимизда мустақиллик шароитида ҳар бир миллатни миллий ва маданий манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга катта эътибор бериб келинаётгани батафсил баён этилди.

Маърузалар юзасидан музокараларда т. ф. д., проф. А. Отажонов, халқ таълими вазирлиги педагогик таълим, фан ва малака ошириш бош бошқармаси ходими М. Ш. Маматов, т. ф. н. К. Раҳмонов, Ф. Солиева ва бошқалар сўзга чиқиб, юқорида кўтарилган масалалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, таклифлар киритдилар.

Мунозара ва мулоҳазалардан сўнг семинар хулосаси ишлаб чиқилди. Семинар якунида илмий семинар раиси, ЎзР ФА Тарих институти директори т. ф. д., проф. Д. А. Алимова тингланган маърузалар ва билдирилган мулоҳазалар бўйича ўз хулосаларини баён этди.

2002 йил 30 январда академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Ўзбек дипломатияси тарихи ва ҳозирги замон» мавзусидаги йиғилиши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ва ЎзР ФА Тарих институти ҳамкорлигида бўлиб ўтди.

Ушбу семинарда республика Олий ва ўрта махсус ўқув юртларидан таклиф этилган етакчи ва ёш тарихчи олимлар иштирок этдилар.

Семинар дастурига асосан «Ўзбек дипломатиясининг тарихий-маънавий асослари» мавзуси бўйича т. ф. н. Б. Маннонов маъруза қилди. Маърузачи ўзбек дипломатияси кўп минг йиллик тарихига эга эканлиги, араб истилосигача бўлган дипломатиямиз асосан, Хитой ва Юнон манбаларида сақланиб қолганлиги, маънавий қадриятлар кейинги асрларда ҳам ривожланиб боргани, бизгача етиб келган дипломатиямиз тарихига оид маълумотлардан Ўрта Осиё ҳукмдорлари белгиланган қонун-қоидалар ва урф-одатларга амал қилишга ҳаракат қилганликлари ҳақида сўз юритди. Шунингдек, Амир Темур давлатининг ташқи сиёсати, айниқса, унинг Европа давлатлари билан олиб борган муносабатлари, европалик машҳур шахсларнинг Амир Темур давлати билан боғлиқ кузатишлари ва таассуротларига эътибор қаратди.

«Амир Темур дипломатияси ва Европа мамлакатлари» мавзусида ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими С. Ғуломов маъруза қилди. У ўз маърузасида Амир Темурнинг Ғарб давлатларидан Византия, Франция, Англия, Испания билан олиб борган муносабатлари, хусусан Амир Темур ва мазкур давлатлар ҳукмдорлари ораларидаги ёзишмалар ҳақида батафсил тўхталди.

«Мустақиллик даврида ўзбек дипломатияси» мавзусида юридик фанлари доктори профессор А. Х. Саидов маъруза қилди. Маърузада мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгандан сўнг жаҳон ҳамжамияти тизимидаги суверен давлат сифатида, тўла ҳуқуқли дипломатик алоқалар ўрнатилгани, мамлакатимиз дипломатик сиёсатининг принциплари ва унинг йўналишлари, бу борада олиб борилган ишлар, келгуси вазифалар каби масалалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Илмий семинар кун тартибидаги мавзу бўйича тингланган маърузалар юзасидан савол-жавоб, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Музокараларда академик А. Асқаров, т. ф. д., профессорлар: Р. Шамсутдинов, А. Отажонов, т. ф. н. Н. Ҳабибуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, маърузаларда кўтарилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва семинар хулосаси қабул қилинди.

Шу билан академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 18-йиғилиши ўз ишини якунлади.

*Э. Нуриддинов*

## МУНДАРИЖА

### Тарихга янги нигоҳ


Б. Матбобоев. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари . . . 3

В. Киселев. Демографическая статистика в колониальном Туркестане во второй половине XIX века . . . . . . . . . 11

С. Тиллабоев. Мустамлакачиларга қарши Дарвишхон бошчилигидаги қўзғолон . . . . . . . . . . . . . 19

О. Суюнова. Чор Россиясининг Туркистонни бошқариш ҳақидаги 1886 йил низомининг аграр бандлари ҳақида . . . . . . . 27

Ж. Исмоилова. Туркистонда 1916 йил мардикорликка сафарбарлик . . 31

Р. Абдуллаев. Туркестан в 1917 году: национальное движение и военный вопрос . . . . . . . . . . . . 38

Х. Юнусова. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда миллий муносабатларнинг баъзи жиҳатлари . . . . . . . . 42


### Манба ва талқин


М. Ҳамдамова. «Тарихи элчи Низомшоҳ» Ануштегиний хоразмшоҳлар давлати ҳақида . . . . . . . . . . 50

Ж. Ибодов. Қутбиддин Шерозийнинг «Дубож салтанати тожи марвариди» («Дурра ат-таж ли ғурра ад-дубаж») қомуси ҳақида . . . . 57


### Этнология масалалари


У. Абдуллаев. Этнологиянинг баъзи бир назарий масалалари . . . . 60

А. Аширов. Ўзбек халқи мотам маросимларида зардуштийлик излари . 65

Г. Зунунова. К вопросу о ритуальной обрядности узбеков . . . . 72


### Тарихчи кутубхонасига


А. Аширов, У. Абдуллаев. Қ. Шониёзовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» монографияси ҳақида . . . . . . . . 79


### Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар


Э. Нуриддинов. Академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинари йиғилишлари ҳақида . 82

## МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

**Б. Матбобоев** — ЎзР ФА Я. Ғуломов номли Археология институти Турон археологияси бўлими мудири, т. ф. н.
**В. Киселев** — Янгийўл шаҳар мактаб ўқитувчиси.
**С. Тиллабоев** — ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.
**О. Суюнова** — ЎзР ФА Тарих институти докторанти.
**Ж. Исмоилова** — ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, бўлим бошлиғи, т. ф. н.
**Р. Абдуллаев** — ЎИИВ Академияси ўқитувчиси, т. ф. д.
**Х. Юнусова** — ЎзМУ докторанти.
**М. Ҳамдамова** — Самарқанд Давлат Чет тиллар институтининг аспиранти.
**Ж. Ибодов** — Тошкент электротехника алоқа институти фалсафа кафедраси профессори, т. ф. д.
**У. Абдуллаев** — ЎзР ФА Тарих институти докторанти.
**А. Аширов** — ЎзР ФА Тарих институти илмий котиби, т. ф. н.
**Г. Зунунова** — ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т. ф. н.

840 хр

Индекс 1027